

15  
С 58



ОНГ ОСТИ СИРЛАРИ

**Валерий  
Синелников**  
**Стрессдан эмланиш**

ОНГ ОСТИ СИРЛАРИ

**Валерий Синелников**

**Стрессдан эмланиш**

Тошкент  
“Наврӯз” нашиёти  
2018

**УУК 612(21+14)**

**КВК 87. (5Үзб)4**

**C77**

**Синелников В. В.**

Стрессдан эмланиш. - Т.: "Наврӯз" нашриёти, 2018. -200 б.

**ISBN 9789943381834**

В. В. Синелников – машхур амалиётчи психотерапевт, психолог, минглаб одамга соғлигини тиклаш, моддий фаровонлигини ошириш, ҳаёт қувончини ҳис қилишга ёрдам берган оддий ва самараордорлиги билан ўзига хос бўлган психологик методикалар муаллифи. Унинг бу китобидан қандай қилиб онг остингиз имкониятидан куч ва энергия тўплаш, муаммоларингизни тушуниш, стресс ва касаллик нималигини батамом унутиш учун фойдаланиш мумкинлигини билиб оласиз. Китоб шифобахш кучга эга. Унинг ижобий таъсири китобни қўлга олган пайтингизданоқ бошланади.

**Рус тилидан Фируз Сафаров ва Зулфия Сафарова таржимаси**

© В. В. Синелников, 2008

© Ф. Сафаров, З. Сафарова (тарж.),  
"Наврӯз" нашриёти, Тошкент, 2018

**ISBN 9789943381834**

## Стрессдан әмланиш

Мен Ҳаётни севаман. Унинг барча қўринишида. Бироқ мени фақатгина куртларга ем бўлиш истиқболи қаноатлантирумайди. Менга коинотнинг чексиз кенгликлари бўйлаб ўрганиш ва саёҳат қилиш ёқади. Истасангиз сизни ўзим билан сафарга таклиф қиласман. Саёҳат жуда мароқли бўлишига ваъда бераман.

## **БАҒИШЛОВ**

*Бу китобни суюкли рафиқам Людмилага – Коинотдаги энг  
гүзал аёлга бағишилайман.*

Гарчи мен бор-йүғи кичик зарраман  
Боши ҳам йўқ, сўнги ҳам йўқ чексиз маконда.  
Умрбод улут ишлар қилиб юраман  
Тангриш шуни амр қилган яратган онда.

Менинг бу оламга нима дахлим бор?  
Ҳар биримиз унга боғлиқмиз ниҳон.  
Жўш урар коинот: қўшар, айирап...  
Бироқ бир бутундир аслида Жаҳон.

Рұхим агадийдир, ўлмас хилқатдир,  
Ундадир боқийлик уруғи пинҳон.  
Менга бу дунёда шу эрур тақдир:  
Эзгулик қиласман ҳаётда ҳар он.

*Владимир Синелников*

## **Китобхонларим мактубидан**

Мен шунчаки Сизга хат ёзгим, жуда қизиқарли китоблари-нгиз учун миннатдорчилик билдиргим келди. Мен Сиз каби ғаройиб кишилар борлиги учун Худодан миннатдорман. Сиз туфайли мен борган сари оёғимда мустаҳкамроқ туряпман ва ўзимга ишончим ортиб боряпти. Китобларингизни ўқигач менинг дунёқарашим, феъл авторим кескин ўзгарди. Менинг ҳаётимда ҳайратомуз ҳодисалар юз беряпти. Мен ҳеч қачон шेърият билан қизиқмаганман, тўсатдан ... ўтган йили, 43 ёшимда шеър ёза бошладим...

*Журавлёва Олга, Қозоғистон*

Китобларингиз орқали берган сабоғингиз учун Сизга миннатдорчилик билдиришга рухсат этинг. Сизнинг китобларингиз кишини ўз устида ишлашга ўргатади, ҳаётини ижобий туйғулар билан бойитади, хотиржамлик, омад, муваффакият, энг асосийси – Мұхаббат ҳадя этади. Шунчаки истеъодингиз мухлисларига күшиламан демоқчиман.

*Гагина Елена, Рязан ш.*

Мен доктор Синелников ҳақида “Дардингни сев” китобидан хабар топдим. Бу китоб мени ҳайратда қолдирди. Мен дарров “Ниятнинг кучи” китобини сόтиб олдим. Мен муаллифдан жуда миннатдорман. Бундай китоблар учун унга катта раҳмат.

*Малютина Лидия, Екатеринбург ш.*

Сизга “Дардингни сев” китобингиз учун миннатдорчилик билдириш мақсадида ёзяпман. Мен анчадан бўён соғлигимни бошқаришни ўргатадиган китобни излаб юрган эдим. Менга

уни Янги йилга шунчаки тасодифан совға қилишди. Ҳозир мен уни Худонинг тухфаси деб биламан. У жуда тушунарли, кўп нарсани ўргатади. Китоб учун Сизга катта раҳмат

*Малетина Вера, Брянск ш.*

Азиз ўғлим Валера! Сизга шуни айтмоқчиманки мен сотиб олиб ўқиб чиққан икки китобингиз бутун ҳаётимни остин-устин қилиб юборди. Ёзган китобларингиз учун сизга чин дилдан раҳмат айтаман. Сизнинг ишларингиз Нобел мукофотига лойиқ. Мен сизни дунёга келтириб шундай ажойиб инсонни тарбиялаган аёлга – онангизга миннатдорчилик билдираман.

*Койтемирова Майя, Днепропетровск ш.*

Мени Сизнинг бир танишимдан ўқиши учун олган “Ниятнинг кучи” китобингиз жуда қизиқтириб кўйди. Мен Сизнинг китоб-кўрсатмангиз билан “учрашувим” учун Коинотдан миннатдорман. Энди ундан ажралишим қийин. Кўлимда китобнинг ўзимга тегишли нусхаси бўлишини жуда хоҳлайман.

*Горбенко Нина, Братск ш.*

“Дардингни сев” китобингизни сотиб олдим. Жуда керакли, юмшоқ энергетикали китоб. Уни неchanчи бор қайта ўқияпман.

*Цирков Виктор, Салск ш.*

“Одамларга яшаш ва ҳаётдан қувонишга ёрдам берәётган ишингиз ва китобларингиз учун Сизга чин дилдан раҳмат.”

*Кошенкова Н.И. Макеевка ш.*

“Дардингни сев” китобингизни ўқиб чиқдим. Мен шокка тушиб қолдим. Мен қалбим ақлимни таниганимдан бери излаган нарсани топдим. Мен Худо шундай шифокорни юборсин деб кўп йиғлаб илтижо қилдим. Мана у менга Сизнинг китобин-

гизни берди. Китобни мендан сўраяптилар, у эса битта ва мен учун азиз.

*Лютова Татьяна, Коврижния қишлоғи*

Мен Сизнинг “Дардингчи сев” китобингизни сотиб олдим. У мени ҳайратда қолдирди. Наҳотки фикрлаш тарзи, ўзингга, одамларга, кўпгина одатий нарсаларга муносабатни ўзгартириб турли-туман касалликларни даволаш мумкин бўлса!

*Скребнева Анна, Обеста қишлоғи*

## Сүзбоши ўрнида

Биринчи китобим “Дардингни сев” чиққанидан сўнг менга миннатдорчилик билдирилган кўплаб мактуб келди. Улардан мен китобим кўпчилик учун энг зарур китобга айлангани ва ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга ёрдам берганлигини билиб олдим. Кўп киши китобни ўқигач йиллаб қийнаган касаллигидан халос бўлиб соғайишга юз тутган. Бошқаларга китоб оиласдаги мұносабатни йўлга кўйиш, моддий аҳволини яхшилашга ёрдам берган.

Тан оламан, муаллиф сифатида менга китобларим одамларга соғлиқ ва қувонч баҳш этәётганини билиш жуда ёқимли. Бу менга ёзишни давом эттиришим учун кучли туртки беради.

Китобхонларим мактуби орасида жуда кўп дил розлари бор. Ёрдам сўраб ёзганлар эса ундан ҳам кўп.

Бир мактубдан парча келтираман.

“Азизим доктор Синелников! Менга ўзимни, касалликларимни ва уларнинг келиб чиқиши сабабини тушунишмга ёрдам беринг! Илтимос!!! Мен бу сабабларни бартараф қилиб, соғлом ва баҳтли бўлишини жуда хоҳлайман! Ўғлим билан эрим соғлом ва баҳтли бўлишини жуда хоҳлайман! Менга бу иш қилиб бўладигандек туюлади. Бироқ бу бор-йўғи сароб. Ҳамма иш ёмон! Мен ҳаммасини ақлим билан тушунаман бироқ ҳамма ишни шундай қиласманки бошқалар ва ўзимга яшашни азоб-уқубатга айлантираман. Шунинг учун китобингизни сотиб олдим, ўни тушунишга ҳаракат қиляпман. Бироқ бу иш мен учун осон бўлмаяпти.

Мана сиз коинот қонунларини тушуниши керак деб ёзгансиз. Ўқидим, бироқ уларни ҳаётда қандай қилиб қўллашни билмайман! Масалан “Ташқи олам ички оламни акс эттиради” ёки “Ўзинг ўзгарсанг – атроф олам ўзгаради”.

Лекин қандай қилиб бир қвартирада айни ўша одамлар билан, уларнинг ўша одат ва муаммолари билан яшаб туриб уларга муносабатингни ўзгартириш мумкин? Қандай қилиб бизни тұнаган ҳокимиятга муносабатимни ўзгартышиш мумкин?"

Бошқа ўкувчи сўрайди:

"Қандай қилиб бирор ёмон нарса ҳақида ўйламаслик, қандай қилиб фақат яхши фикрлардан фойдаланиш мумкин? Бу лаб бүёғи эмас-ку: хоҳлаганингни танлаб олиб бошқасини четга сурис қўйсанг. Фикрлар истасанг истамасанг миянга келади. Нимадандир қўрқсанг – айнан шу нарса содир бўлади.

Сиз киши ўз олами учун жавобгарликни зижмасига олиши яъни ҳеч кимни айбламаслиги, сўкмаслиги, танқид қилмаслиги керак деб ёзгансиз. Ўргатинг, қандай қилиб?"

Дарҳақиқат! Киши ўз дунёқарashi, хулқ-атвори ва фикрларини ўзгартириши кераклиги ҳақида кўп гапириб ёзяптилар (шу жумладан мен ҳам). Одамлар менга мактуб жўнатиб, қабулимга келиб буни қандай қилишни сўраяпти. Мен кўпчилик ўзаришга тайёрлиги бироқ буни қандай қилишни билмаслигини тушундим.

Кўпчилик ўкувчиларим севиш ва хушфеъл бўлиш фойдали эканлигини тушуниб етган. Бироқ буни қандай қилиш керак? Бу шунга ўхшайди: ҳамма соғлом ва бой одамнинг устунлигини билади шунга қарамай кўпчилик камбағал ва касаллигича қолаверади. Бу китоб – ўкувчиларим ва мижозларимга менинг жавобим. Ҳаётини ўзгартиришни хоҳлаганлар, янада ривожланиш ва мукаммаллашишни истаганларга жавоб. Бу ҳаракат қилиш учун реал кўлланма.

Мен Психоэнергетик Айкидо деб номланган маҳсус стратегия ишлаб чиқдим. Мен ўз методикамни номлаш учун бекорга Шарқ жанговар санъатлари йўналишидан бирининг

номини танламадим. Айкидода сиз муштларингизни силкитиб тикка ташланмайсиз, рақиб зарбасининг кучидан фойдаланиб унинг ўзига қарши йўналтирасиз. Демак рақибингиз ўзидан сизнинг энергиянгиз билан кучайтирилган зарба олади. Бироқ Айкido шунчаки кураш турй эмас. Бу – Йўл. Инсон оламни англайдиган Йўл.

Мен ўз китобимда таклиф этаётган Психоэнергетик Айкido ҳам психологияк кураш тури эмас, умуман кураш ҳам эмас. Сиз Мен бу ерда тасвирлаган усулларни одамларга қарши ишлатолмайсиз. Улар сиз ва одамларга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Психоэнергетик Айкido – атроф олам билан самарали алоқа қилиш санъати, бу оламни англаш воситаси. Бу ўз ҳаётингиз ва атрофингиздагилар ҳаётини қувончли ва баҳтили қилишнинг ажойиб усули.

Азиз ўқувчиларим! Кўлингиздаги китоб айнан сиз учун мўлжалланган. Мен ўз устида ишлаш жуда қизиқарли ва мароқли жараён эканлигини ёзган эдим. Бу китобда мен ҳаётимизга яна бир қизиқарли қурашни таклиф қиласман. Психоэнергетик Айкido – шунчаки ишчи стратегия эмас, бу янгича фикрлаш тарзидир. Бу ўз ҳаётининг хўжайини позицияси.

Бу методикани ўзлаштириб сиз шунчаки ўзингиз ва бошқаларнинг муаммосини яхши тушуниб олишга ўрганибина қолмайсиз, асосийси – сизнинг ҳаётингиздан стресс, салбий туйфулар, улар билан бирга барча касаллик ва муаммолар бутунлай чиқиб кетади. Сиз ҳаётигизда узоқ кутилган уйғунлик ва баҳтсабодатни қўлга киритасиз. Ўзингизни сеҳргар деб ҳис қила оласиз.

Сизга муваффақият тилайман!

## Биз ўйнамасак бизни ўйнатадилар

Хурматли ўқувчи! Мен сизни инсон руҳиятининг чексиз кенгилклари бўйлаб саёҳатни давом эттиришга, шунингдек мен билан бирга ҳаёт ҳақида ўйлашга таклиф қиласман. Балки биз биргаликда олимлар ва файласуфларнинг ақлини безовта қилиб келган азалий саволларга жавоб топармиз.

Минг йиллар давомида дунёдаги барча динлар муҳаббат ва шафқатга даъват қилиб келган. Олим ва файласуфлар борлиқ нинг моҳиятини билишга, ҳақиқатни англашга уриниб келган. Бироқ шу вақтгача оламда кўп нарса ўзгармаган. Касаллик ва зўравонлик камаймаган. Муаммолар илгаригича қолган, фақатгина декорациялар ўзгарган.

Нима учун одамлар бой ва тасаввурга сиғмайдиган борлиқ билан тўқнашиб ўзига оғриқ ва азоб яратади?! Сабаб нимада?

Балки дин номукаммалдир ёки фан бошқа йўлдан кетаётгандир? Дунёда ёвузлик камаймаётган экан, биз у билан яхши курашмаётгандирмиз?

Келинг дарҳол бундай мулоҳазаларни четга улоқтирамиз. Сабабни ташқи оламдан изласак биз эртами-кечми тузоққа тушамиз.

Барча муаммонинг сабаби ташқи оламда, ҳатто зўравонлик ва азоб-укубатда эмас. Барча сабаб инсоннинг ўзида. Аникрофи у ўз бетакрор оламини яратиш учун фойдаланадиган мөделда.

Мен аввалги китобларим "Дардингни сев" ва "Ниятнинг кучи"да инсон ўз оламини яратадиган механизмни батафсил тасвиrlаган эдим. Бу китоблардан маълумки ташқи оламни яратадиган ва ўзгартирадиган асосий восита фикримиздир. Ундан фойдаланишни ўрганиш зарур.

Биз биламизки ижобий фикрлар ҳәётимида ижобий вазиятларни, салбий фикрлар эса – касаллик ва азоб уқубатни юзага келтиради.

Қандай қилиб бу воситадан түлиқ фойдаланиш мумкин? Қандай қылсак фикр ва түйғулар бизни бошқармай биз уларга тұла равища әғалик қила оламиз ва бутун кучимиз билан оламни ўзгартыриш учун фойдалана оламиз?

Голланд социологи Йоҳан Гейзинга инсон юриш-туришидегі үйин элементини үрганиб биз доим ҳам ўзимиз англай-вермайдиган үйин қоидалари асосида яшашимизни аниқлаган. Бошқача айтганда биз муайян қоидалар асосида үйнаётганимизни ўнугиб құямыз.

Буни исботлаш учун күпгина эксперимент ўтказилған. Мана улардан бири.

Маъруза пайтида аудитория эшиги тұsatдан очилиб иккекиши: оқ танли ва негр кириб келади. Улар орасида кураш бошланади. Бирдан негр банан чиқарып оқ танлиға уради. Оқ танли қорнини ушлаб полға ииқилади.

Сүров ўтказилғанда барча талаба негрнинг құлида пичоқ “күрганини” ишонч билан таъқидлалған.

Бошқа аудиторияда айни шу экспериментни, фақат секинроқ қилиб тақрорлаганлар. Бу сафар фикрлар бўлинган. Айримлар пичоқ, бошқалари – банани кўрган, учинчилари негрнинг құлида нима бўлганини айттолмаган.

Биз атроф оламни пассив қабул қилмаймиз. Коинотдан кела-етған турли – туман ахборотдан биз маълумотларни изохлайдиган шаклни фаол равища яратамиз. Яъни аввал қоидалар яратилади, сўнг биз воқеликни шу қоидаларга мослаштирамиз.

Биз пассив қабул қилмаймиз, балки фаол тарзда яратамиз. Ҳар бир одам (истайдими истамайдими, биладими билмайдими) туғилганидан бошлаб яратувчи бўлади ва умрининг охиригача шундай бўлиб қолади. Дарвоқе инсон бу дунёдан

кетиш ўрни ва усулини ҳам онгости ақли даражасида ўзи ҳал қиласи.

Бир киши күрган нарса ҳеч қачон бошқа киши күргани билан тұла мос тушмайды. Ҳар бир одам ўз воқелик моделини яратади.

Яхши ёки ёмон модел йүқ. Шунингдек ёмон ёки яхши одам, шеър, фильм ҳам йүқ. Ҳаётда ёвуз киши ижобий қаҳрамонга айланиши мумкин. Бир сифат бошқасига ўтади. Муз эриб сұв бўлади, сұв эса буғга айланади ва аксинча. Материя заррачами ёки тўлқинми деб баҳслашиш аҳмоқлик.

Қачондир Қадимги Юноностонда бир гурӯҳ киши бўлиб, уларни маг ва сеҳргар деб ҳисоблаганлар. Улар арифметика билан шуғуланган. Бу одамлар сон (рақам)ларни билган ва уларни қўшиб айира олган. Бироқ бир куни уларнинг сафида бўлинниш юз берибди. Чунки қўшиб айриш жараёнида улар фақат мусбат сонлар эмас, манфий сонлар ҳам борлигини англабди. Шунда айрими фақат мусбат сонлар мавжуд деса бошқаси фақат манфий сонлар мавжуд деб туриб олибди. Бир донишманд одам топилмаганда бу баҳс нима билан тугаши номаълум экан. У келиб шундай дебди: “Қайси сонлар яхшироқ, деб баҳслашишга не ҳожат? Келинглар ҳам мусбат, ҳам манфий сонларни бирлаштириб бу фанни алгебра деб атаймиз”.

Бутун дунё – театр, ундаги одамлар – актёр деганида Шекс-пир ҳақ эди. Бу чинданам шундай. Болалигимизданоқ биз ролларни ўрганамиз, бизни муайян ўйинни ўйнашга ўргатадилар. Бироқ кейин бу бор-йүғи ўйин эканлигини, қоидаларни ўзгартириш мумкинлигини, бошқа ўйинни ўз қоидамизга қўра ўйнаш мумкинлигини, уни ҳам шундай реал ва ҳаққоний қилиш мумкинлигини унутамиз. Ҳар қандай ўйиннинг ўз қоидаси бор. Ҳар қандай моделнинг ўз қонунлари бор. Улар фақат шу ўйин доирасида амал қиласи.

Болакай столга урилиб йиғлаб юборади. Онаси келиб болани овутади. У нима қиласи? У шундай дейди: “Қандай ёмон стол

ЭКАН! КЕЛ УНИ УРАМИЗ. МАНА СЕНГА! МАНА СЕНГА!" ШУ СҮЗЛАРНИ АЙТИБ ОНАСИ БИР НЕЧА МАРТА СТОЛНИ УРАДИ. БОЛА УНИНГ ИШИНИ ТАКРОРЛАЙДИ, ёғоч СТОЛНИ УРАДИ ВА ТЕЗ ОВУНАДИ.

БУ ПАЙТДА БОЛАДА НИМА СОДИР БӨЛЛАДИ?

Унга муайян дастур ўрнатилади. Аввал атроф олам унга оғриқ етказди деб ҳисобланади. Айбдор объект ажратилди. Шундай қилиб бола күрбонга айланди. Иккинчи қадамда бола жаллод-золим позициясини эгаллашга яъни бошқаларга оғриқ етказиб бундан хотиржам бўлиш ва хузур олишга ўргатилди. Бу схема турли вазиятда қайта-қайта такрорланади.

Мана шу тарзда биз болалиқдан ўйин қойдаларини қабул қиласиз ва бутун умр давомида оқибатини ўйламай ўйнашда давом этамиз. Бироқ энг ёмони шуки биз ҳаёт жараёнининг ўзини ўйин сифатида қабул қилмай қўйганмиз. Шунинг учун биз энди ўйнамаяпмиз, бизни ўйнатяптилар.

Биз кўп нарсанинг хўжайини бўлишга интиламиз. Бироқ кўл остиимизда улкан хўжалик борлигини, у билан биздан бошқа хоҳлаган киши шуғулланаётганини унугтганмиз. Тасаввур қилинг, ўйингизга бегона кишилар келиб хоҳлаган ишини қилса кўнглига келганини гапирса, бурчак-бурчакда қабиҳ ишлар қилса. Сизга шу ёқадими? Бироқ биз ўзимиз билан айнан шундай қиляпмиз. Биз истаган кишига ўз ҳаётимизни бошқаришга рухсат берамиз. Ҳар қандай эринмаган киши биз билан шуғулланади, фақат ўзимиз эмас. Сиёсатчилар, танишлар, шифокорлар, руҳонийлар... Хоҳлаган киши бизнинг хўжалигимизда хоҳлаган ишини қилади чунки у ерда хўжайнин йўқ. Бор-йўғи ўз ҳаётимизнинг хўжайини, ўз хўжалигимизнинг хўжайини бўлишимиз керак. Шунда ҳамма нарса дарҳол ўз ўрнига тушади. Ҳеч кимни айлашга ҳожат қолмайди. Ўз вақтида Вольтер шундай деган эди: "Келинг ўз боғимизни барпо қиласайлик". Келинг, азиз китобхон, ўз ҳаётимиз билан шуғулланайлик!

## Эски ва янги дунёқарааш модели

Мен дунёни фаол яратиш ва унда хўжайин ролида яшаш учун бутунлай янги моделни таклиф қиласман. Мен уни "Сехргар" модели деб номладим. Яна бир ишчи номи бор, "Хўжайин" модели. Сиз булардан исталган бирини танлашингиз ёки янгисини ўйлаб топишингиз мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу модел ишлайди.

Мазкур модел қандай ишлашини яхшироқ тушунищ учун эса келинг инсон дунёқарашининг эски ва янги моделини қиёсий таҳлил қиласмиз. Айтишади-ку ҳамма нарса қиёсда билинади деб.

### "Золим – Курбон" модели

#### Асосий қоидалар

1. Инсон уни ўраб турган мухитдан алоҳида ҳолда яшайди.

Бу модел инсонни уни ўраб турган оламдан алоҳида ғолиб қарайди, унга қарама-қарши қўяди. Ташқи олам ёт мухит сифатида қаралади.

Материянинг эски нютон-картизианча таърифини эсланг (кейинчалик Маркс ва Ленин уни ўз мақсадлари учун мослаштиради).

Материя – инсон онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив реаллик.

Бу ҳақида ўйлаб кўринг!

Оламнинг бундай ажратилиши онгимизга жуда чукур ўрнатилган.

Оммавий гипноз ёрдамида (биринчи навбатда фан, таълим ёрдамида) онг остимизга маълум постулат ва қоидалар сингдирилади. Биз ҳозиргача улардан чекинишдан кўрқиб шу қоидалар бўйича яшаб келаяпмиз.

Фанда ажратиш тинимсиз равишда ҳақиқатни излаган қадимги юонон файласуфлари, жумладан Арастудан бошланган. Сүнгра Нютон олам тузилиши моделининг кўринишини ўзgartирди. Бу моделга кейин бошқа олимлар ҳам ўз ҳиссанини кўшиди.

Айрим қадимиј цивилизациялар эса ҳаёт ва тараққиёт учун бошқа моделдан фойдаланган. Шу сабабли биз ҳозирги фан ва техника тараққиётимиз билан эриша олмайдиган нарсани яратган. Биз маданий оламда яшаётганимиз билан кериламиз. Бироқ бу чиндан ҳам шундаймикан?

Фан ва таълим эса шундай ўзига хос фалсафий қарашни шакллантираяптики унга кўра инсон кичик ва аҳамиятсиз. У Коинотдаги бор-йўғи бир чанг зарраси шунинг учун унга оз нарса боғлик, аниқроғи – инсон ўраб турган оламга боғлик.

Энг даҳшатлиси, бу модел фақат катта кишилар устидан хукм юргизиб қолмаяпти. Уни гўдак она сути билан ўзига сингдиряпти. У шунчаки насл орқали ўтаяпти. Бу модел инсон онгига ҳукмрон бўлиб қолар экан, ер юзидағи бирор инсон баҳтли бўла олмайди.

Сиз ҳали бунинг ҳаммаси нима учун қилинаётганини билмасангиз бу саволга жавоб менинг китобларимда келтирилган.

Айнан ажратилганлик ҳақидаги сароб зўриқиши, стрессли туғдиради. Буни тушунмаслик ва стрессга нотўғри муносабатда бўлиш эса касаллик ва азоб-укубатларга охир-оқибатда – ўлимга олиб келади.

2. Атроф олам – душман ва иттифоқчи-кучлар олами. Эзгулик ва ёвузлик олами.

Бундай оламда яшаш нақадар қийин. Доим ҳужумни кутишга тўғри келади. Доим зўриқиши ва кўркув ҳолати. Ўз ҳаёти учун кўркув.

Атроф мұхит ёт ва адоваратли деб қабул қилинади:

Мен шу хулосага келдимки, бу моделдан фойдаланадиган одам доим ўзига хос тирик қолищ безовталиги ҳолатида бўлади.

Бошқа томондан – одамга вақт босим ўтказади. У шафқатсиз оқади. Ҳар бир туғилган кун ёшинг ўтганини эслатади. Шунда қарилик ва ўлим кўркуви пайдо бўлади.

Соғлиқ ҳолати-чи, ахир қариликда касалликлар анча кўпажади деган фикр кенг тарқалган.

Бундан келиб чиқадики биз қанча улғайсак ички безовталигимиз шунчалик кучаяди, касаллик шунчалик кўпайиб кучимиз камаяди.

3. Инсон организмига доим маълум душман ќучлар (микроорганизмлар, физик ва кимёвий факторлар, одамлар фаолияти) таъсири қиласи. Инсон доим қамал ва кураш ҳолатида туради.

“Атрофда душманлар!”

Менинчада кўпчилигимизга бу ҳолат таниш бўлса керак. Кабинетимда анча ёшга бориб қолган мижоз ўтирибди. Унинг ҳаётида турли касаллик ва муаммо кўп. У беш дақиқадан бери бутун вужуди билан берилиб ва ғазаб билан ўз душманларини сўкяпти. Ҳатто уларни йўқ қилишга тайёр.

Мана сизга инсон “Золим – Курбон” моделидан фойдаланганда юз берадиган типик мисол. Аввал у “ёмон” ҳукумат қашшоқликка олиб борган курбон ҳолатида эди, сўнг ўз мусибатлари учун айбдорларни жазолаш учун ўзи билмаган ҳолда жаллод ролига ўтади. Бу одам ҳамма қасалликларини қалбида саклаган ғазаб ва аламлари билан яратган.

Ҳаммаси жуда оддий! Агар сиз сизга оғриқ етказдилар деб ҳисобласангиз унда автоматик равишда курбонга айланасиз. Сиз бошқаларга оғриқ етказсангиз – энди сиз золимсиз. Бироқ ҳар қандай золим, эртами кечми, барибир курбонга айланади чунки ҳар қандай курбон золим бўлишини орзу киласи.

4. Ҳаётни сақлаш – кураш демак. MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDA TOSHKENT AXBOROT UNIVERSITETI

Ёвузлик билан абадий кураш. Тирик болишни таҳлил

Баъзан биз ёвузликин енгамиз (одатда күч ишлатиш билан), баъзан жангда уғолиб чиқади. Ҳатто биз ёвузликин енгиси үргансак ҳам охир-оқибатда жангни ютқазамиз чунки ўламиз. Ёвузлик ҳам камаймайди, акс таъсир кучи таъсир кучига тенг. Ёвузлик билан қанчалик кучлироқ курашсак у шунчалик кучлироқ ва мұқаммалроқ бўлаверади.

Ўз ҳаёти учун душман олам билан курашадиган одам аслида яшамайди, балки кун кечиради.

Кун кечириш эса аста-секин ўлмоқдир. Демак кун кечираётган одам яшамайди балки ўлиб боради яъни онг ости даражасида ўлимга интилади.

### 5. Олам чекланган.

Бундай оламда одам доим ниманингдир етишмаслигини хис қилиб туради: захира, пул, вақт.

Бошқалардан ўзиб кетиш керак, рақобатчиларни янчиш керак, иложи борича кўпроқ юлиш керак, бўлмаса тегмай қолади. Ахир олам чекланган – ҳаммага етмайди.

Мен сизга ўз қонун ва қоидаларига эга бўлган инсон дунё-қарашининг янги моделини таклиф қиласман.

## “Хўжайин (Сехргар)” модели

### Асосий қоидалар

1. Биз атроф оламдан ажралган ҳолда яшамаймиз балки унинг бўлагимиз. Бизни куршаб турган олам – бизнинг оламимиз. Бу дунёдаги ҳамма нарса кўринмас алоқадорлик ришталари билан боғланган.

Қандай қилиб ҳужайрани бутун организмдан алоҳида олиб қараш мумкин?! Организм ҳам, ҳужайра ҳам ўзаро боғлиқ. Ажратиш фақат ҳар бир ҳужайра ўз вазифасини бажариши учун мавжуд. Ҳар бир ҳужайранинг асосий вазифаси эса – бутун организмнинг ҳаёти ва гуллаб яшнашидир. Агар ҳужайра ўз

вазифасини бажарса, у организмдан барча зарур нарсани олади. Қачонки хужайра ўзини организмдан ажрата бошласа у ўсмага айланади. Рак хужайраси организм ҳисобига яшайди, унинг шарбатлари билан озиқланади ва аста-секин уни йўқ қиласди, охир-оқибатда – ўзини ҳам.

Инсон хужайра каби Коинотнинг бир, бутун организмида яшайди. Инсоннинг асосий вазифаси – шу организмнинг соғлиги ва гуллаб яшнашидир. Биз одамлар ўзаро умумий ҳаёт ғояси, Яратиш ғояси билан боғланганмиз. Бу ғоя бизни ажратмайди, балки бирлаштиради. Биз ҳаммамиз истеъмолчидан яратувчи ва ижодкорга айланишимиз керак. Бироқ токи одамни дўст ва душманларга бўлар эканмиз биз бу дунёда тирик қолиш учун курашамиз. Эски моделда яшайдиган одам ўзи ва атрофидагиларга озор беради. Аста-секин у ўзини Табиатдан, одамлардан, уруғ-аймоғидан, Ватанидан ажратади ва ўсимтага айланади. Дунёда рак касалликларининг кенг тарқалғандигига сабаб шу эмасмикан?

Янги моделда гап тирик қолиш ҳақида эмас, балки яашаш ва қувонч ҳақида боради. Биргаликдаги ижод ҳақида. Яратиш ҳақида боради.

2. Биз ўзимиз ўраб турган оламни яратамиз; ўз фикр, туйғуларимиз, юриш-туришимиз билан ясаймиз, ижод қиласмиз.

Чексизликнинг бутун хилма-хиллигидан биз ўзимиз учун унинг доирасида ўзимизни озми кўпми хотиржам ва қулай ҳис қиласдиган муайян чегараларни белгилаймиз. Биз воқеликнинг ўзида эмас, унинг моделида яшаймиз.

Воқеликнинг ўзи билан бизнинг олам моделимиз ўртасида улкан фарқ бор.

Бу ўз-ўзидан аён. Ҳақиқатни сўз билан тасвирлаб бўлмайди чунки (асли ўзи чекланган) тилдан фойдаланишни бошладикми, биз асл манбадан узоқлашамиз. Бундан кимнинг худоси ҳақиқийлиги ҳақидаги баҳсларнинг бемаъни эканлиги аён бўйича.

лади. Кимнинг нуқтаи назари түғрироқ эканлиги ҳақида баҳслашиш шунчаки аҳмоқона ишдир. Ҳар қандай баҳс эски дунёйкараш маҳсулидир.

Бу дунёда бирор түғри ёки нотүғри нарса йўқ. Шунчаки у ёки бу вазиятда фойдаланиш мумкин бўлган фойдали нарсалар бор.

Шунга кўра яхши ёки ёмон одамлар йўқ. Ҳар бир инсон ўзи яратган оламида яшайди ва маълум вазифаларни бажаради. Бир одамнинг олами бошқа кишининг оламидан фарқ қиласди. Бинобарин барчә одамни бир қолипга солиш керак эмас.

3. Бу дунёдаги ҳар бир одам (одамни) қўя туринг – ҳар бир ҳайвон, дараҳт, тош) ички оламимизнинг акси, ўзимизнинг ташқаридаги давомимиз, проекциямиздир. Ташқи олам ички оламни акс эттиради.

Менимча, сиз ҳаммангиз болалигингизда ойна ёрдамида қуёш қуёнчасини юборгансиз (ойна ёрдамида бирор нарсага туширилган нур рус тилида солнечный зайчик дейилади). Бироқ нима учун қуёш нурини қуёш қуёнчаси дейишларини оз киши билади. Маълум бўладики илгари ойна ва маҳсус қопламали тахта – фланелеграфдан фойдаланилган болалар ўйини бўлган экан. Шундай қилиб қофоздан қуённинг кичикроқ суратини қирқиб олиб ойнага ёпиштирганлар. Бу ойна билан қуёш нурини тутиб уни фланелеграфга йўналтирганлар. Тахтада қуёш нури билан ўралган қуённинг сурати пайдо бўлган. Бола бу қуёнчани белгилаши керак бўлиб ўндан сўнг қуёнча бошқа жойга “сакраб ўтган”. Кейин бола ҳамма қуёнчани санаб чиққан.

Мен нега мисол сифатида айнан шу ўйинни танладим. Чўнки у онгимизнинг табиатини аниқ акс эттиради. “Қалбимиз ойнаси”да тасвирланган барча нарса ташқариди акс этади. Бошқача айтганда биз атрофимизда ичимизда яширинган нарсани кўрамиз.

Бундан содда ва буюк хулоса келиб чиқади: **биз адолатли оламда яшаяпмиз!** Атрофдагилар ва ўзимизга нисбатан ҳар қандай тажовузкор феъл-авторимиз дарҳол ўзимизда акс этади. Ахир атроф олам - бизнинг оламимиз. Аксинча, ўзимизга ва ташқи мұхитта бўлган эзгу муносабатимиз ижобий воқеалар занжирини вужудга келтиради.

4. Ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган оламимиз учун жавобгармиз.

Биз бу оламнинг қонунларини биламиزم, билмаймизми - бу бизни жавобгарликдан озод қылмайди.

Мадомики мени қуршаб турган олам менинг ички оламимнинг акси экан, демак мен ва фақат мен ўзим билан содир бўладиган ишлар учун жавобгарман.

5. Биз доимий равишда табиат қучларининг турли кўришиллари (микроорганизмлар, физик ва кимёвий факторлар, одамлар фаолияти) билан алоқада бўламиз. Уларнинг ҳаммаси атроф мұхитнинг ажралмас қисмидир. Бу қучларнинг ҳар бири биз учун фойдали бўлиши мумкин.

Бошқача айтганда ижобий ёки салбий энергия йўқ. Яхши ёки ёмон одамлар йўқ. Шунчаки энергия, куч бор. Унинг ўзини қандай тутиши бизнинг фикр ва ҳаракатларимиз билан белгиланади.

Янги модел сизга бу қучларнинг келиб чиқишини тушунишга ва уларни ўзингиз ва ўраб турган оламнинг манфаати учун ишлатишга ёрдам беради. Сиз ўз яшаш усулингиз ва атроф мұхит билан тотувлик ва мувозанатга эришишингиз мумкин.

6. Биз ўз фикр, туйғуларимиз ва феъл-авторимизга таъсир ўтказа оламиз. Биз атроф оламга таъсир ўтказишимиз мумкин.

Ниятларимиз тозалиги ҳақида қайғуриб ўз соғлигимиз ва фаровонлигимиз ҳақида қайғурамиз. Ўз устимизда ишлаб ўзимиз ўзгарамиз ва воқеалар ривожини ўзгартирамиз.

7. Биз тўкин-сочин Коинотда яшаяпмиз.

Бу олимларнинг сўнгги тадқиқотлари билан исботланган. Инсон туйғуси ва инсон фикри буёмлар оламини яратади. Бу ерда имкониятлар чекланмаган.

Чеклашлар фақат эски моделда мавжуд. Янги моделда истаган нарсангизни қўлга киритишингиз мумкин. Асосийси – ниятларингиз тозалиги.

Янги моделда сиз етишмовчиликда эмас, сероблика яшайсиз. Ҳамма нарсанинг сероблиги: энергия, куч, вақт, пул. Ҳеч нимани ғамлаш, тежаш керак эмас. Ҳамма нарса бор! Бирор нарса етмай қолади деган қўрқув йўқолади. Қадимгилар айтганидек: “Барча ҳақиқий нарса – серобликдан” ёки “Инсоннинг ҳақиқий эътиқоди у қаёққа кетаётган бўлса унинг аҳволи яхши бўлса ўша жойда” негаки унинг аҳволи ёмон бўлса у фақат ўзига ёрдам берадиган нарсага ишонади.

Сероблика ва ниятлар тозалиги билан яшаб сиз паразит ёки рак ҳужайраси каби шунчаки истеъмолчи бўлишни бас қиласиз. Сиз беришни, яратишни, ижод қилишни бошлайсиз. Бу жуда муҳим. Ахир бирор нарсани фақат шу нарса ўзингизда бўлгандагина бера оласиз-да.

Ҳар қандай модел ўз аниқ соҳасида фойдали бўлиши мумкин – уни ўша ерда қўллант. Менинг моделим ҳам шундай. У яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. У фойдали! Сиз ундан ўз оламингизни ўзгартириш, ҳаётингизни баҳтли қилиш, танангизни эса соғлом қилиш учун фойдаланишингиз мумкин.

Бу китобнинг мақсади – сизга янги моделни ўзлаштириш учун стратегия беришdir. Сиз қадам-бақадам олинган билимларни ҳаётда муваффақият билан қўлашни ўрганиб борасиз. Аста-секин сизда янги ҳолат – ҳўжайин, сөхрар ҳолати шакланади. Кейин эса бу кўникмалар онгости кўникмага айланади. Бу юришни ўрганишга ўхшайди. Ҳаммамиз қачондир юриш ва мувозанатни сақлашни ўрганганмиз. Ҳозир биз биринчи сабоқларимизни эсламаймиз ҳам. Бизнинг ҳаракатимиз автоматик ҳаракатга айланган. Биз биринчи қадамни қўйиш учун қайси

мушак ва пайларни таранглаштириш кераклигини ўйламай-миз-ку. Буларнинг ҳаммасини миямида сақлаганимизда бир қадам ҳам кўёлмаган бўлардик.

Янги моделга сабот билан ва мунтазам мурожаат қилинг, шунда аста-секин унинг тамойиллари онгости даражасига ўтади. Сизга қайси усулни қўллаш, қандай фикр шаклдан фойдаланиш ҳақида ўйлаб ўтириш керак бўлмайди. Ҳаммаси автоматик ишлай бошлайди. Сиз бошқа воқеликда яшай бошлайсиз.

Янги стратегия сизга бутунлигингизни тиклашга, чексиз имкониятларингизни юзага чиқаришингизга ёрдам беради.

Янги моделнинг бутун латофати шундаки сиз қимматли энергиянгизни стресс вазиятларда йўқотишни бас қиласиз. Аксинча бундай вазиятлар сиз учун ўзига хос тренажёрга айланади. Салбий туйғуларга қувватингизни бекорга ва зарарингизга сарфлаш ўрнига сиз ички куч тўплай бошлайсиз.

Мен стресс вазиятлар ҳақида ҳаёт сабоқлари сифатида ғапириши ни яхши кўраман. Шахсан мен учун кейинги вақтларда стресс вазиятлар мавжуд эмас. Умуман барча вазият икки тоифага бўлинди: ёқимли ва фойдали вазият. Ёқимли вазиятлар менга роҳат, ҳордиқ ва хотиржамлик ҳадя этади. Фойдали вазиятлар менга олға юриш, қандайдир янги нарса ўрганиш пайти етганлигини билдиради. Ҳаёт давом этади!

## Стресс нима?

Рус тилида бу сүз яқында пайдо бўлди. У инглиз тилидан олинган бўлиб (stress – таранглик) инсонда кучли таъсир натижасида пайдо бўладиган таранглик ҳолатини англатади.

Биз бу атамага салбий маъно юклаб унинг муайян жараён, ҳаракатни билдиришини унугиб кўямиз. Яъни тарангликнинг ўзи ёмон ҳам, яхши ҳам бўлолмайди. Ҳаёт тарангликсиз бўлмайди. Чунки ҳаёт – ҳаракат, демак стрессдир. Ҳамма нарса таъсирнинг даражаси ва инсоннинг оғирликка тайёрланганлиги аниқроғи машқ қилганлигига боғлиқ.

Стресс бўйича таниқли мутахасис Ганс Селе стресснинг кичик дозаси ёшликни, ҳаётий кучни қайтариши, мураккаб ҳаётий вазиятларни ҳал қила олиш кўникласини шакллантиришини исботлаган.

Инсонни стресс туғдирадиган таранглик эмас, ҳаётга ва унда вужудга қеладиган вазиятларга тайёрланмаганлик вайрон қиласиди.

Яқинда мен ўзим учун бир кайфиёт қилдим! Одамларнинг ҳаётидаги барча муммо уларда номаълум нарса билан тўқнашганда етарли даражада самарали ички стратегиянинг йўқлигидан келиб чиқар экан.

Демак инсон стресс вазиятлар энергиясидан ижобий тарзда фойдаланишни ўрганса унинг ҳаётидан ҳаддан ташқари таранглик чиқиб кетади.

Мен салбий ёки ижобий энергия йўқлигини ёзган эдим. Шунчаки энергия бор: Унинг қанақа – бунёдкор ёки вайронкор бўлиши фақат ўзимизга боғлиқ. Мисол учун куёш энергиясини оламиз. Биз ундан ўзимизга манфаат етказадиган тарзда фойдаланишимиз мумкин бироқ шу билан бирга нотўғри хатти-ҳаракатимиз натижасида у катта зарап етказиши мумкин.

Кундалик ҳаётда мен ёвузлик деб биладиган нарса бир кун келиб мен учун эзгуликка айланиши мумкин ва аксинча.

Бу ҳақда жуда яхши бир ривоят бор.

Уста шогирдлари билан саёҳат қилиб юрган экан. Бир куни улар бир бой хонадондан тунаш учун жой сўрашибди. Хўжайин уларни истамай тунашга киргизибди, отхонага бир кўчоқ похол ташлабди, бир кўза сув билан бир бурда қотган нон берибди. Эрталаб уста шогирдларига бор пулини йиғиб миннатдорчилик билан уй эгасига беришларини буюрибди.

Кейинги кечак улар бир камбағалдан қулбасиддаб тунаш учун жой сўрашибди. Уй эгаси охирги қўйини сўйибди, палов ёдамлабди, уларни уйидаги гиламларга ётқизиб ухлатибди. Эртёлаб уста шогирдларини уй эгаси уйғонмасдан уйғотиб уйга ўт қўйибди ва ҳаммага тезда кетишини буюрибди.

Кун бўйи шогирдлар оғир сукут сақлабди. Уларнинг кўнглида ишонч билан қаҳр қурашибди. Ниҳоят уста уларга ўзини қийнаган савонни беришга ружсат берибди. Қичқириқ қўтарилибди. Ҳамма бойға охирги пуллар теккани, яхши одамга эса миннатдорчилик ўрнига уйини ёққанларидан ғазабланнибди.

– На иложж, дебди уста, кичик билим катта билимни тушунолмайди. Шуни билингки бойга уни бутунлай хонавайрон қила-дигон можарога аралашиши учун айнан бизнинг пулимиз етмай турган эди. Камбағал одам эса бир умр олтининг устида яшагану буни билмаган. Энди ёнгандан уйининг қолдиқларини йиғиштираётуб туйнукдан олтин тангалар билан тўлган каттакон хўмни топиб олади.

Мен ҳаётимдан салбий стресс вазиятлар чиқиб кетганини ёзган эдим. Энди барча воқеалар ёқимли ва фойдали вазиятларга бўлинади. Ёқимли вазиятлар шуки мен уларда шунчаки ҳаётдан лаззатланаман. Фойдали вазиятлар эса қандайдир янги нарсани ўрганишимга, ўзим ва атроф оламни яхшироқ англашимга ёрдам беради. Мен уларидан ҳам, буларидан ҳам миннатдорман.

## Катталарнинг асосий хатоси

Ҳаддан ташқари тараплик вазиятнинг ўзи туфайли эмас, салбий муносабат вужудга келадиган модел туфайли ҳосил бўлади.

Курбон бўлиш нима дегани?

Бу доимий равишда оғриқни кутиб яшашдир.

Унда золим роли яхшироқдир?

Бўлмаган гап. Золим доим ўз ҳаёти учун кўркиб яшайди. Чунки у ўз хатти-харакати билан атроф оламни демак – ўз оламини яъни ўзини йўқ қилиб боради.

Барча хукмдорлар ўзини соқчилар билан ўраб олади чунки ўз курбонлари ёки ўзига ўҳшаган золимлар хужумидан кўрқади. Улар доимий кўркувда яшайди.

Ягона чора – курбон ёки золим ролини ўйнашни бас қилиб янги ҳулқ-автор моделини ўзлаштириш.

“Сеҳргар” модели ҳам ўйин бироқ жуда қизиқарли ўйин, у анча кўп эркинлик ва имконият беради. Сиз уни мукаммал ўзлаштирангиз ҳар қандай чегарани яратиш ва бартараф этишини ўрганасиз. Яъни ҳақиқий сеҳргарга айланасиз.

Аслини олганда бу ҳам бир сароб. Бироқ шундай қизиқарли ва ичида шунчалик имкониятлари борки! Сеҳргар ижод қиласди, яратади. Золим ва қурбон вайрон қиласди.

Ҳар бир инсон табиатан яратувчи. Бироқ буни унугиб қўйган. У уйкуда. Деярли барча катта кишилар ғайриоддий гипнотик уйку билан ухляяпти. Улар фақат яшаяпман дёб ўйлайди. Аслида улар сеҳрлаб қўйилган.

Бироқ қачонлардир чинданам яшашган-ку. Бола бўлганларида. Эртакларга ишонишган. Бирор нарсадан шубҳаланишмаган. Ўзлари ҳақида бутун дунёга жар сола олишган. Бироқ астасекин уларни жонли роботга айлантирганлар.

Ўзингиздан бошқа ким ҳам бу сеҳр-жодуни олиб ташлай олади?

Мен сизга бирор нарсани ўргатмоқчи эмасман. Сиз бунинг ҳаммасини қила оласиз. Мен бор-йўғи сеҳрли имкониятларигиз, чексиз захираларингиз ва қобилиятларингизни эслашингизга ёрдам бераман. Ўзингизга, ўз оламингизга кўз очиб қаранг. Сизда касаллик ва муаммолар борлиги, нимадирнетиш маётганлиги учун ҳеч ким айбдор эмас. Сизнинг оламингиздаги ҳамма нарса ўзингиз томонингиздан яратилган. Бундан оддий ва гениал хулоса келиб чиқади: ҳамма нарсани ўзгартириш мумкин! Фақат ўзгартиришни ўзингиздан бошлаш керак!

Буни қанчалик тезроқ тушунсангиз ўзаришлар шунчалик тез содир бўла бошлайди.

Сеҳргар ҳасадга ҳам, ғазабга ҳам, ращққа ҳам эҳтиёж сезмайди. Унга рақобат руҳи керак эмас. У шунчаки яшайди ва ҳаётни бошқарди.

У курашга кириш ва зўравонлик усуллари билан бирор нарсани қўлга киритишига уринишга эҳтиёж йўқлигини аллақачон тушуниб етган. У ҳаётдан барча зарур нарсани олади. Аникроғи ҳаётнинг ўзи унга буларни беради чунки у ўз ҳаётининг хўжайини.

Булгаковни эслайсизми? Воланд Маргаритага шундай дейди: “Ҳеч қачон ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама. Ўзлари келиб ўзлари ҳамма нарсани беришади”.

Боладай яшанг ва ўйнанг. Исо Масиҳ нима деганини эсланг: “Агар бола каби бўлмасангиз тангри салтанатига киромайсиз”. Боланинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатинг, У ҳамма жойда ва нарсада ўйнашга имкон топади. Биз катталар эса бунга фақат халал берамиз. Биз ҳамма нарсага ўта жиддий қараймиз. Биз олам чегараланган, унда янги ва қизиқарли нарса йўқ деб ўйлаймиз. Кекса кишилардан кўпинча улар маънодор ва ўйчан тарзда айтишни яхши кўрадиган куйидаги сўзларни эшитасиз: “Мен ҳаётни кўрганман, менда бой ҳаётий

тажриба бор". Ўзи эса кучдан қолиб түшакда ётибди. Хўш уни қасалликка олиб келган ва буёғи ўлимга олиб бораётган бўлса унинг қанақа ҳаётий тажрибаси бор экан? Ўйлаб кўринг, сизга шундай тажриба кёракми?

Болалар ўйнайди чунки олам улар учун сир ва жумбоқ. Улар учун ҳамма нарса қизик. Улар ҳамма нарсани билишга интилади.

Мен бир яшар ўғлимнинг қуршаб турган оламни ўрганаётганини кузатганимда унга ҳавас қиласадим. Мана у ошхонада ёрма қўйилган жавончага яқинлашди. Жавоннинг эшиги унга бўйсунди ва у эшикни очди. Ўнинг кўзларида шунчалик ҳайрат ва қувонч пайдо бўлдики! У соатлаб ёрма солинган банка ва халтачаларни бирма-бир текшириб чиқар, уларни тотиб кўрар, ҳар томондан ўрганарди.

Мен ўзимдан мендаги бу нарсалар қаёққа йўқолди деб сўрадим. Болаларча бевосита идрок қилиш қаёқда қолди? Бунинг эвазига нимага эга бўлдим? Ўз ҳаётим ва яқинларимнинг ҳаёти учун безовталиkkами?

Фақат бир неча йилдан кейин, янги моделни ўзлаштира бошлаганимдан сўнггина менда ўқтин-ўқтин болаликдаги ўзига хос тоза хотиржамлик ва қувонч туйгуларини элас-элас ёдга туширувчи ҳолатлар пайдо бўла бошлади.

Менимча бутун муаммо шундақи катталар олам буюк сир эканлигини унугиб қўйган. Биз ҳаётимиизда кўраётган нарслар ҳали тасаввур қилиб бўлмас ва ҳар бир нуқтасида чексиз бўлган Воқеликнинг ўзидан йироқ. Улар ўзи ва ўзини қуршаб турган оламга жумбоқ деб қарамай қўйган. Ана шу катталарнинг энг асосий хатосидир.

Ҳаёт – ўйин. Майли баъзан жиддий ёки балки қайғули бўлар. Бироқ фақат ўйиндагина биз ниманидир ўрганишимиз мумкин. Бу ўйиндаги ролларни ўзлаштириинг. Жаллод ёки қурбон, масхарабоз ёки сөхргар роли бор. Истаганингизни танланг.

Хурматли ўқувчи! Мен сизга мен билан биргә өдамлар жа-  
вобгарликни зиммасига олиш ва ўз ҳәётининг хўжайини бў-  
лишга одатланган оламга киришни тақлиф қиласман. Бошқача  
айтганда мен сизни шундай сеҳрли воқеликка тақлиф қила-  
манки сиз унда сеҳргар бўласиз. Ёки сиз эски оламда курбон  
ва золимлар оламида қоласизми? Ўзингиз ҳал қилинг. Ганлаш  
сиздан.

Биз ҳаммамиз Тангри таоло мактаби, ҳаёт мактабидаги ўкув-  
чимиз ва ўз сабоғимизни оляпмиз. Агар ҳаётий вазиятлардан  
ижобий сабоқ чиқарсак ўзимиздан юқорига ўссак ривожланиш-  
нинг янги босқичига ўта оламиз.

Тақдиримизга кўнишни ва ҳаётни қабул қилишни истамасак,  
такомиллашишни хоҳламасак ҳаёт бизни чиқитга айлантира-  
ди. Ахир куртларни ҳам боқиш керак-ку.

Икки ҳар хил йўл.

Бирини иккинчисидан яхши деб бўлмайди. Униси ҳам буниси  
ҳам яхши.

Атрофингизга қаранг.

Кўпчилик қайси йўлни танлаган?

Сиз қайси йўлни танлайсиз?

## Психоэнергетик Айкидо

**Биринчи қадам.** Жавобгарликни зиммага олиш.

Бу янги моделни ўзлаштиришдаги энг муҳим, ҳал қилувчи нуқта. Тажриба кўрсатадики энг қийин қадам ҳам шу. Чунки айнан шу босқичда эски қурбон позициясидан янги хўжайин ёки сехграр позициясига ўтиш содир бўлади.

Куршаб турган олам сизнинг оламингиз эканлигини, сиз бу оламни ўз фикр ва туйғуларингиз билан яратишингизни, у эса сизни яратишини, бу дунёдаги ҳар бир одам сизнинг аксингиз эканлигини, сиз ва сизни қуршаб турган олам – бир бутун эканлигини тушуниб етсангиз жавобгарлик ғояси ҳётингизга осон ва ўйғун тарзда кириб келади.

**Мана баъзи мисоллар.**

Сизга совға беришса ва ёқимли сўзлар айтишса демак сиз ўзингизни яхши кўрасиз вა бу дунёда мавжудлигингизни байрам қиласиз.

Агар сизни ҳақорат қилишса ва хафа қилишса демак сиз ўзингизга ёмоқ муносабатдасиз, ўзингиз ва атрофдагиларни кўп сўқасиз.

– Валерий Владимирович, шикоят қиласди бир аёл, менинг ўғлим билан муносабатимиз ёмон. У мени доим ҳақорат қиласди. Аҳмоқ дейиши мумкин. Ичib олганида эса оғзига келган гап билан сўқиб ҳайдайди. Марҳамат қилиб менга тушунтиринг-чи, мен нима сабабли бундай муносабатга лойиқ кўрилдим?

– Нима сабабли бундай муносабатга лойиқ кўрилганингизга жавоб беришимидан олдин менинг бир саволимга жавоб беринг.

– Қанақа саволга?

– Ўзингизга қандай муносабатдасиз? – сўрайман мен.

– Қайси маънода? – сўрайди аёл.

– Мени шу нарса қизиқтиради: сиз ўзингизни сўқасизми, айбдор деб ҳис қиласизми, танқид қиласизми?

— Бўйлмасам-чи. Мен буни доимий равишда қиласманга ўз кимни  
— Бундан ташқари, дейман мен қатъий қиалиб, эътироғозга ўрин  
қолдирмайдиган оҳангда, сиз фақат ўзингизга ёмон муноса-  
батда эмассиз, сиз атрофингиздаги одамларни ҳам яхши кўр-  
майсиз. Сиз жуда шубҳачи, хафа бўлувчан ва қасоскорсиз.

Аёл менга ҳайратланиб қарайди.

— Доктор, сиз буларни қаердан биласиз?

— Менга сизга ўшаган кишилар маълум. Сизниги ўшаган  
вазиятлар ҳам кўп учраган.

— Ўғлингиз деб давом эттираман, ўз хатти-ҳаракати билан  
сизнинг ички ҳолатингизни акс эттирияпти. Ахир у ўғлингиз  
яъни сизнинг бу дунёдаги давомингиз. Ундан хафа бўлишини бас  
қилинг ва зудлик билан ўзгаринг. Шунда муносабатингиз изига  
тушади.

Ҳар бир киши ҳаётимиздаги барча вазият бизнинг иштиро-  
кимизсиз бўлмайди деган фикрга кўшилади. Мен эса янада,  
кучлироқ қарашни илгари сурмоқчиман: Ҳаётимиздаги барча  
воқеаларни биз ўзимиз атроф олам билан бирга юзага кел-  
тирамиз.

Бу фикр кўпчилик учун тушунарсиз ва жумбокли бўлиб  
қолади чунки улар ақлимизнинг сирли онгости қисми мавжуд-  
лигини унугиб бу нарсани онгли ақли билан тушунишга ури-  
нади. Бироқ айнан онгости ақлимиз бутун ҳаётий тажрибамиз  
ва Коинот энергиясидан фойдаланиб у ёки бу вазиятни  
яратади.

Динда бу нарса шундай изоҳланади: “Ҳамма нарса Худонинг  
иродаси билан бўлади”. Ахир биз Худога ўшшатиб яратилган-  
миз. Бинобарин ҳар биримизда илохий энергияларнинг бутун  
комплекси мавжуд.

Жавобгарлик ана шундан келиб чиқади. Мен ҳаётимдаги  
барча вазиятларни ўзим қуршаб турган олам билан бирга, Худо  
билан бирга, Она-Табиат билан бирга яратаман. Бу оламда мен

кўраётган, эшитаётган, сезаётган ҳамма нарса – менинг фикр, туйғу ва ишончларимнинг акси. Шунингдек мени куршаб турган одамларнинг фикр, туйғу ва ишончларининг акси.

Дарҳол кимнидир айблаш ёки сўкиш, кимдандир ғазабланиш истаги йўқолади.

Динда бу нарса розилик дейилади. Сиз вазиятни афсус ва аламсиз, осойишталик билан қабул қиласиз. Сиз тўсатдан айбдор умуман йўқлигини тушуниб етасиз. Одамлар ғаразли манфаатлари учун бир-бирини бошқариш мақсадида айбдорлик туйғусини ўйлаб чиқарган. Янада аниқроқ қилиб айтсан айбдорлик туйғуси бошқа салбий туйғулар каби манманлиқдан туғилади, эски қурбон ва золим ўйини орқали яратилади.

Бироқ янги моделда қурбон йўқ, яхши ёки ёмон одам йўқ. Айтганларидек, Худо олдида ҳамма тенг – шоҳ ҳам гадо ҳам, авлиё ҳам қотил ҳам.

Жавобгарликни зиммангизга олиб сиз қурбон ёки золим ролини ўйнашни бас қиласиз. Яна шуниси мухимки сиз ўзингизни айблаш ва жазолашни бас қиласиз чунки атрофдаги одамлар ҳам уз олами учун жавобгар эканлигини тушунасиз. Улар ҳам сиз каби хўжайин ва сеҳргар, фақат ҳаммаси ҳам буни билмайди. Сиз уларга ўз фикр, ниятларингиз энергияси билан таъсир қилиб өламни улар билан бирга яратасиз. Атрофинингиздаги одамлар муқаррар равишда сизга таъсир қиласиди. Одамлар бир-бира га таъсир қилмай туролмайди. Ҳаммамиз, азиз инсонларим, ўзаро кўринмас алоқадорлик бир бутун Коинот организмига, ягона Яратиш ишига алоқадорлик иплари билан боғланганимиз. Бу дунёда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси яшашимиз ва ижод қилишимизга ёрдам бериш учун Худо ва аждодларимиз томонидан яратилган.

Аста-секин сиз бошқача ўйлаб бошқача яшай бошлайсиз. Кайфиятингиз ўзгаради. Сўзларингиз кучга эга бўлади! Сизнинг истагингиз – қонун! Сиз чинданам ўзингизни хўжайин, сеҳргар деб ҳис қиласа бошлайсиз. Ўзингизда бу ўзига хос ҳолат-

ни уйғотиш жуда муҳим. Кейинги қадамларни айнан шу кай-  
фият билан амалга ошириш лозим.

### Машқ

Мен бу машқни ҳар куни, ўзингиз ва ўз кучингизга ишонч  
ҳосил қилмагунча бажаришни тавсия қиласман.

Тик туриңг ёки тұғри үтириңг, елкаларингизни ростланг,  
жилмайинг. Сиз – бу оламнинг хұжайини, сеҳргарсиз. Шундай  
денг: “Бу олам менини. Мен уни атрофимдаги одамлар билан,  
Она-Табиат билан, Тангри Таоло билан бирга яратғанман ва  
ҳар лаҳза яратаман. Атрофимдаги одамлар ҳам мен каби сеҳр-  
гар. Мен уларни яратғанман. Ҳаммамиз күринмас алоқадорлик  
иплари билан боғланғанмиз”.

Бу менинг дунёим,

Уни ўзим яратдим...

Ҳар лаҳза қайта яратаман.

Тангри каби ижодкор, сеҳргарман мен.

Ва буни мен Худо билан бирга қиласман.

Оллохим яратишда ёрдам берди менга.

Атрофимдаги одамлар ҳам мен каби хұжайин ва  
сеҳргардир.

Биз Мұхаббат ва Ҳамкорлик кучи билан бирга  
яратамиз.

Одамлар ҳам бари мен каби хұжайин ва сеҳргардир.

Бу оламда ҳамма нарса мен учун,

менга ёрдамчи, мен эса ҳамма учун.

Яратувчи менга яшаш ва яратиш учун барча нарсаны  
берди.

Ҳатто ортиғи билән –

Танлаш эрки, ирода эрки ва тасаввурни.

Жуда улкан фикр кучини ҳамда Сўзни ҳам!

Ижодкорман Тангрига ўшаш

Илохи абадул абад шундай бўлсин!

— Доктор, деб сўрайди қабулимга келган бир аёл, мен бефаҳм ва ҳеч нарсани тушунмайдиган одам бўлсан керак! Менга ҳаётимдаги аниқ мисол асосида тушунтириб берсангиз, жавобгарликни зинмага олиш нима ўзӣ?

— Қанақа мисол, сўрайман мен.

— Эрим уйга ичиди келади, мени ҳақорат қўлади, менга қўл кўтариади. Нима учун у эмас, мен жавобгарликни ўз зинмага олишим керак?! Ахир мен ичмайман-ку!

Мен бу аёл учун энг зарур сўзларни топиш учун бир муддат сукут сақлайман.

— Биласизми, дейман мен, оила — бир бутун нарса. Оилада меҳр-муҳаббат, тинчлик ва тартиб ҳукмрон бўлса бу вазият учун ким жавобгар?

— Эр ва хотин, жавоб беради аёл.

— Тўғри, дейман мен. — Оилада уриш-жанжал бўлса-чи, бу учун ким жавобгар? сўрайман ўндан.

— Яна иккови, жавоб беради у.

— Доктор, дейди аёл бир қанча муддат ўйланиб қолгач. — Мен ниманидир тушуна бошлияпман. Бироқ бир нарсани тушунишинга ёрдам беринг, оиласиздаги носоғлом вазият учун менинг жавобгарлигим нимада? Ахир мен ичмайман-ку!

— Эр — доим хотинининг акси, тушунтираман мен, хотин эса эрининг акси. Оилада ҳар бири ўз вазифасини баъсаради. Ҳар бири умумий ишга ўз ҳиссасини қўшади. Эрингиз ожизлиги ва маъсүлиятсизлиги туфайли ичади. Унинг қалби касал. Унинг қалбида ўзи ва атроф оламга нисбатан тажсовуз кўп. У бу дунёда яшашни истамайди. Шунинг учун ичкилик ёрдамида ўзини йўқ қилияпти. Ичкилик унга оғриқни бостириш, бир муддат ўзини унутишга ёрдам беради.

— Ҳа, доктор, сиз ҳақсиз, тасдиқлайди мижозим, у кўп марта менга иложсиз ахволга тушшиб қолганини айтган. Бироқ у менинг аксим экан, наҳотки шуларнинг ҳаммаси менда ҳам бўлса?

*Мен сүкүт сақлаіман. Аёл эса нима ҳақдағыр үйланиб қолади.*

— Биласизми, әслайди у, ёшлигимда ўз жонимга қасд қилиш ҳақидаги фикрлар миямга күп келган. Эрим билан танишишимдан олдин. Мен нима учунлигини биламан. Отам қаттиқ ичарди. Мен бутун болалигимни құрқұв ва стресс билан үтказғанман. Турмушга чиқишим мен учун најжот бўлган. Ахир эрим ҳам бир неча йилдан кейин қаттиқ ича бошлади, унгача ичмас эди. Демак — хулоса қиласи у — эрим ўз ичкиликбозлиги билан менинг руҳий ҳолатымни акс эттираётган экан-да. Ундаи бўлса менинг қалбимда ўшандан бери ҳеч нарса ўзгармаган экан-да. Эрим ўшанда мени қутқарған эди. Энди мен уни қутқаришым керак. Мен ўзгарсан у ичишни ташлайди. Энди доктор мен жавобгарлик нима эканлигини тушундим. Келинг менинг қалбимни даволаймиз. Сеансларимиздан ярим йил үтгач бу аёл олдигма совға билан келди. Бироқ бу энди бошқа аёл эди. Бу вақт ичида у ёшариб кетганди нур ёғиларди.

— Мана, Валерий Владимирович, деди у түгүнчани столга қўйиб, бу сизга, миннатдорчилигим рамзи сифатида. Сиз билан кувончимни баҳам кўрмоқчиман. Эрим ичишни ташлади, ишга кирди. Яна битта фарзанд кўрмоқчимиз. У ҳалигача машғулотларга келганимни билмайди. Бу ўзимнинг хизматим деб ҳисоблайди. Майли шундай деб ўйлай қолсин. Асосийси — бизнинг ҳаётимиз бошқача бўлди.

Ха, курбон бўлишни бас қилиб ўзингни ўз ҳаётингнинг хўжайини деб ҳис қилиш унчалик осон иш эмас. Баъзи қишига бу учун йиллар керак бўлади. Айримларда бу тезроқ содир бўлади.

Асосийси — сизнинг янги моделни ўзлаштиришга бўлган кучли истагингиз, букилмас ниятингиздир. Ҳар қандай шубҳа ва кўрқувни улоқтириб ташланг.

Мен янги моделни босқичма-босқич, қадам-бақадам ўзлаштиришни тавсия қиласман. Аввал сиз фикр ва ҳаракатларингизни онгли равишда назорат қиласиз, кейин бутун жараён

онгости даражасига тушади ва автоматлашади. Велосипед ҳайдашни ўрганганингизни эсланг. Сизда улкан ўрганиш истаги бўлган. Аъзойи баданингиз шилиниб ғурра бўлса-да барибир қайта-қайта рулга ўтиргансиз. Бироқ мустақил равишда 100-200 метр ҳайдаганингизда қанчалик завққа тўлгансиз! Ҳатто 10-20 йил велосипед ҳайдамаган бўлсангиз-да ҳозир ҳам ўтириб ҳайдаб кетасиз. Нима учун? Чунки онгости кўникма бутун умрга сақланиб қолади.

Янги моделни ўзлаштириш ҳам шундай бўлади. Уриниб кўринг, уриниб кўринг ва уриниб кўринг. Барча машқни бажаринг. Вакти келиб ўзгарганлигингизга амин бўласиз. Бу кўникмалар сиз билан умрбод қолади.

Ўз ҳаётингиз учун жавобгарлик ғояси – эски моделдан янги моделга ўтиш босқичи.

Энди ҳаётий вазиятларга муносабатингиз ва фикрлаш тарзингиз ўзгаради. Янги моделда шикоят ва ачинишга, алам ва қоралашга ўрин йўқ. Сизда янгича фикрлар пайдо бўлади.

### Машқ

Ўз ҳаётингиздаги бир нечта нохуш вазиятни эсланг. Бу сизни ҳақорат қилишган, уришган, сотишган вазият бўлиши мумкин.

Бу вактга қадар сизда қурбоннинг одатдаги фикрлари бўлган:

- Менга оғриқ етказдилар.
- Мендан фойдаландилар.
- Менинг муаммоларимга у сабабчи.
- Мен ўзим айборман. Бундай қилмаслигим керак эди.
- Оламadolatciz.

Икир-чикирларини эслаш керак эмас. Бу машқда асосий нарса жавобгарлик нуқтаи назаридан янгича фикрлашга ўрганиш.

Энди бу вазиятга бошқача қараб кўринг.

Атроф олам фикр, туйғуларимизнинг акси. Онг остимиз, кўнглимиздаги нарсалар – ташқарида намоён бўлади. Тасодифий воқеа йўқ. Бу оламдаги ҳамма нарса қонуний.

Шунинг учун ҳар қандай вазиятни таҳлил қилишда аввало шундай дейиш керак:

– Бу менинг оламим, менинг ҳаётим. Ҳаётимдаги барча воқеани мени қуршаб турган олам билан бирга ўзим яратаман. Бу вазиятни ҳам бошқа одамлар билан бирга ўзим яратдим.

Шундан сўнг вазиятга боғлиқ равишида:

– Мени ҳақорат қилган бўлсалар демак мен шундай одам ёрдамида ўзимни ўзим ҳақорат қилдим.

– Менга оғриқ етказган бўлсалар демак шу ёдамнинг тажовузидан фойдаланиб ўзим ўзимга оғриқ етказдим.

– Мени сотган бўлсалар демак шу одам ёрдамида ўзим ўзимни сотганман.

– Ўзим ўзимни қурбон ролига қўйиб золимни ҳаётимга жалб қилганман.

– Касалман.

– Чарчадим.

– Тушкунликка тушганман деган жумлалар ўрнига:

– Мен ўзимга касалликни яратдим.

– Мен ўзимга чарчоқни яратдим.

– Мен ўзимга тушкунликни ҳосил қилдим деб кўринг.

Энди икки ҳолатни қиёсланг. Биринчиси – оғриқ ва азобга тўла қурбон ҳолати. Бу ҳолатда биз ўзимизни муаммо билан айнанлаштирамиз ва у (яъни муаммо) бизни бошқара бошлайди.

Одамлар онгости ақлини вазиятни оғирлаштириш ва салбий ҳолатни кучайтиришга айнан шундай дастурлайди.

Иккинчиси – хўжайин ҳолатига ўтиш. Биз ўзимизни муаммо ва ўз ожизлигимиздан ажратамиз ва вазият устидан назорат қилишни ўз қўлимизга оламиз.

Ишончим комилки айрим ўқувчида бу машқни бажараётганда табиий равища қуидаги мантиқий саволни бериш истаги туғилди: “Мен ўзимга у ёки бу вазият ёки муаммони нима билан ва қандай қилиб яратдим?”

Бироқ бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Ҳозирча сиз янги моделга қараб фақат биринчи қадамни кўйдингиз. Бироқ шу қадамдаёқ сиз фарқни кўриб ҳис қила оласиз.

Асосийси – вақтида янги моделга ўтиш. Курбон ёки золим ролини ўйнашни бас қилинг, бунинг устига бу ўйин сизга кўнгилсизлик олиб келади. Эски ролингиз истаган нарсангизга эришишга ёрдам бериши эҳтимолдан узоқ. Шунчаки ўзингизнинг сеҳргар эканлигингизни ва атроф оламга ўз ички кучингиз билан таъсир кўрсата олишингизни эслашингиз керак. Таъсириңгиз даражаси эса шу ички кучнинг микдорига боғлиқ. Курбон ёки золим позициясида турсангиз сиз ҳеч қачон куч тўплай олмайсиз. Сиз уни фақат йўқотасиз. Психоэнергетик Айкидо кучингизни сақлаб қолишгагина эмас, уни кўпайтиришга ҳам ёрдам беради.

Иккинчи қадам. Янги модел қонунларидан фойдаланиш. Акс эттириш ва ўхашлик қонуни. Биз биринчи қадамни кўйиб бўлдик. Биз зиммамизга жавобгарликни олишга тайёрмиз. Энди келинг муҳокамани давом эттирамиз. Ҳаётимиздаги барча воқеани ўзимиз яратсак табиий равища: нима билан ва қандай қилиб деган савол туғилади.

Аввалги китобларимда мен инсон ўз воқелигини яратадиган механизмни батафсил тасвирлаган эдим. Маълум бўладики биз тасаввур қилиб бўлмас ва сирли Куч оламида яшаемиз, у бизга Табиат ва одамларнинг хатти-ҳаракати орқали таъсир кўрсатади. Биз эса ўз навбатида бу Кучга таъсир қилиб уни ниятларимизга мувофиқ тарзда бошқаришимиз мумкин (“Ниятнинг кучи” китобини ўқинг).

Атроф оламни яратиш ва ўзгартиришимиздаги ассоций восита фикрларимиздир.

Биз энді биламизки ижобий фикрлар ҳәётимиәда ижобий вазиятларни, салбий фикрлар эса касаллик ва азоб-уқубатни ҳосил қиласы.

Қандай қилиб бу воситадан тұла равишида фойдаланып мүмкін? Қандай қылсақ фикр-түйғуларимиз бизни бошқармай биз уларға тұла равишида әгалик қиласын да бужун күчимиз билан оламни бошқариш учун фойдалана оламыз?

Бунинг учун сиз құраёттан, әшитаёттан ва сезаёттан барча нарса – ўзингизнинг давомингиз эканлыгини тушунишиңгиз зарур. Бу сизнинг ички ҳолатингизнинг акси.

Яқын ўтмишда слайдлар (рангли позитив фотоплёнкалар) оммалашган әди. Менинг үйимда айримлари сакланған, мен уларни вакти-вақти билан томоша қилиб ўсмирлігимни эслайман. Тағын қылсақ бүлиши учун слайд маңсус асбоб – проекторга қўйилади. Унда ёруғлик манбай ва катталаштирувчи шишалар бор. Проектор ёрдамида тағын катталаштирилиб экранга проекцияланади.

Слайдлар ва проекторга қилинган бу метафора атроф олам қандай қилиб бизнинг давомимиз бўлишини тушунишга ёрдам беради. Яъни онг остилиздаги ҳамма нарса: фикр, түйғуларимиз мажмуи – ташқи экранга проекцияланади. Бошқача айтганда – ташқи олам ички оламни акс эттиради. Биз кўнглимиздада, онг остилизда мавжуд нарсаларни кўрамиз ва эшигимиз. Шунинг учун ҳәётингизда сизнинг жаҳлингизни чиқаридиган ва хафа қиласын түйғуларимиз – нафратланадиган (кўришни истамайдиган) одам бўлса бу одамни айблашга шошилманг. Ботинингизга қаранг. Бу вазиятнинг ечими ўша ерда яширинган. Ўхшаш ўхшашини тортади! Бинобарин бошқа кишилардаги сизга ёқмайдиган нарса сизнинг ичингизда бор. (Дарвоқе бошқа фикр ҳам түғри: бошқа кишилардаги сизга ёқадиган нарсалар ҳам ўзингизда бор.)

Бу менга Инжилдаги жумлани эслатади: "Эътиқодингизга яраша бўлсин сизга". Буadolатдан эмасми?

Демак биз ҳар ким эътиқодига яраша яъни фикрларига яраша топадиганadolатли оламда яшаяпмиз. Инсон нимага ишонса ўшани олади:

– Доктор, эътироуз билдиради менга бир мижозим, мен ишонмайман сизнинг олийadolatinгизга. У ҳақда қанча гапирманг – ишонмайман!

– Сиз нимагадир ишонмасангиз, дейман унга, бу ўша нарса йўқ дегани эмас. Адолат унга ишонадиган кишилар учун мавжуд.

– Яхши, унда айтинг-чи, ўғри троллейбусда кампирнинг сумкасини кесиб ҳамёнини ўғриласа ёки безори бегуноҳ одамни ўлдирса қани бундаadolat?

– Биласизми, дейман унга, буни тушуниш учун фикрларни ўқишини ёки ҳеч бўлмагандан улар ҳақида тахмин қилишни ўрганиш керак. Сиз эса ҳали буни қила олмайсиз. Сиз ўша пенсионер кампирнинг ўғрилик арафасида фикрларини биласизми? – савол бераман мижозга.

– Йўқ, билмайман, жавоб беради у.

– Қотиллик қурбонининг фикрларини-чи?

– Тахмин ҳам қилолмайман.

– Мен эса қурбон нима деб ўйлашини биламан, давом эттираман мен, шунинг учун ҳам содир бўлган воқеанингadolатли эканини тушунаман.

– Унда менга ўргатинг, илтимос қиласди эркак.

– Курбон ўзига жаллодни салбий фикрлари билан тортади. Бу бу дунёда яашни истамаслик, чукур алам, нафрат бўлиши мүмкин.

– Одамлар ўғриларни нима билан жалб қиласди? – сўрайди мижоз.

– Ўғри доим пул билан боғлиқ қўрқув ва безовталик мавжуд бўлган жойда пайдо бўлади.

– Бундан чиқди, овоз чиқарыб фикрлайди әркак, кампирда пул, шунчалик кам нафақа түлайдиган ҳукумат ҳақида салбий фикрлар бўлган. Ўғри эса ит адреналинни сезгандек онгости дараҷасида бунинг ҳаммасини ҳис қиласди.

– Жуда тўғри – тасдиқлайман мен.

– У ҳолда, доктор, ҳар қандай жиноятчини оқлаб бутун айбни курбонга тўнкаш мумкин-ку.

– Ҳеч қанақа оқлаш ўйқ! – дейман мен. – Жиноятчи ҳам, курбон ҳам қонун олдида, ҳаёт олдида ва Ҳудо олдида жавоб берйши керак. Иккаласи ҳам жавобгар. Айборд эмас, айнан жавобгар. Бутун фарқ ҳам шундан иборат. Бироқ бизнинг жамиятимизда айбни жиноятчига юклаганлар. Бундан ҳамма ютқазади: курбон ҳам, жиноятчи ҳам, жамият ҳам. Буларни тушунсангиз жиноятчини айблаш ва қоралаш ҳамда курбонга ачинишни бас қиласиз. Сиз содир бўлган воқеанингadolatli эканига ишона бошлийсиз.

Бинобарин ўзингиз, онгости ақлингизга берадиган навбатдаги саволингиз шундай бўлиши керак: Мен бу вазиятни нима билан яратдим? Қайси фикр, туйғуларим билан, қайси хатти-ҳаракатим билан яратдим?

Мана шу ўринда эътиборли бўлинг. Акс эттириш ва ўхашлик қонунидан тўлиқ фойдаланинг: ташқи олам ички оламни акс эттиради ва ўхашаш ўхашини тортади. Бир нечта мисол келтираман.

Бир аёл ўғли уни домий равишда ҳақорат қилишидан шикоят қиласди.

– У менга ҳам, эримга ҳам қўпол муюмала қиласди. Ҳар турли ҳақорат қиласди, ҳатто онангилаб сўгади. Она сифатида менга буни эшишиш азоб.

– Сиз ўзингизга қандай муносабатдасиз? – сўрайман мен ундан.

– Жуда ёмон, доктор, жавоб беради у. – Мен ўзимни яхши күрмайман. Ҳаётда ўзимни доим охирги ўринга қўйганман. Ҳамма ишда дайбдор деб ҳисоблаганман, сўкканман, танқид қилганман.

– Ўғлингизга қандай муносабатдасиз?

– Мен у ҳақида кўп қайтураман. Унинг шахсий ҳаёти тўйкис бўлмади, иш ҳам тополмади. Баъзан туни билан ухламай уни ўйлаб чиқаман.

– Бироқ-сиз ачиниш – тажсовузкор туйғу эканлигини биласизку. Бундан ташқари сиз доимий равишда у ҳақида салбий фикрларни миянгизда айлантирасиз.

– Биламан лекин ўзимга кучим етмайди. Ёмон фикрлар миямга келаверади.

– Демак сизнинг онг остингизда ўзингиз ва ўғлингизга нисбатан жуда қўп тажсовуз бор. У ишлар давомида йиғилган. Энди ўғлингиз буларнинг ҳаммасини кўпол муомаласи билан намоён қиляпти. Сиз эса ундан негадир хафа бўляпсиз. Мен ўғлингиз сизни даволаяпти деган бўлардим. Унда устозингиз ва шифокорингизни кўришга ҳаракат қилинг.

Олтин қоидани ёдда тутинг: Атрофимдаги кишилар кўрсатётган ёки овоз чиқарип айтиётган нарсаларнинг ҳаммаси менинг онг остимда бор. Айнан ҳозир у ташқарига чиқишга тайёр.

Ўз ҳаётимда бир неча йил олдин содир бўлган воқеани эслайман. Бу воқеа қишида бўлган эди. Кўп қор ёқсан, биз оцлавий тарзда тоқقا бориб чана учишга қарор қилдик. Менга уят-ку лекин Кримда ўттиз йиљ ящаб бирор марта қишида Ангар довонида бўлмаганлигимни тан олишим керак.

Эрта тонгда ўғлимга жун пайтоқ олиш учун ота-онамникига кирдим.

– Қаёқка отланиб қолдиларинг? – сўради онам.

- Ҳа шу, тоққа бориб чана учишга қарор қилдик дедим мен.

- Сен нима, эсингни едингми? - сұхбатимизга аралашади дадам. - Ҳавога қара. Маңлумотларга күра қор күчиши күтил япты. Тоғда қорға бόтиб қолсанғизлар-чи?! Яқинда газетада икки кишининг тоғда йүқолиб қолиб ҳалок бўлганини ёзишган эди.

- Валерий, отанг ҳақ, кўшимча қилди онам, балки чинданам бормассизлар? Дима нам тортади, касал бўлиб қолиши мумкин. Эсингдами, у уч ёшарлигида нам тортаб касал бўлувди.

Бир неча дақиқа ичидаги ота-онам бир талаи салбий ахборотни тақдим қилишди. Илгари мен бундай вазиятларда аччиқланиб жаҳл қиласидим бироқ ҳозир янги билимларимни кўллашга қарор қилдим. Ота-онам мени қўл ва оёқларимизнинг синиши билан қўрқитар экан, мен ўзимга сабол бердим: Мен бу вазиятни нима билан яратдим? Ота-онам мендаги нимани акс эттирияпти? Жавоб дарҳол келди: Улар ўз қурқувингни акс эттирияпти.

Мен гап нимадалигини тушундим. Сафар арафасида қўнглимага турли фикр-қўрқувлар келган бироқ мен уларни нари ҳайдаган яъни онг остимга чуқурроқ киритиб юборганинг эдим. Энди эса ота-онам энг яқин одамларим сифатида ўзимнинг қўрқув ва безовталигимни ёритиб қўрсатаётган эдилар.

Мен дарҳол енгил тортдим. Тортиниши истаги йўқолди ва мен ота-онамга миннатдорчилик билдирадим.

- Яхши, - дедим мен. - Мен сизларни диққат билан эшилдим, огоҳлантиришингиш ва ғамхўрлигингиш учун жуда миннатдорман. Энди айтинглар: сизлар сафаримизни максимал даражада хавфсиз ва қулай қилишимга ёрдам бера оласизларми?

Улар менинг муносабатимдан ҳайрон бўлишди чунки ўзимга хос қайсарликни намоён қилишимни кутишган эди ва ёрдам беришига қарор қилишди.

- Биздан нима керак? - сўради онам.

- Сизлардан қайноқ чой солинган катта термос, Дима ивиб қолганда алмаشتариш учун бир сидра кийим-бош ва гулхан ёқиб исиниш учун гугурт талаб қилинади. Яна сизларни ишонтириб айтаманки биринчи марта уерда узоқ қолмаймиз.

Бироз вақтдан сүнг ҳамма нарса тайёр бўлди ва биз ўлга тушдик. Биз борар эканмиз, мен ўйл бўйи ўз устимда ишладим. Ҳеч қачон ўзимда шунча кўп катта ва кичик қўрқувлар борлигини билмаган эканман. Илгари ўзимга шундай дердим: "Сен эркаксан! Сен ҳеч нарсадан қўрқумаслигинг керак". Мен шундай қилиб салбий фикрларимни қувар, ўз туйғуларимни бостирадим. Кўпчилек одам шундай қиласди. Ота-онам түфайли ўзим ҳақимдаги кўп нарсани тушушиб олдим. Бирдан миямга содда ва дохиёна фикр келди. Маълум бўладики биз бошқаларга исботлашга ёки зўрлаб ўтказишга ҳаракат қиласиган нарсалар ўзимизга етишмайди. Биринчи наебатда биз ўз-ўзимизга исботлаймиз. Ҳаммаси қандай oddiy! Демак баҳсу жсанжасл, қилиш керак эмас. Ким ҳақ, ким айборлигини аниқлаш аҳмоқона иш. Жуда эътиборли бўлиш ва сужбатдошингни тинглай олиш керак. У сенга ўзинг ҳақинѓда ҳамма нарсани айтиб беради.

Бироқ тоққа сафаримизга қайтайдик. Биз эсон-омон етиб бордик. Ҳаво ажойиб эди. Одам жуда кўп эди. Биз чанада ҳам, катта цеилофан пакетларда ҳам учдик. Ўғлим тезда ивиб қолди чунки қоруюмлари орасидан деярли чиқмади. У Россияда, Владимирда яшаганимиздан бери бунчалик кўп қорни кўрмаган эди. Бироқ биз унга даррөв қуруқ кийим кийдирдик, қайноқ чой ичирдик ва исиниш учун гулхан ёнига ўтқаздик.

Биз уйга кечкурун соғлом ва баҳтиёр ҳолда қайтдик. Кейинги сафар ота-онамнинг олдига келиб яна тоққа бормоқчилигимни айтганимда улар буни мутлақо хотиржам қабул қилишади. Чунки мен ўзим хотиржам эдим!

Бизни қуршаган олам ўзимизнинг аксимиз ва давомимиздир. Сиз ўзингизни яхши кўрмасангиз ва хурмат қилмасангиз ат-

рофдагиларга ҳам шундай муносабатда бўлсангиз албатта дилозорни жалб қиласиз. Сиз сержаҳл ва қаҳрли бўлсангиз кўнгилсизликлардан ажабланманг. Агар сизда эзгу фикрлар ва ажойиб кайфият бўлса сизни шунга мувофиқ вазиятлар кутади.

— Валерий Владимирович, дейди менга бир мижозим, мен шуни сездимки кимдандир аччиқланиши ёки кимнидир сўкиши бошлишим билан үтлар менга қараб ҳуришни бошлиайди. Демак улар менинг ички ҳолатимни сезади ва ўзини шунга мувофиқ тулади.

— Жуда тўғри, тасдиқлайман мен. — Бироқ фақат ҳайвонлар гина зийраклик билан жавоб қайтармайди. Одамлар ҳам онгости даражасида бир-бiri ҳақида ҳамма нарсани билади. Мен аллақачонги бир воқеани эсладим, ўшанда бир мижозимга қаттиқ жаҳл қилган эдим. Унда оғир қасаллик бор эди, мен унга ёрдам беришни жуда хоҳлаган эдим бироқ у сирагам мени эшишиш ва тушунишни хоҳламаган эди. Бир муддатдан сўнг қўшини аёл менга арзимас нарса учун бақириб берди. Шуниси қизиқки у ҳам мени эшишишни ва изоҳларимни тушунишни истамади. Ўхашаш ўхшашини тортди. Мен бу вазиятни аччиқланишим ва қаҳрим билан яратдим. Бу мен учун яхши сабоқ бўлган эди.

— Сиз ўшанда бемор учун керакли сўзларни топа олганингизда, сўради мендан мижозим, қўшини аёл билан ўша вазият бўлариди?

— Асло, жавоб бераман мен. — Агар мен бемор билан тил тошишиб унга ёрдам берганимда менинг кўнглимда мамнуният ҳисси бўларди. Демак вазиятни ҳам бутунлай бошқа — ёқимли вазият яратган бўлардим.

Мендан кўпинча одамлар қандай қилиб бир-бiri ҳақида мутлақо ҳамма нарсани билиши мумкин деб сўрашади. Бундай ҳолда мен шифокор сифатида тирик организмни тасаввур қилишни таклиф қиласман.

Кичик ҳужайра бутун организмни кўра олмайди бироқ унда генетик даражада бутун организм ҳақида ахборот мавжуд. Одам ҳам шундай. У бутун коинотни кўра олмайди, Худони кўра олмайди. Бироқ унинг онг остида бу оламда содир бўлаётган ҳамма нарса ҳақида ахборот сакланади. Фақат ҳозирги кун ҳақида эмас, ўтмиш ва келажак ҳақида ҳам. Фақатгина бу ахборотга йўл топиш керак. Баъзиларда бу кучли руҳий зарбадан сўнг, бошқа бирорларда – узоқ машқлардан сўнг содир бўлади. Асосийси бунинг имкони бор. Фақатгиниң бўни қаттиқ хоҳлаш керак.

Яқинда бир танишим менга уч ҳафталик очлик тажрибасини яйтиб берди. У буни маҳсус клиникада, тажрибали мутахассисларниң жиддий кузатуви остида қилган,

– Тасаввур қиласанми, Валерий, сўзлаб берди у, мен сурункали тонзиллит ва гайморитдан тузалибгина қолмай менда очликнинг 17-кунидаги ҳайратланарли қобилияtlар очилди. Мен одамларниң фикрини ўқиб келажагини кўра бошладим. Ҳамширалар учун мен пири муршид эдим, ҳатто врачлар ҳам ўзи ҳақида билиш учун яширинча менинг олдимга келар эди. Бироқ мен одатдагича овқатлана бошлаганимдан сўнг нақ бир ҳафта ўтгач бу қобилияtlар иўқолди.

– Биласанми, тушунтираман унга, очлик – организм учун жуда кучли стресс. Сенинг идрок қилишинг ўзгарган ва сенга ҳар бир одамнинг онг остида сакланадиган ахборот очилган. Шунчаки ҳар ким ҳам бундай бўлиши мумкинлигига ишонмайди. Можир фолбинлар ва башоратчи деб аталаадиган кишилар буни қила олади. Маълум маросимлар орқали улар “умумжсаҳон маълумотлар банки”даги ахборотни “ўқийди”. Дарвоқе менинг методикам билан шугулланишини бошла, бу қобилияtlар сенга яна қайтади бироқ энди табиий равишда.

Шуни сездимки одам янги психологик моделни ўзлаштирганида онг остида сакланадиган ҳар қандай ахборотни билиб

олиши мүмкін бўлади. Махсус машқ қилиш ҳам керак эмас. Ҳаммаси ўз-ўзидан содир бўлади.

Семинарларимда мен бошқа кишининг фикрини осонлик билан ўқишга ёрдам берадиган оддий усулни ўргатаман. Гап "Колбаса ёки музқаймоқ егим келяпти" каби юзаки фикрлар ҳақида эмас, чукур ва сир тутиладиган фикрлар ҳақида кетяпти. Бу шунинг учун қилса бўладиган ишга айланадики инсон ўз устида ишлаб ҳамда шикоят ва аламлардан халос бўлиб атроф оламдан ахборот келадиган каналларни "тозалайди". Ўз вақтида Парацельс инсон манманлиқдан халос бўлиши билан унга Коинотнинг барча сирлари очилишини ёзган-эди.

Демак онгости даражада одамлар бир-бири ҳақида мутлақо ҳамма нарсани билади. Тасодифий вазият бўлмайди. Тасодиф деб айтиладиган нарсалар – онгости қонуниятдир. Шунинг учун ҳаётингизда юз берадиган ҳар қандай вазиятни шикоят ва аламсиз қабул қилинг. Ҳаёт йўлимиизда дуч келадиган ҳар бир одам ўзи билан қандайдир янгилик олиб келади. Синчков бўлинг.

Акс эттириш қонуни ҳар доим ва ҳамма ерда, ҳар қандай вазиятда ишлайди. Атрофимдаги кишилар менинг ўзимни акс эттиради, хотин эрини акс эттиради, болалар ота-онасини акс эттиради ва аксинча.

*Грецияда ўтказилган семинарим иштирокчиларидан бири сўрайди:*

– Валерий, менга тушунтириб бера оласизми, нима учун менинг ўғилларим ўз Ватанини севмайди?

– Димитрий, бу нимада намоён бўлади? – сўрайман мен.

– Уларнинг кровати устида Грециянинг эмас, Россиянинг байроғи осилиб туради. Телевизордан Греция – Россия волейбол матчини кўрсатишиша улар Россия терма командасига мухлислик қиласади.

Димитрийнинг отаси коммунист сифатида Иккинчи жаҳон урушидан кейин дарҳол оиласи билан СССРга, Тошкентга кўчириб олиб борилган. У ерда улар грек-репатриантларга Ватанига қайтишга руҳсат беришгунга қадар кўп йил яшаган. Димитрий Грецияга 20 йилча олдин қайтиб грек қизга уйланган. Тез орада иккى ўғил кўрган. Ҳозир улар мусиқа ва баскетбол билан шугулланаётган икки бўйдор ва бақувват йигит.

– Димитрий, буни тушунтириш осон дейман мен. – Ўғилларингиз сизнинг аксингиз. Улар сиз ва отангиз яъни бобоси нимани ўйлаётган бўлсангиз шуни гапиряпти ва қилянети.

– Бундан чиқди, дейди Димитрий бир муддат мулоҳаза қилгач, мен Грециядан кўра Россияни кўпроқ яхши кўрар эканман-да.

– Шундай бўлиб чиқади. Шунчаки сиз ўз туйғуларингизни бостиришга ҳаракат қиласиз бироқ ўғилларингиз сизга уларни эслатиб туради.

– Сиз ҳақли кўринасиз, Валерий. Менинг болалигим Тошкентда, ёшлигим эса Москва да ўтган. Мен қалбан ҳали ҳам ўша ердаман. Мен ОРТ дан “Время” дастурини бирор кун қолдирмай кўраман. Россияда бўлаётган барча воқеалардан қаттиқ қайгураман. Имконият бўлганда ўйлаб ўтирмай у ёққа кетган бўлардим. Бироқ бу ерда уйим, оилам, ишим бор-да.

– Азизларим! Ўзингиздан қочманг! Кўнглингизга қараб у ерда ишлар давомида бостирилган ва яширилган нарсаларни кўришга ўзингизда куч ва жасорат топинг. Одамлар билан мулоқот эса, майли доим ҳам ёқимли бўлмасин, сизгач буни қилишга – “ёруғ” ва “қоронғи” жиҳатларингизни очишга ёрдам беради.

Семинарларимдан бирида яқин кишилар билан муносабат мавзусини таҳлил қилаётган эдик: Даврада қайнанаси билан муносабати изга тушмаётган бир аёл ўтиради.

– Марҳамат қилиб менга тушунтиринг-чи, сўрайди у мен қандай қилиб қайнанамга тўғри муносабатда бўлай. Бизнинг

икки ёш боламиз бор. Қайнанам ҳозир бизга қанчалик ёрдам ва қўллаб-куватлаш кераклигини билади. Лекин у бизниги келмайди. Биз уни меҳмонга чақирсан ҳар хил баҳона ўйлаб топади. Бунинг устига у уникига бормаётганлигим ва неваларини кўрсатмаётганлигим учун мендан хафа бўлади. Менимча икки бола билан мен уникига боришмдан кўра у бизниги келиши анча қулагай бунинг устига у нафақада.

– Биз ҳозир ким ҳақ, ким ноҳақлигини ойдинлаштириб ўтирамиз дейман мен. – Келинг яхиси сиз бу вазиятни нима билан яратганингизни аниқлашга уриниб кўрамиз. Акс эттириш ва жавобгарлик қонунига кўра – давом эттираман мен – демак сиз ўзингиз қайнанангизни кўришини хоҳламайсиз ва у болаларингиз билан мулоқот қилишини истамайсиз.

Аёл менга ҳайратланиб қарайди.

– Ҳа-ҳа, дейман мен, ҳайрон бўлманг. Сизнинг онг остингизда қайнанангизнинг келишига ўйл қўймаётган фикрлар бор. Балки кимдир бу фикрларни аниқлашга ёрдам берар? – деб мурожаат қиласман гуруҳга.

– Майлими мен уриниб кўрсам? – деб сўрайди биринчи қатордаги аёл.

– Марҳамат, уни ишлашга таклиф қиласман, ўтирган жойингиздан гапиришингиз мумкин.

– Биласизми, Марина, мурожаат қиласди у семинар иштирокчисига, менда шунга ўхшаш вазият бўлган эди. Мен билан қайнанам орасида оиласиий ҳаётимнинг бошида муносабатлар тарғанг эди. Тез-тез жанжал бўлиб турарди. Мен қайнанамдан ҳам, эримдан ҳам хафа бўлардим.. Эримдан онаси билан гаплашиб кўйишни, мени қўллаб кувватлашини сўрадим. Энди мен унга икки ўт орасида қанчалик қийин бўлганини тушунаман.

Бу вазиятни тушуниб олишимга эса Валерий Владимировичнинг биринчи китоби ёрдам берди. Мен ҳамма гап ўзимда эканлиги, ўзимга душман ва касаллик ортириб хафа бўлиш аҳмоқона иш эканлигини тушундим.

*Маълум бўладики қайнанам менинг оиласида ҳукм сурган моделни киритишни ўзим хоҳламаган эканман. Мен унинг ўз эри яъни қайнатам билан қилган муомаласи ҳаноатлантирумасди. Мени унинг болаларига муносабати ҳаноатлантирумасди.*

– *Менимча, сиз ҳақсиз, тасдиқлайди Марина. – Ўғлим түғилганда қайнанам бизниги келишини хоҳламаганман.*

– *Нима учун?*

– *Мен ўғлимни ўзим билганча тарбияламоқчи эдим. Кўп адабийтни ўқиб чиқдим. У эса ўз маслаҳатлари билан аралашарди. Болани ҳароб қиласизлар дерди. Шундан бери уни бизниги келишини хоҳламайман.*

– *Марина, қайнанангиздан фақат унга бутунлай ишонадиган масалалар бўйича маслаҳат сўрашга ҳаракат қилиб кўринг. Уни бутунлай инкор қилиш керак эмас. Донороқ бўлинг. Унинг энергияси, кучи, ҳаётий тажрибасидан фойдаланинг. У ниманидир жуда яхши бажара олиши аниқ, масалан овқат пишириш, тўқиши ёки бошқа бирор ишни. Бошқа масалалар бўйича эса бошқа одамларнинг ёрдамига таянинг. Мен шундай йўл тута бошлаганимда қайнанам билан орамизда ажойиб муносабат ўрнатилди. Мен ундан кўп нарса талаб қилмайман. Менда унга нисбатан шикоят ва алам ўйқ. Мен ундан оиласиз учун қила оладиган озгина нарса учун ҳам миннатдорман. Ҳозир у билан айтганларидек бир тан бир жон бўлиб яшаемиз.*

### **Кундалик тутиш**

Мен кўпчилик bemорларим ва шогирдларимга эски моделдан янгисига ўтиш пайтида кундалик юритишлиарини тавсия қиласман. Унда улар ўз фикрларини ёзишади. Кундалигиниз бетларини икки устунга бўлинг. Чап томонга “Кўрбон – Золим” моделидаги эски фикрлар жойлашади. Ўнг устунда эса янги

ижобий фикрлар, сеҳргар, ўз ҳаёти хўжайинининг фикрлари бўлади.

### Эски салбий фикрлар

“Курбон – Золим”

модели

### Янги ижобий фикрлар

“Сеҳргар (хўжайин)”

модели

Қачонлардир ўзим ҳам кундалиқдан фойдаланганман ва бу менга кўп воқеаларни тушуниб олишимга катта ёрдам берган.

Бирор бир ҳолатни таҳлил қилгач чап устунга ўша ҳолатни шаклланишига олиб келган салбий фикрларни ёзинг. Шундан сўнг кейинги босқичга ўтинг.

#### Учинчи қадам. Ижобий ният.

“Худо нимаики қилса ҳаммаси яхшиликка” деган матални эслайсизми. Биз ёки буни эсимиздан чиқарамиз ёки шунчаки бу ҳикматнинг маъносига тушунмаймиз...

Маъноси эса жуда оддий. Ҳар қандай вазият, ҳар қандай воқеа-ҳодиса остида ижобий ният ётади. Тасодифий ҳодиса бўлмайди. Бу оламда барча нарса адолатли ва қонуний. Бошқача қилиб айтганда бизнинг онг остилиз воқеа-ҳодисаларни биз учун ҳаётий зарур бўлган қандайдир ижобий мақсадларни рўёбга чиқариш учун яратади.

Атроф олам билан ўзаро фаол ва самараали алоқа қилиш санъатининг асоси ҳам шунда. Агар сиз бу босқичнинг маъномазмунини англаб етсангиз кўпгина сирларнинг қалитига эга бўласиз.

*Кабинетимга бир аёл кўзларида ёш билан отилиб кириб келди.*

– Доктор, менга ёрдам беринг илтимос. Нима қилишни билмаяпман. Оиласам бузиляпти.

– Тинчланинг, дедим мен унга бир стакан сувни тута туриб, ҳаммасини бошидан сўзлаб беринг.

– Валерий Владимирович, деди у бироз тинчланиб, кече эримнинг пиджагини тозаламоқчи бўлдим. Буни қарангки чўнтағидан унинг официант жазмани ёзган хатни топиб олдим. Мен бошқа шаҳарга, сессияга имтиҳон топширгани кетсам у жазмани билан кўнгилхушилик қилиб юрган экан. – Охирги сўзларни у иғри аралаш айтди.

Аёл тинчланиб олгунча қутиб турдим ва ундан сўрадим:

– Айтингчи, турмуш қурганингизга анча бўлдими?

– Икки йил бўй қолди.

– Севишаб турмуш қургансизлар, шундайми дедим мен бироз киноя билан.

– Умуман олганда, доктор, деди у, гапнинг тўғрисини айтидиган бўлсам мен эримга, қандай десам экан, ўз бурчимни адо этиш-учун турмушга чиқдим. Икки йил олдин у акамни ўлимдан кўтқариб қолди. Улар дўст эди. У менни ёқтиарди лекин мен бутунлай бошқа одамни севардим. Унинг исми Сергей. Биз иккаламиз битта ибодатхонага борардик. Биз иккаламиз ҳам право-славмиз. Эрим эса атеист. У акамни кўтқариб қолганида мен Худога унга турмушга чиқаман деб ваъда бердим. Энди нима қилишини билмайман. Доктор, ёрдам беринг!

Аёл яна иғлашга тушган эди, мен уни тинчлантиридим.

– Шошманг, дедим мен, тўғри тушунган бўлсам сиз асосий қонунни бузгансиз.

– Қанақа қонун? – сўради аёл қўркув билан.

– Мұхаббат қонунини. Сиз биронни севиб туриб бошқага турмушга чиққансиз. Ахир Худонинг ўзи мұхаббат-ку.

– Лекин мен қасам ичганман-ку!

– Биринчидан, эслашимча, Евангелияда Исо пайғамбар айтидай: “Ҳеч қачон ҳеч нарса билан қасам ичманг. На осмон билан чунки у Оллоҳнинг даргоҳи, на ер, на отангиз ва на онангиз билан... Сўзма-сўз аниқ эслай олмайман. “Сизнинг сўзларингиз ҳаша, ийқ-ийқ бўла қолсин”. Иккинчидан, эрингиз шундоқ ҳам акангизни кўтқарарди. Ахир улар дўст бўлишган-ку. Мұхаббати-

нгизга хиёнат қилиб ўзингизни азоб-уқубатга гирифтор қилишингизга ҳожат йўқ эди.

- Нима қиласай унда? – сўради аёл.
- Нима қилардингиз? Бу воқеа учун Худодан миннатдор бўлинг. Сизга муҳаббатингизни қайтариб янги ҳаёт бошлишингизга имкони бериляпти. – Болангиз борми? – сўрадим мен.
- Ҳозирча йўқ, жавоб берди у, мен аввал ўқишни тугатиб олмоқчи эдим.
- Ажойиб, дедим мен, тёзда эрингиз билан ажрашинг, у билан черковда никоҳдан ўтган бўлсангиз ҳам. Шунда муҳаббатга қарши бориб қилганингиздан кўра камроқ гуноҳ қилган бўласиз. Бу гуноҳингиз кечирилади. Суюкли Сергеингиз ёнига шошинг. У ҳали уйланмагандир?
- Йўқ, у мени бутун умр кутишини айтган.
- Жуда соз! – дедим мен. – Кўрдингизми, ҳамма иш қандай оқилона жойига тушшиб кетяпти. Сиз эса аламдан йиғлаб юрган эдингиз. Мана энди тўйингизда хурсандчилик қилинг.
- Раҳмат сизга, доктор! – деди аёл табассум билан. – Ҳаммасини тушундим.
- Йўқ, ҳаммасини эмас дедим мен.
- Аёл менга ҳайрон қолиб саволомуз қаради.
- Сиз ҳали турмуш ўртогингизга хиёнати учун ва жазманига ишқий мактуби учун чин дилдан миннатдорчилик билдиришингиз керак. Ахир уларнинг шарофати билан сиз озод бўляпсиз.
- Аёл айтганимдек қилди. Дарҳол ажрашишга аризა берди. Эри ортиқча эътироҳ-ҳам билдирамади. Бир йилдан сўнг аёл ёнимга миннатдорчилик билдириш учун қўлидаги чақалоги билан келди. У ажрашибоқ Сергей билан турмуш курибди. Аввалги эри билан яхши муносабатда экан. Айтгандай, у ҳам ўзининг яқинда ажрашган "биринчи муҳаббати"га уйланибди.

Шүнинг учун онг остиңгизга берадиган навбатдаги саволингиз қуидагича янграйди: Бу вазият менга нима учун керак?

Онг остим шу вазият ёрдамида қандай ижобий мақсадни амалга оширмокчى?

Бу воқеадан қандай мұхим ва ижобий сабоқ чиқаришим керак?"

Худо, Коинот биз билан турли хил ҳәёттій воқеа ҳодисалар ёрдамида сүзлашади. Ахир ҳәёт – шундай воқеа-ҳодисалар йиғиндисі-ку. Воқеа ёқымсиз бўлса демак биз ривожланишдан тўхтаб қолганмиз. Ҳар қандай стрессли ҳолат – биз учун бир белги, аломат. Бу белгидан қандай хulosса чиқариш кераклигини тушуниб етишга ҳаракат қилинг.

*Яқинда-қабулимга Россиядан бир киши келди. У икки йил давомида қаттиқ бош оғриғидан азият чекар экан. Даво излаб бормаган жойи, қилмаган амали қолмабди лекин бу ҳаракатлари вақтингчалик енгиллик берар экан холос.*

Бош оғриғининг сабабини у менинг биринчи асарим бўлмиш "Дардингни сев" китобини ўқиганидан кейин англабди. Унинг ўз отасига бўлган нафрати, қаҳр-ғазаби бу касалликка сабаб бўлганини англаб етибди. У ҳатти-ҳаракати, муносабатини ўзгартиргач аҳволи дарроғ ёнгиллашибди.

– Сизнинг китобингиз, Валерий Владимирович, менга яна кўп нарсани англаб етишга ёрдам берди. Масалан мен нега охирги икки йил ичида ҳамма нарсамни: машина, гараж, ҳовли, ишим, оиласманни ўйқотганцимни тушуниб етдим. Ўшанда, икки йил олдин, давом этди у, менда кучли бош оғриғи бошланганда мен ўзимга "Боримни беришга тайёрман, фақат шу оғриқлардан ҳалос бўлсам бўлгани" деган эдим. Ўттиз учга кирганимда эса ўзимга ўзим: "Ана энди ҳамма нарсанг бор, ўлсанг ҳам бўлади" дедим. Ҳозир тушуниб етятманки онгости ақлим менинг ният-

ларимни амалга ошириш учун ҳаракат қылған, атрофимдаги кишилар мени барча түпласкан нарсамдан халос бўлишимга ёрдам берадиган вазиятларни юзага келтирган. Шу йўл билан у мен ҳақимда қайғурган. Масалан хотинимнинг акаси ўз қўлим билан қурган дала ҳовлимни ўзлаштириб олди. Илгари уни кўргани қўзим ўйқ эди. Ҳуқуқий томондан ҳеч нарса қила олмасдим. Ҳаттоқи уни ўлдирмоқчи ёки дала ҳовли унга тег-маслиги учун уни ёқиб юбормоқчи ҳам бўлдим. Энди қайнакамдан миннатдорман. У мени халос қилди. Дала ҳовлидан фойдаланаверсин. Мен ўзимга бошқа уй сотиб оламан. Ахир ҳаётим энди бошланяпти.

Ҳаётдан хафа бўлиш ярамайди. Бунинг устига бу бизнинг ҳаётимиз ва биз уни ўзимиз яратамиз. Ҳаёт иўлимиздаги тўсиқлар эса бизнинг кучсиз жиҳатларимиз борлигига ишора қилади, уларни юзага чиқаришга ва ўзгаришимизга ёрдам беради.

Бир киши ўлимидан кейин Худодан унинг бутун босиб ўтган ҳаёт ўйлини кўрсатишни сўрабди. Кутимагандан у ўз излари билан ёнма-ён юрган қандайдир изларни кўриб қолибди.

– Эй, Худо, юзланибди у Оллоҳга, менинг изларим билан ёнма-ён кетаётган кимнинг излари бўлди экан?

– Бу менинг изларим, жавоб берибди Худо, мен доим сен билан бирга ёнингда юрганман.

У киши яна синчиклаб қарасаки ҳаётнинг энг оғир дамларида оёқ излари фақат бир жуфт экан.

– Эй, Худо! – юзланибди у яна Худога. – Нега энг оғир ва хавфли дамларда, сенинг ёрдамингга энг муҳтож бўлган дамларимда сен мени ёлғиз қолдириб кетгансан. Қара, бу ерда фақат бир кишининг изи.

– Ношукўр! – жавоб берибди Худо баланд овозда. – Энг оғир кунларингда мен сени қўлимда олиб юрганман!

**"Худо енги бўлмайдиган синовларни бермайди".**

Халқ эртакларини эслаб кўринг. Эртак қаҳрамонини оғир синовлар кутади. Ҳар қадамда хавф-хатар дуч келади. Лекин бошидан кечирганлари натижасида у қучлироқ иродалироқ бўлиб боради ва оқибатда мурод мақсадига етади. Тўсиклар эса уни тоблайди ва уни ички қобилиятини очиб беришга ёрдамлашади.

**Бир кўни семинардан кеёнин ёнимга бир одам келди.**

— Валерий Владимирович, деди у менга, нега мен билан ёқимсиз ҳодисалар рўй берганини энди тушуниб етдим, ҳар ҳолда ўша пайтдаги воқеаларни ёқимсиз деб ўйлардим. Яқин кунларгача, давом этди у, Украинада, она шаҳримда ўз корхонам, иккита ёнилғи қуиши шахобчам бор эди. У ернинг ўлчови билан ҳисоблаганда мен жуда яхши ѿшар эдим. Лекин ҳар доим бундан ҳам кўпрогига эришишни иштаганман. Шунда бошимга бирин-кетин кулфатлар ёғила бошлади. Сал қолса бор-будимдан айрилиб қолардим. Мен корхонамни ва ёнилғи қуиши шахобчасини сотиб Москвага кўчиб кетишгэ мажбур бўлдим.

Ўшанда нега бундай ҳодисаларни яратганимни энди тушундим. Бу “ғаройиботлар” рўй беришни бошлаганидан сал олдинроқ мен ўз олдимга миллион доллар ишлаб топишни мақсад қилиб қўйдим. Лекин она шаҳримда буни амалга оширишининг имкони ўйқ деб ҳисоблардим. Мен бунга ишонмасдим. Шунда Куч мени ўз шаҳримдан иштариб чиқаришни бошлади. Лекин мен бундай англаб етмаганим ва корхоналаримга қаттиқ ёпишиб қолганим сабаб, онг остижда ягона ўйл қолған эди — мени бу шаҳарда ушлаб турган барча нарсадан мажхум қилиш. Мана ҳозир қўлимда Майамига билет турибди. У ерда менга иш тақлиф қилишди. Бу воқеалар бекорга бўлмагани, мени миллионларимга йўналтиришининг мажбурий усули бўлганига энди аниқ ишонч ҳосил қилдим. Ишим юришиб кетса сизни америкаликларга семинар ўтказиш учун у ерга тақлиф қиласман.

Биз күч оламида яшаймиз. Ҳар қандай күчдан үзимиз ва атрофимиздаги кишиларга манфаат келтириш учун фойдаланишимиз мүмкин. Яъни ҳар қандай воқеадан фойда чиқариш мүмкин.

*Қайсиdir узоқ бир мамлакатда қаттиқ қурғоқчилик бошланыбди. Мұл-құл ҳосил одамлар күэ ўнгіда қурыб борағкан. Одамлар очликдан ўлыб қолишдан құрқиб қолишибди. Шунда улар Худога мурожаат қилишибди: – Эй Худо! Наҳотки бизнинг азобларимизни күрмаяпсан? Бизга ёмғир юбор!*

Лекин ёмғир ёғмабди. Шунда одамлар Худодан янаям қаттиқроқ ялиниб сүрәшибди. Шунда Худо уларга ёмғир беребди. Ҳосил асраб қолинибди. Лекин одамлар тайёрлаган таомларини егандა ўла бошлашибди. Шунда улар яна Худога юзланишибди:

– Биз нима гуноҳ қилдик? Нима учун бизни бундай жазолаяпсан?

Худо шундай жавоб қилибди: – Бу йилнинг ҳосили заҳарлы эди. Мен ҳосилни иўқ қилиш учун атайнин қурғоқчиликни юбордим. Сизлар бу йилни оч-наҳор ўтказардингиз лекин ўлмасдингиз. Лекин ўзингиз астойдил ёмғир сўрадингиз.

Ҳаммаси воқеа-ҳодисаларга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Агар мен аввал бошиданоқ бу дунёга ҳеч нарса шунчаки содир бўлмаслиги, менинг онг остим Койнот, Худо билан биргаликда менга ўз ҳақиқий йўлимни топишга ёрдам бериш учун вазиятларни яратиши ва менинг ҳаётимга керакли одамларни жалб қилиши, мен эса ўз навбатида атрофимдаги одамларга ёрдам беришимни билсам ҳэёт бутунлай бошқача мазмун касб этади. Келажак олдидаги қўрқув йўқолади. Ўзингизни баҳтсиз қурбон деб ҳис қилишни бас қиласиз. Шунда куч тўплашни бошлайсиз.

- Вазиятнинг юзага келишига қандай фикр ва туйғулар сабаб бўлганини ва у онг ости томонидан нима учун яратилганини тушунмасак нима қиласли? -деб сўрашингиз мумкин.

Хатточи вазиятни нима сабабдан, қандай ва нима мақсадда яратганингизни тушунмасангиз ҳам – шундай ҳолатлар бўлиб туради – хафа бўлманг. Ахборот кечроқ, сиз ноxуш кечинмалардан йироқ бўлганингизда келиши мумкин.

Фаолиятим бошланишида мен эндигина янги психологик моделни ишлаб чиқаётган пайтларимда шундай ҳолатлар кўп бўларди, уларни тезда англаб етишим қийин бўларди. Бунақа пайтларда мен ўзимга: "Майли. Бу дунёда ҳамма нарса адолатли ва қонуний эканлигини биламан. Демак менда шу вазиятнинг яралишига сабаб бўлган фикрлар ва хатти-ҳаракатлар бўлган. Шунингдек шу вазият ёрдамида менинг онгости ақлим ва Худо мен учун қандайдир муҳим ва керакли нарса қилаётганини ҳам биламан. Мен бу ҳолатни розилик ва миннатдорчилик билан қабул қиласман. Мен ўз онг остимга ишонаман".

*Бу воқеа бир ёнча йил олдин, мен болалар поликлиникасида врач-гомеопат бўлиб ишлаб юрган пайтларимда содир бўлган эди. Ўша қуни мен гомеопатик дорилар сақланадиган шкафимнинг калитларини уйда қолдириб келибман.*

*Қизик, деб ўйладим, мен ҳеч қачон қалитни эсимдан чиқариб қолдирмасдим.*

*Бирор чорасини кўриш керак эди, хотинимга қўнгироқ қиласдим:*

*- Людмила, дедим унга, билсанми, мен дорилар турадиган шкафимнинг калитларини уйда уннутиб қолдирибман. Менга уларни олиб келолмайсанми?*

*- Нега қалитни олгани ўзинг келмайсан? – сўради у.*

*- Чунки мен уларни олгани борсам икки баравар кўп вақт кетади шу учун сен олиб келганинг маъқул. Кабинетим ёнида одамлар қабулимни кутиб туришибди.*

– Биласанми, деди у, мен ҳозиргина юзимга ниқоб суртиб дам олгани ётдим. Шунинг учун бора олмайман. Ўзинг калитларни унутиб қолдирдингми, ўзинг келиб олиб кет. – Шундан кейин хотиним гўшакни кўйиб кўйди.

Мен ундан сирайм бунақа жавобни күтмаган эдим. Ичим қаҳр ва ғазабга тўла бошлади. “Бу нима деган гап?! – ўйладим мён ғазаб билан. Мен бу ерда оиласам учун тер тўқиб ишиласам, пул ишилаб топсан-у менга шундай кўпол муносабатда бўлшишса. Дам олгани ётганмиш, қаранг”.

Қаҳр-ғазабим борган сари ошиб борарди. Лекин қандайдир бир лаҳзада ичимда бир ўзгариш юз берди.

“Тўхта! – дедим ўзимга-ўзим. Менга нима бўляпти? Ахир мен эзгулик фариштасиман-ку. Қани ўйлаб қўрай-чи, дедим ўзимга-ўзим, мен бу вазиятни нима билан яратдим, у менга нима учун керак?”

Лекин қанчалик ҳаракат қилмай, хаёлимга маънили бирор фикр келмади. Тинчланиб олиш қийин эди.

Хўп, яхши! – дедим ўзимга ўзим. – Мен онг остимга, Худога ва хотинимга ишонаман. Бу воқеа содир бўлган экан, демак бекорга эмас. Нима учунлигини кейинроқ билиб оламан.

Шу хаёллар билан поликлиникадан чиқдим-да калитларни олгани уйга йўл олдим. Йўлда мен яна онг остимга мурожсаат қилишга ҳаракат қилдим. Ҳеч қанақа ахборот келмади. Бироқ ҳар ҳолда тинчланиб олдим. Уйга кириб биринчи ўринда хотинимни ҳайрон қолдириб илтимосимни рад этгани учун раҳмат айтдим.

Энг қизиги поликлиникага қайтиб келганимдан кейин рўй берди.

Бир дақиқадан кейин кабинетимга мен икки ҳафтадан бўён излаб юрган бир танишим кириб келди. Гап шундаки у менга жуда ҳам керак эди. Мен у орқали Киевга ҳужжат берив юбормоқчи эдим чунки у тез-тез у ерга хизмат сафарига борив турарди.

— Мени қандай қилиб топдинг? — деб сўрадим мен саломлашиб бўлғанимиздан сўнг.

— Мени бу ерга муҳаббат бошлаб келди деди у. — Қаллиғим шу ерда амалиётини ўтаяпти. Уни қўргани келгандим. Қарасам сен келяпсан. Кел, бир меҳмон бўлай дедим-да.

— Жуда яхши-да! — деб хитоб қилдим хурсанд бўлиб. — Мен сени икки ҳафтадан бўён қидираман. Сендан Киевга ҳужжат олиб боришингни илтимос қилмоқчи эдим.

— Гап йўқ деди у. — Мен эртага жўнаб кетаман.

Биз яна у ёқдан бу ёқдан гаплашиб ўтиридик. — Танишим кетгач тўсатдан миямга бир фикр келди:

— Мана нима учун менга бу вазият керак бўлган экан. Агар мен қалитни олгани уйга бориб қайтмаганимда танишим билан учрашиб қолмас ва ҳужжатларни бериб юборолмас эдим.

“Онг остим қанчалик доно! — ўйладим мен. — Людмилага ҳам илтимосимни рад этгани учун раҳмат. Ундан айниқса ҳозир, вазиятнинг мазмунини англаб етганимдан сўнг миннатдорман. Хотиним менга керакли одам билан учрашишга ёрдам берганини масавур ҳам қилмаётган бўлса керак”.

Шу воқеадан сўнг мен бўлиб ўтадиган воқеаларнинг адолатли эканлигига шубҳа қилмай қўйдим. Вазиятнинг асл мазмунини ҳар доим ҳам тушунмасам-да уни миннатдорчилик билан қабул қиласман ва Кучга тўла ишонаман.

**Тўртиңчи қадам.** Хулқ-атворнинг янги усуllibарини яратиш.

Психоэнергетик Айкидодаги бу қадам аввалгилари қаби жуда муҳим. Айнан шу босқичда сизнинг онгости дастурлари-нгизда ўзгариш юз беради.

Ҳаётимизда рўй берган ҳар қандай воқеа-ҳодиса ортида ижобий қият яширинганини аниқлаб олдик. Шу йўл орқали Коинот кучлари ва онг остимиз биз ҳақимизда қайғуради. Шунинг учун қай аҳволга тушиб қолсангиз ҳам Худога ва онг

остингизга миннатдорчиллик билдириңг. Айнан шу вазият сабаб сиз шахс сифатида яшаб ривожланишда давом этяпсиз.

Хәётимизда яхши ҳодисалар бўлса "Худога шукур" деймиз.

Ноҳуш ва стресс ҳолатларга дуч келганимизда "Бу дунё қанчалик адолатсиз" деймиз.

Биз ҳар қандай касаллик ёки стресс ниманидир нотўғри қилаётганимиздан дарак берәётганини тушунмаганимиз. Эски хулқ-атворимиз ва фикрларимиз бизни касаллик ва азоб-укубатга дучор қилган. Бу ҳолат ўз феъл-атворимизни ўзгартиришимиз кераклигини англаш учун ётарли огохлантириш эмасми?

Мен ўз китоб ва семинарларимда Худо ва Коинот ҳеч кимни жазоламаслигини такрорлашдан чарчамайман. Биз ўзимизни айбдор деб ҳис қилсаккина жазоланишимиз мумкин. Биз ўзимиз ва атрофдаги олам ҳақида қандай фикрда бўлсак шуни кўрамиз. Яъни нимага ишонсан ўшани кўрамиз. Бунинг ҳаммасини ўзгартишимиз мумкин. Сиз ҳар қандай ҳолатни кўнгли-нгизда хотиржамлик билан қабул қилиб кейин ўзгарсангиз ҳеч қандай жазо олмайсиз. Табиатда айбдорлик ва жазоланиш ҳисси мавжуд эмас. Бу ҳиссиётларни манманлик ва эски "Курбон – Золим" модели юзага келтиради. Янги моделда бундай беҳуда нарсага ўрин йўқ. Ахир биз ҳаммамиз сехргармиз!

Феъл-атворни ўзгартириш нима дегани ва уни қандай қилиш мумкин?

Ўзгариш – феъл-атвор ва фикрлашнинг янги усулларини яратиш, ўзингиз ва сизни ўраб турган оламга янгича муносабатни шакллантиришдир. Стресс ҳолатлар эса нимани ўзгартириш кераклигига ишора қиласди.

Масалан сиз турмуш ўртоғингиз билан уришиб қолдингиз. Бу айнан шахсий муносабатларингизда турғунлик юзага келганини англатади.

Ёки бўлмасам, пул йўқотиб қўйдингиз. Демак молиявий соҳада янги фикрлар ва янги феъл-атворни шакллантиришингиз керак.

Шундай вазиятлар туфайли сиз доимий равишда ўз-ўзингизни мұжкаммаллаштириб ривожланиб борасиз. Онгингиз ўзгариб кенгайиб бораверади. Сиз мослашувчанроқ ва донороқ бўлиб борасиз.

Асосийси - бошқаларнинг ўзгаришини кутмасдан жавобгарликни, ўз бўйнимизга олиб ўзимиз ўзгаришни бошлишимиз лозим. Бир олтин қоидани ёдда тутинг: вазиятни турли-турман хулқ-атвор усулларига эга бўлган киши бошқаради.

Ўзгаришга тайёр бўлсангиз кейинги қиласидаги ишингиз - онгости ақлингиздан хулқ-атворнинг янги усулларини яратишини сўрашдан иборат.

Бу янги усуллар қанақа бўлиши керак?

Биринчидан улар эскиларига нисбатан самаралироқ ва ишончлироқ бўлиши керак. Бу ўз-ўзидан аён.

Иккинчидан улар тезроқ ишлаб олдингиларидан кўра оддийроқ ва чиройлироқ бўлиши керак.

Учинчидан энг асосийси янги усуллар зарарди ножўя оқибатларсиз бўлиши керак. Яъни улар сиз ва атрофингиздагилар учун ёқимли бўлиши керак. Ният тозалиги шундан иборат.

Янги усуллар сони чексиз бўлиши мумкин. Ҳаммаси сизнинг фантазиянгиз ва ижодкорлигингида боғлиқ. Усул қанча кўп бўлса танлаш имкони ҳам кенг бўлади, сиз ҳам шунчалик мослашувчанроқ бўласиз.

Ўз семинарларимда мен мұхим ўзгаришларни амалга ошириш учун онгости ресурсларидан қандай фойдаланишни ўргатаман. Ҳозирча эса мен сизга янги фикрларингизни кундаликнинг ўнг устунига ёзиб боришингизни маслаҳат берардим. Бу ҳам жуда самарали.

**Эски салбий фикрлар  
“Күрбон – Золим”  
модели**

**Янги ижобий фикрлар  
“Сөхргар (Хўжайин)”  
модели**

Энди эса ҳаракат қилинг. Агар фикрларингиз фақат қоғозда қолса бирор нарса ўзгариши амри маҳол. Янги хулқ-автор варианatlари ҳаётга татбиқ қилиниши керак. Керакли пайтда, керакли жойда.

**Бешинчи қадам. Кечириш ва миннатдорчиллик билдириш.**

Одатда кимни яхши одам деймиз? Бизга яхшилик қилиб ёрдам берадиган, ҳаётимизга қувонч олиб келадиган кишини.

Кимни ёмон деймиз? Кимки дилимизни оғритса. Ахир биз ўз оламимизни ўзимиз яратамиз, оғриқни ўзимиз яратамиз. Демак шундай кишиларни ҳаётимизга ўзимиз жалб қиласмиш. Улар бизга заиф ва оғриқли нуқталаримизни юзага чиқаришга, бизни кучлироқ бўлишга ёрдам беради. Унда нима учун улардан хафа бўламиш. Куйиб қолсангиз оловдан хафа бўлмайсиз-ку.

Оғриқ – ўзини ўзи ҳимоя қилиш реакцияси, биз ниманидир хотүғри қилаётганимиз ва хулқ-авторимизни ўзгартиришимиз кераклиги ҳақидаги огоҳлантиришдир. Унинг жисм ёки кўнгил оғриғи эканлиги муҳим эмас.

Баъзида ҳаётимизга дилозор одамларни жалб қиласмиш. Лекин аслида уларнинг вазифаси – бизга ўзгаришга, янада донороқ ва кучлироқ бўлишга ёрдам беришдан иборат. Оғриқка ёпишиб олиш керак эмас. Сиз бармоғингизни тилиб олиб кун бўйи бунинг қанчалик ёмон ва оғриқли эканини ўйлаб юрсангиз ярангиз йиринглай бошлайди. Шунинг учун сизни хафа қилган одамни кечиринг, бундан ташқари – ундан кечирим сўранг ва унга бу сабоқ учун миннатдорчиллик билдириб кўйинг.

Янги Аҳдда Исо пайғамбар шундай дейди: “Душманларинги зинни севинг”. Бироқ шахсан мен одамларни яхши ва ёмонга, дўсту душманга ажратишни бас қилдим. Мен учун ҳамма – дўст. Айримлари менга қувонч олиб келса бошқаси менга ўсишга, ривожланишга, ружимни чиниқтиришга ёрдам беради. Менга униси ҳам буниеси ҳам керак.

– Валерий Владимирович, дейди баъзида менга мижозларим, гина-кудуратлардан халос бўлиб кечириши ўрганиши қанчалик қийин! Устига устак миннатдорчилик ышлдириш. Айниқса сен тўлиқ ишонадиган энг яқин кишиларинг сенга нисбатан пасткашилик қиласа.

– Сиз ўзингизни қурбон деб билишини тўхтатганингиздагина буни осонлик билан қила оласиз, тушунтираман мен.

Кабулимда оғир касал деб ташхис қўйилган бир бемор аёл ўтирибди. Ўнинг ўсмаси бор экан. Ўтган машгулотларда биз онг ости ёрдамида бу касалликнинг сабаби – аёлнинг келинига бўлган эски аламлари эканлигини аниқлаган эдик.

– Доктор, дейди у, мен келинимни аллақачон кечирдим. Лекин ўсма негадир йўқолиб кетмаяпти.

– Уни кечирганингизга ишончингиз комилми?

– Албатта, дейди у ишонч билан, мен бир варақ қоғозга уни кечирганимни 77 марта ёздим.

– Сиз бу гапни 7000 марта ёзишингиз мумкин лекин бунинг фойдаси ўйқ чунки аламларингиз кўнглингиз тушибда ётибди.

– Унда нима қилишим керак?

– Сиз янгича ўйлаб янгича ҳаракат қилишни бошлаганингиздагина хафагарчиликлар бутунлай ўйқ бўлиши мумкин. Сиз эса сеанс давомида келинингиз ҳақида ёмон гаплар гапирдингиз. Шунинг учун мен сизга ишонмайман!

Мен ҳар эрталаб ижобий аффирмацияларни дуодек тақрорлаб кўчага чиққач эса яна хафа бўлиб, ғазабланишни давом эт-

*тирадиган бир аёлни эсладим. Сиз хоҳлаганча гапиришингиз мумкин. Лекин гапингиз амалингиз билан тўғри келмаса бу иккюзламачилик бўлади. Кечиришингиз амалда намоён бўлиб кўнглингизнинг тубйгача етиб борсагина ўсма сўрилиб кетади. Умуман олганда аслида сиз уни кечиришингиз эмас, узоқ вақт аламни ичингизда олиб юрганингиз учун ундан кечирим сўрашингиз керак.*

*Мени гапларим кор қилди чоги, бир ойдан кейин аёл қабулимга бутунлай соғайиб келди.*

*— Доктор, деди у, охирги учрашувимиздан кейин мени ҳеч ким хафа қилгани йўқ. Албатта уринишлар бўлди. Лекин мен ўзимни тинч ва осойишта тутдим. Менимча энди мең одамларга ҳатти-ҳаракатлари учун миннатдорчилик ҳам билдира оламан.*

Келинг “миннатдорчилик” сўзининг маъносини чуқурроқ англаб етишга ҳаракат қилиб кўрамиз. Рус тилида бу сўз “благодарить” дейилади. Бу сўзининг тўғридан тўғри маъноси “яхшилик ҳадя қилиш” (дарить благо) дегани.

Грек тилида бу сўз “эвхаристо” тарзида янграйди ва “хурсандчилик ҳадя қилиш” маъносини англатади.

Рус тилидаги “спасибо” сўзи эса “спаси тебя бог” яъни “Худо сени арасин” деган маънони билдиради.

Кўриниб турибдики рус тили – жонли тил. Шундай экан сўзларни тинглаб уларнинг маъносини англаб етишни ўрганинг.

Бундан чиқди хафа бўлиб сиз ҳам ўзингизни ҳам атрофиниздаги оламни вайрон қиласиз. Миннатдорчилик билдириб эса эзгулик тарқатасиз. Бу бунёдкор туйғу. У албатта сизга яхшилик бўлиб қайтади.

Асосийси – самимий бўлиш.

Миннатдорчилик билдириш воқеа-ҳодисага нисбатан муносабатингизни ўзгартирибгина қолмай воқеанинг ўзини ҳам бутунлай ўзгартиради. Ҳаётингиздаги ҳар бир ҳодиса учун мин-

натдорчиллик билдиришни ўргансангиз манманликтан бутунлай халос буласиз. Сиз вазиятни күйиб юборасиз. Яъни воқеа-ҳодисаларнинг ўзингиз ва атрофдагилар учун яхши, ёқимли сценарий бўйича боришига йўл очиб берасиз.

– Қандай қилиб раҳмат айтиш керак? – деб сўради семинар пайтида бир иштирокчи. – Масалан мен учун одамларга раҳмат айтиши айниқса овоз чиқариб раҳмат айтиши жуда қийин.

– Буни ичингиизда айтишдан бошланг дедим мен. – Яна шуни билингкё сўз унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Асосий нарса – сизнинг ички муносабатингиз. Сизнинг миннатдошлигингииз күйидагича янграши мўмкин. “Сен ҳаётимга менга ёрдам бериш учун, менга ўргатиш учун кириб келдинг. Сен менинг онгли истакларимга мувофиқ келмаганинг учун мен сени кечираман. Мен сендан истагингга мувофиқ келмаганим учун кечирим сўрайман. Бу сабоқ учун сендан миннатдорман. Сен худди ойна каби менинг заиф томонларимни кўрсатяпсан. Сен менинг дўстим яъни аксимсан. Бу сабоқни ўзлаштириб олдим ва бошқа одамга айландим, кучлироқ ва ақллироқ бўлдим”.

Ҳар қандай стресс ҳолат – бу хулқ-атворни ўзгартириш лозимлиги ҳақида Худодан, Коинотдан келган кўрсатмадир. У сизга сиз қандайдир ҳатти-ҳаракатингиз билан ҳаётингиздаги ўйғунликни бўзганлигингиизни кўрсатади. Миннатдорчиллик билдириш – сиз вазиятни ҳеч қандай қаршилик ва хафагарчиликсиз қабул қилганингиизни кўрсатибгина қолмай сизнинг атроф-олам билан чамбарчас боғлиқ ва бир бутун эканлиги-нигизга жуда кучли далилдир.

– Ўғрига нима учун раҳмат айтиш керак? – деб сўрашади мендан кўпинча. – Ахир у нафақаҳўр кампирдан пулини ўғирлаши мўмкин-ку.

– У одамларга ва пулга, хоҳ у ўзимизники бўлсин, хоҳ бегона-ники, журмат билан муносабатда бўлишни ўргатгани учун.

— Валерий Владимирович, деб сўрайди семинарим иштироқчиси, менга бир нарсани тушунцб олишишга ёрдам беринг. Мен нима билан ўғрини ўзимга жалб этдим? Яқинда бассейнда сузаётганимда менинг нарсаларимни ўғирлаб кетишди.

— Ўша воқеадан олдин сизда пул билан боғлиқ кучли хавотир бўлган, тушунтиродим мен унга, яна шундай ҳолат бўлганки сиз ўзингизни ўғридай тутгансиз. Ахир ўжашаш ўжашанинга тортадида.

— Хавотир бор эди. Лекин мен ҳеч кимдан ҳеч нарса ўғирламадим дейди у киши бироз муддат ўтгач.

— Балки сиз бирордан уни ўз меҳнатингиш билан ишлаб топмаган бўлсангиш ҳам пул олгандирсиз.

У бир дақиқа ўйланиб қолди.

— Сиз ҳақсиз, деди у, мен бир вазиятни эсладим. Мен врач-психотерапевт бўлиб ишлайман ва хусусий клиникам бор. Қабулимга бир аёл жиддий бир касаллик билан келди. Мен уни даволаш учун турлли хил методикаларни кўлладим лекин улар фойда бермади. Умидларим пучга чиқди, аёл ҳам хафа бўлди. Лекин ундан қабул учун пул олдим. Ахир мен у аёлга вақтимни сарфладим-ку.

— Вақтингиз-ку кетган лекин на сиз на у аёл сеанс натижаларидан қониқсансиз. Пулни сиз бирорга ёрдам берганга тақдирингиздагина олишингиш мумкин. Шундагина улар ҳалол ишлаб топилган ҳисобланади.

— Сиз ҳақ бўлсангиш керақ, Валерий Владимирович, тасдиқлайди у киши, биз фақат ўз чўнтағимизни ҳурмат қилишга кўнишиб қолганимиз, бошқаларнинг пули ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Бўндан чўйди ўғри ўзимни акс эттириб кўрсатиб менга дарс бериди-да.

— Мутлақо тўғри. Умуман ўғри кўп нарсага ўргатади. Эътиборли бўлишга, пулга нисбатан хотиржам бўлишга, сакий, ҳалол бўлишга ва бошқа кўпгина нарсаларга.

– Биласизми, деди у киши, мен ҳозир миямда ҳисоблаб күрдим. Мен ўша аёлдан қанча пул олган бўлсам, мендан шунча қийматга эга нарсаларим ўғирланган.

Бюрократга нима учун раҳмат айтиш керак?

У бизни давлатга ва унинг структураларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргаттани учун.

Бу вёкеа анча йил олдин содир бўлган эди. Менга хусусий тадбиркорлик қилишим учун лицензия керак бўлиб қолди. Лекин кўпгина тўсиклар пайдо бўла бошлиди. Ҳали керакли хужжатлар етишмас, ҳали лицензия олиш учун комиссияга қўнғироқ қилиб тушолмасдим, ҳали анкетани нотўғри тўлдирадим. Лицензијни олиш чўзилиб кетди ва мен уни таҳлил қилишга қарор қилдим.

Йўлимда тўсик пайдо бўлса унга муносабатимни ўзгартириш кераклигини билардим.

Сабабини анйқлаш қийинчилик туғдирмади. Мен ўз-ўзимга савол берганимда онг остиим том маънода шундай деб қичқиради: “Бу облаҳ бюрократлар ишлашга кўймайди. Ўз кабинетларида ўтириб солиқ тўловчиларнинг яъни менинг пулларимни еиди. Ҳларга пора беришларини кутишади. Аҳмоқона қонунлар!” Муаммоблар пайдо бўлганининг ҳайрон қоларли жойи ўйқ. Ахир нимани ўйласанг шуни оласан.

Мен бюрократик машина қиёфасидаги тўсикка миннатдорчиллик билдирам.

– Ҳурматли бюрократлар ва қадрли давлат! – деб бошлидим мен ўз миннатдорчиллик монологимни. – Мен бу сабоқ учун сизлардан миннатдормандан. Сизлар менга яшаб турган жойим ва унинг қонунларини ҳурмат қилиш кераклигини аниқ кўрсатиб бердингиз. Яна мен ўз ватанимни севишин кераклигини англаб етдим. Давлат ўз ҳалқининг аксидир. Ҳалқ эса ўзи сайлаган ҳукуматга лойиқдир. Шунинг учун қонунлар, ҳукумат ва амал-

*дорларни айблаш бемаңыллык. Халқыннг онғ даражаси ошса хұкумат ҳам бошқа бүлади.*

*Мен феңел-атворимни ўзгартирмасам лицензия учун ўзининг нархидан күра анча күпроқ тұлашимга түғри келади. Ёки бўлмасам уни ҳеч қачон ололмаслигим мумкин. Яхшиси фикрларимни ўзгартиришим керак. Шунда давлат менга нисбатан муносабатини ўзгартиради.*

*Менинг гапларим вазирликка "етиб борди" чоғи, бир ҳафтадан кейин менга лицензия тайёр бўлганини ва уни олиб кётишим мумкинлигини айтишди.*

**Дилозор одамга нима учун раҳмат айтиш керак?**

*У бизни ўзимизга ва атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатади.*

*Қабулимда кекса бир аёл ўтирибди. Яқинда "Тез ёрдам" касалхонасида аёлнинг ийғон ичагининг бир қисмими олиб ташлаб, унга "рак" деб ташхис қўйишибди. У ҳали менинг биринчи китобимни ўқимагани учун мен унга касаллик қандай келиб чиққанини батафсил тушунтирудим.*

*– Қалбингизнинг тубида сиз яқинларинги здан бирига нисбатан жуда қаттиқ алам сақлаб юрибсиз дедим мен унга. – Бу хафагарчиликдан халос бўлмас экансиз, дард сизни ўч-ичингиздан кемираверади.*

*– Лекин қандай қилиб хафа бўлмай, ғазабланади у. – Эрим, худо раҳмат қилсин, тинмай ичарди. Мени ҳақорат қилар ва калтакларди. Энди эса ўз ўғлим ичиб мени ҳақорат қиляпти. Қизим эса мени касалхонадан уйга олиб келиб: касалинг билан жонимга тегдинг деди. Мени ёлғиз ташлаб кетди. Мен уларни кечира олмайман. – Мен сизларсиз яшай оламан, сизлар эса менсиз яшай олмайсиз дедим мен уларга, "кўзида ёш билан давом этди аёл. – Мен нима билан бундай муносабатга лойиқ кўрилдим?! Эрим билан ажрашганим учун уч жойда ишлардим. Мен*

қары ахмоқ фақат уларни деб яшабман. Ўзим ҳақимда умуман ўйламабман. Улар эса менга шунақа муносабатда бўлишяпти, айниқса ўғлим.

— Биласиазми, Надежда Григоревна, тушунтиридим мен, фарзандларинингиз сизни ўзингизга нисбатан тўғри муносабатда бўлишга ўргатяпти. Улар орқали Худо сиз билан гаплашяпти ва сизни тўғри ўйлга соляпти.

— У мени нимага ўргатяпти ва мен қандай хато қилдим? — деб сўради у.

— Биринчи қилган хатоингиз шуки сиз ҳаётда ўзингизни энг охирги ўринга кўйгансиз. Сиз ўзингизни, шахсий ҳаётингизни унүтиб ҳамма нарсани болаларингиз учун қилгансиз. Бироқ ёдингизда бўлса амрлардан биринда шундай дейилган: “Яқин кишингни ўзингни севгандай сев.” Шунинг учун биринчи наебатда қилишингиз лозим бўлган иш – ўзингизга нисбатан муносабатни ўзгартириш:

— Сиз ҳақсиз доктор, фикримга кўшилди аёл, мен ўзимни умуман севмайман. Тез-тез ўзимни койиб қары ахмоқ дейман. Ўз ҳаётим ҳақида ўйламай кўйганиман. Лекин мен яшашни хоҳлайман шунинг учун ҳаммани кечиришга тайёрман. Лекин алам шунчалик чуқур бўлса нима қиласай?

— Сиз фарзандларингизга нисбатан муносабатингизни ўзгартишишингиз керак дедим мен. — Уларни ўз устозингиздай кўринг. Улар ўз хатти-ҳаракати билан нимани ўзгартиришингиз кераклигини кўрсатяпти.

— Ўғлим ишиб олганида менга: мен сенга қандай яшашни ўргатяпман қары тенгтак деб айтади. У орқали Худо мен билан гаплашаётганини тушунмабман. Аммо нега Худо мени шу ўйл билан ўргатяпти экан? Наҳотки бошқа ўйл билан ўргатиш мумкин бўлмаса?

— Мўмкин! Фақат илгари сиз яхши гап билан тушунмагансиз. Агар ўқувчи яхши гап билан тушунмаса уни уриб ўргатишади. Сиз ҳам аввал эрингиздан, кейин эса ўғлингиздан дакки егансиз.

Энди ўғлингизга сабоқ учун миннатдорчилек билдиришни бошлиң.

– Миннатдорчилек билдиришни? – ҳайрон бўлиб қаради аёл бироқ лабида табассум бор эди.

– Ҳа-ҳа, айнан миннатдорчилек билдиришни. У уйға маст бўлиб келганда сиз унга ва Худога миннатдорчилек билдириңг. Демак сизга яна битта сабоқ керак. Одобли ўкувчи бўлинг – ўғлингиз айтадиган гапларни диққат билан тингланг. Чунки у орқали сиз билан Коинот гаплашяпти.

Орадан бир оз вақт ўтиб аёл яна қабулимга келди.

– Доктор! – хурсанд бўлиб гапирди у. – Тажхил натижалари ажойиб чиқди! Шифокорлар ишонишни истамади. Ўғлим эса ичиши ташлади. У билан ҳозир муносабатимиз жуда яхши.

Бу рўйхатни чексиз давом эттириш мўмкин. Ўғрилар, қаллоблар ва бошқа "ярамаслар"... Лекин аслини олганда улар бизнинг норасмий устозларимиздир.

Авваллари ноқобил шогирдларни калтаклашган. Билим бошидан кирмаса орқа томонидан кирган.

Шахсан мен ўрганишни доим яхши кўрганман: мактабда ҳам, институтда ҳам. Ҳаётда ҳам сабоқлардан хурсандчилек билан ўтаман. Шунинг учун ҳар ерда ва ҳар қачон менга яшил чироқ ёниб туради.

Сиз мактаб ёки университетни тугатгач таълим олиш тугайди деб ўйласангиз хато қиласиз. Биз бутун ҳәётимиз давомида ўрганамиз. "Бешикдан қабргача илм изла".

Инсоннинг буюк вазифаси ҳам шу. Айнан шу ўрганиш ва яратиш қобилияти биз инсонларни ҳайвон ва ўсимликлардан ажратиб туради.

Агар биз ўрганишни истамасак ҳәётимизда турли хил стрессли ҳолатлар рўй беради ёки бизга ўзимизнинг ожиз жиҳатларимизни кўрсатиб берадиган эгри устозларимиз пайдо бўлади. Улар бизнинг ичимида бор нарсани акс эттиради. Шу,

нинг учун уларга қараб туриб ўзимизни ўзгартишимиз мумкин.

**Олтинчи қадам. Дуо қилиш ва совға бериш.**

Бу Психоэнергетик Айкидонинг якунловчи босқичи.

Энди, ҳодисасининг барча қатнашчиларига раҳмат айтганингиздан кейин уларни дуо қилинг. Яъни, уларга барча яхши тилакларни тиланг. Уларга ўзи муҳтоҷ бўлган нарсани беринг. Ўзига хос совға тақдим қилинг.

Лекин одам нимага муҳтоҷлигини қандай аниқласа бўлади? Унга нима совға қилиш керак?

Бу жуда оддий. Бунинг учун ўзингизга савол беринг: “Бу одам нимага кўз тикди? Ўз ҳатти-ҳаракати билан мендан нимани олиб қўймоқчи бўлди?”

Кўпчилик одамлар ўзини золим ёки қурбон ролида кўришлари ва атроф оламині довлатли, чекланган муҳит деб қабул қилишлари ҳақида ёзган эдим. Шунинг учун улар яаш учун нимага муҳтоҷ бўлсалар шу нарсани атрофдагилардан тортиб олишга ҳаракат қиласди.

Янаям тушунарли бўлиши учун бир-иккита мисол келтираман:

Бирор менинг жаҳлимни чиқара бошласа унда ў менинг хотиржамлигимни тортиб олмоқчи. Демак унинг ўзига хотиржамлик етишмайди. Унга айнан шу нарсани совға қилишингиз, керак.

**Бошқа бир мисол.**

Сизни рашк қилишапти. Бу ҳолатда нима совға қилиш керак? Рашкчи одам ўз ҳатти-ҳаракати билан муҳаббатни тортиб олмоқчи бўлади. Бу одам уни севишларини доим таъкидлашларига муҳтоҷ. Бу вазиятда у учун совға муҳаббат бўлади.

— Валерий Владимирович, сўрайди мендан семинарим иштирокчиларидан бири, эрим яқинда чет элга ишлагани кетди ва менга ҳар куни кўнгироқ қиласди. Қаерга борганимни, нима қилга-

нимни сүрйөвөради. Ўз шубхалари билан қийнаб юборди. У тинчланиб қунда құнғироқ құлмаслиги учун унга нимә совға қылсам экан? Ҳеч бүлмаса ҳафтада бир марта құнғироқ қылса.

– Гуля, сүрадим мен ундан, унинг құнғироқларидан кейин нимани хис қиласиз?

– Унинг құнғироқлари жақтимни чиқаради. Құнглім бүм-бүш бўлиб қолади. Эримдан ҳам хафа бўламан. Унинг бунчалик рашқчи эканини тасаввур ҳам қилимагандим.

– Бундан чиқди, давом этдим мен, у хотиржамлик ва муҳаббатга муҳтож. Унга ана шу хусусиятларни совға қилинг.

– Унга совға тайёрлаб қўйғанман деди Гуля бироз жим қолгач.  
– Мен унга ҳарам совға қиламан.

Залда кулги кўтарилиди.

– Шахсан менга совғангиз ёқяпти дедим мен, лекин у эригизга ёқармикан?

– Албатта, деди у, ёқсанда қандок. У мусулмон, бунақа совға унга жуда маъкул тушади. Менимча унга айнан керакли нарса шу.

Совға унинг эрига чинданам ёқсанга ўжшайди. Семинарларимиз давомида у бир марта ҳам құнғироқ құлмади. Уч ойдан кейин Гуляни шаҳарда учратиб қолдим. У менга семинарлардан кейин эри тинчланиб қолганини ва ҳозир уларнинг муносабатлари яхши эканигини айтди.

– Доктор, сўради семинар иштирокчиларидан бири, яқинда мен ва оиласмга бир босқинчи таҳдид қилди. Бу вазиятни нима билан яратганимни биламан. Менда пулга нисбатан очкүзлийк ва кўрқув бор эди. Лекин нима совға қилишни билмаяпман. Унга нима совға қылсам экан?

– Хотиржамлик, дадиллик ва эртанги қунга ишончни, жаёвоб бердим мен.

– Наҳотки босқинчи осойишталик ва жасурликка муҳтож бўлса?

— Албатта! — дедим мен. — Айнан у бошқалардан кўра кўпроқ шу хислатларга муҳтож. Ўзини хотиржамроқ ва дадилроқ ҳис қилиш учун ҳам у босқинчи бўлган. У ҳамма нарсани назорат қилмоқчи. Одамларни кўрқитиб, камситса у ўзини кучли ва жасур деб ўйлади. Лекин бу ёлғон, золимнинг ташки ниқоби. Аслида унинг ичида ёшлигидан кўнглининг туб-тубида яшириниб ётган кўркув бор. Айнан шунинг учун у сизнинг хотиржамлигиниз ва дадиллигинизга муҳтож. У одамларни ўзига бўйсундирib уларнинг шу хусусиятларини тортиб олмоқчи бўлади.

— Биласизми, деди у киши, сиз гапириб турганингизда хаёлимда бир образ гавдаланди: “Кўлида чақалоқ кўтарган Мадонна”. Чақалоқ ўша босқинчининг ўзи, фақат болалиги. Энг қизифи, хаёлида расм чизишда давом ётди у, чақалоқ памперс кийган, жилмайиб турибди. Шу билан бирга реклама ролиги кўрсатиляпти: “Мен қўп сут ичсам қўп сияман. Лекин терим қуруқ ва майнлигича қолади”.

Бошқа одам (ёдингизда бўлса у онг остингизнинг қайси) мендан ўзимга ишончи, тортиб олмоқчи бўлса демак унга шу ишонч етишмайди.

Кувонч бўлса – демак у кувончга муҳтож.

Қониқиши бўлса – унга қониқиши зарур.

Ва ҳоказо.

Мендан кўпинча совға қандай кўринишга эга бўлиши керак деб сўрашади.

Совға образи нафақат аксингизнинг эҳтиёжларига, балки сизнинг ижодкорлигиниз ва фантазиянгизга ҳам боғлиқ. Хотиржамлик ва муҳаббат учун қадоқ ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Бу ишни онг остингизга қўйиб беринг. Унда барча кишининг, жумладан аксингизнинг эҳтиёжлари ҳақида ҳам ахборот бор.

Болаларча ўйинқароқлик билан енгил ҳаракат қилинг. Инжилдаги сўзларни эслаб кўринг: “Агар боладай бўлмасангиз жаннатга тушолмайсиз”.

Совға қилиш жараёни – ижодий жараён: Совға образини яратишни ички бир розилик, маъқуллаш ҳолатига етгунча давом эттиринг. Лекин асосийси – сизнинг атроф олам билан акс алоқангиз. Сиз совға образини тўғри шакллантирган бўлсангиз шу заҳотиёқ ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар рўй беради.

*Сеансларимдан биринда бўлган бир воқеани эслайман.*

Қабулимга бир аёл келди. Тўрт яшар қизини кўйиб келгани ҳеч ким бўлмагани учун уни ўзи билан бирга олиб келібди. Мен аёл билан ишлаб турганимда қизча хона бўйлаб бекорчилик қилиб юрди. Қизча иш столимдаги нарсаларни ўрганар, магнитофон тугмачаларини ёқиб ўчирапди. Ойиси уни тартибга чакириб турап лекин бу бир-икки дақиқага етарди холос. Охири аёлнинг жаҳли чиқиб қизига бақира блислади. Бу ахволда ишишнинг иложи йўқ эди.

Мен онг остим даражасида жаҳл борлигини, қизча эса хотиржамлика муҳтож эканлиги шунинг учун уни онасидан, яна мендан тортиб олмоқчи эканлигини тушуниб етдим. Шунинг учун мен унга сабоқ учун хаёлан раҳмат айтдим ва унга гулдор турсик кийган пушти бегемот кўринишидаги осойишталиқни совға қилдим. Онг остимда бу ғалати образ нима учун пайдомбўлганини билмайман. Лекин шундан сўнг қизча ойисининг ёнига ўтириб сеанс охиригача жим ўтиради. У настга тушишга ҳаракат қилиши билан мен унга бегемотни “узатардим”. У яна жойига қайтиб ўтирапди.

Биз сеансни мувваффақиятли якунладик. Қабулимга келганлар кетишига чоғланганда мен қизчадан сўрадим:

– Таня, сенга совғам ёқдими?

Қизча бир муддат ҳайратдан қотиб қолди, кейин жавоб берди:

– Ёқди. У жуда кулгили. Лекин бир нарсани тушунмадим, унга түрсик нимага керак?

Дуо қилиш ва совға бериш тамойили чукур фалсафий мазмунга эга. Бирор нарсани бошқаларга берсангиз ўша нарса сизда кўпаяди. Сиз соғлик, кувонч ва осойишталикнинг чексиз уммонисиз. Мұхаббат, қатъият ва роҳат-фароғатнинг тубсиз конисиз. Қанча кўп берсангиз шунча кўп оласиз.

Исо пайғамбар қандай таълим берганини эсланг: Кимда бор бўлса – унга берилади ва кўпайтирилади, кимда бўлмаса – бори ҳам тортиб олинади.

Шарқда шундай тап бор: Агар қўлингда ҳассанг бўлса мен сенга ҳасса бераман. Ҳассанг бўлмаса – уни сендан олиб қўяманади.

Энг асосий нарсани англаб олинг! Сиз – ўз оламингизнинг хўжайинисиз, сиз – сеҳргарсиз. Сиз ҳамма нарсани қила оласиз. Сизда ҳамма нарса бор. Шунинг учун бировга у муҳтоҷ бўлган нарсани беринг. У ўзига керак нарсани олгандан кейин вазият икки хил йўл билан ривожланиши мумкин.

Биринчиси – у одам сиз билан бирга ўзгаради ва бошқа одамга айланади.

Иккинчиси – бу одам сизни тинч қўйиб ҳаётингиздан кетади ва бошқаларга жой бўшатиб беради.

Ҳаммаси жуда оддий: сиз курбон ёки золим ролини ўйнашни бас қиласиз, дёмак одамларни салбий фикрлар билан "тўйинтириш"ни бас қиласиз. Сиздан умуман бошқача ахборот тарқала бошлайди. Сиз ташқи оламга роҳат-фароғат ва мұхаббат тара tasiz, бу эса сизга ва атроф оламга ижобий таъсир қиласиди.

Яқинларимиз билан ўзаро муносабатларимиздә биринчи йўл кўпроқ тўғри келади. Ахир биз улар ўзгариб биз билан қолишини истаймиз-ку. Бунинг учун биринчи ўринда ўзимиз ўзгаришимиз көрак.

Келинг энди бир машқ бажарамиз. Бу машқ "Образни ўзгартириш" деб айтилади. Академик Иван Петрович Павловнинг номи сизга нимани эслатади? Албатта шартли ва шартсиз рефлексларни. Дарров унинг итлар билан ўтказган машхур тажрибалари эсга тушади. У асаб тизими фаолиятининг асоси шартли ва шартсиз рефлекслар эканини исботлади. Айнан шуларнинг йифиндиси кўп ҳолларда бизнинг ҳаётимизни белгилаб беради.

Биз сиз билан онгли мавжудотмиз ва турли-туман ҳис-туйғулар оламида яшаб уларнинг ҳар бирини ҳис қиласиз ва унга жавоб қайтарамиз. Тирик мавжудот сифатида табиатимиз шунака. Фақат ўликларгина жавоб қайтармайди. Рефлекс бизнинг ташқи объектга реакциямиздир.

Шартсиз рефлекслар туғма бўлади, шартли рефлексларни эса ҳаётимиз давомида орттирамиз. Биз у ёки бу вазиятга муносабат билдиришни ўрганамиз. Бизнинг онг остилизда у ёки бу вазиятдан сўнг ўзига хос бир "из" қолади ва у бизнинг кейинги ҳаётимизга таъсир қиласи. У салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Стресс вазият деб аталадиган ҳолатлар уларга нотўғри муносабат билдиришимиз туфайли салбий из қолдиради.

Масалан қандайдир бир вазият ёки инсон ҳақидаги хотира-ларимиз ичимида қайта-қайта алам ёки миннатдорчилик, нафрат ёки муҳаббат, қайғу ёки шодлик туйғуларини уйғотади. Бундан ташқари айнан битта вазиятга нисбатан ҳар хил одамда ҳар хил туйғу пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолат гап вазиятда эмас, балки унга бўлган муносабатда эканини яна бир бор исботлайди.

Ўз ҳаётий тажрибангизни тўғри ва ижобий ташкил этиш жуда муҳим.

Энди, Психоэнергетик Айкидонинг барча босқичларидан ўтиб совға образини яратгач ҳар сафар ўтмишдаги хотираларни эслаганингизда ана шу образни чақиринг.

## **Машқ**

**1-қадам.** Қайсан тасвир сизде нохуш туғулар уйғотганини айналып ва унны тасаввурингиздә түкленг. Бу бирор одам ёки қандайдыр ёқимсиз вазият булиши мүмкін.

**2-қадам.** Ћөмсиз тасвирни совға образи билан түсинг. Бу ишни төз, бир сөнниядан кам бағт ичидә амалға ошириңг. Тасвирларни алмаштиришінгиз билан ҳаеллік экранни түлиқ тоғалант ёки күзиніңизні очиб бошқа нарасага чалғинг. Сүнг яна ботинингизга қайтиб шұйшни яна ва яна, 4-5 марта тақрорланг. Совға образинің пайдо булишини автоматик даражага күттаринг.

**3-қадам.** Текшириш. Энди ёски, күнглингизни хира қила-дыйган бир воқеаның эслаб хөтирангизни ушлаб туришга уриниб күринг.

Ағар машқ түгри бажарылған бўлса бу ишни қилиш қийин бўлади. Ёқимсиз тасвир ўрнига автоматик тарзда совға образи сакраб чиқаверади.

Бу машқ ёрдамида биз ҳар қандай ёқимсиз шартли рефлексни “магнитсизлантиришимиз” ва унинг асосида янги – фойдалисини яратишими мүмкін. Энди сизнинг онг остиңгиздаги “омбор”да ёски ёқимсиз тасвир ўрнида совға образи ётади ва унга мурожаат қўйлганингизда керакли ресурсларга йўл очилади.

– Валерий Владимирович, сўради мендан анча илгари ичкиликбозликдан даволанган бир беморим, моддий совға бериш ҳам мумкинми?

– Албатта, жавоб бердим мен, баъзи ҳолларда бу яхши сана мара беради.

– Яқинда шундай ҳолат юз берди, даёвом этди у. – Мен бозорда сотувчи бўлиб ишлайман, ёнимда эса бир йигит видео ва аудиокассета сотади. Авваллари биз бирга ичардик. Ҳозир у мени улфат сифатида йўқотди. У бир муддат доимий равишда: Антон,

кел бир стакандан отайлик деб ҳоли жонимга қўймади. Мен унга ичишни ташлаганимни айтиб хаёлан унга маҳсулотлар солинган янги дўконча совға қилдим. Лекин фойдаси бўлмади.

Тунов куни у ёнимга ширақайф бўлиб келиб бирга ичишни таклиф қилди. Мен унга: Сергей, ҳаммаси учун сенга раҳмат. Менга бўлган муносабатингни жуда қадрлайман. Лекин спиртли ичимлик ичиш мен учун зерикарли машғулот бўлиб қолди. Билишимча сен зажигалка йиғишга қизиқсан, шу учун сенга яхши бир зажигалка совға қиласман дедим. Мен унча қиммат бўлмаган лекин кам учрайдиган зажигалка совға қилдим. Шундан бери у мени безовта қилмай қўйди.

Фақат совға беришни эмас, уни олишни ҳам ўрганиш зарур. Баъзилар ўзларини совға олишга арзимайман деб ўйлади ёки совға олгандан кейин уни бир куни қайтариш керак деган фикр билан хоҳламай олади.

Яқинда мен жуда яхши бир танишим билан учрашиб қолдим. У менга раҳмат айтди.

– Қайси хизматларим учун менга раҳмат айтняпсан? – деб сўрадим мен.

– Мен сенинг маслаҳатингдан фойдаландим деди у.

– Қайси маслаҳатимдан? – қизиқиб сўрадим мен.

– Ҳозир айтиб бераман деди у. – Эсингдами, мен сенга ўзим билан бирга ўқиган жуда яхши бир дўстим қалмоқистонлик Вое-ка ҳақида айтиб бергандим. Ҳозир у президент аппаратида юқори мансабни эгаллаб турибди. Яқинда у иш билан Москваға көлди, менга қўнғироқ қилиб мени қиммат тўнгиги клубларнинг бирига тақлиф қилди.

Биз у ерда бир оз ўтиридик, бир оз ичдик. Кейин зерикуб қолдик ва мен уни уйимга тақлиф қилдим. Йўл-йўлакай танишларимиз-никуига кирдик. Умуман, давра хушчақчақ эди.

Эртасига эрталаб, меҳмонлар кетишга чоғланганда Вовка چүнтағимга бир даста пул тиқди.

— Бұу пул сенға, Слава деди у.

— Нимә қиляпсан, йүқ керак эмас. Мен ңул ололмайман дедім мен.

— Слава, деди у, ол. Мен сенға соғға қилмоқчиман.

Шу пайт, деди танишим, сенинг маслаҳатинг әсімга тушди: Соғға олишни бил. Сенға соғға беришяптыми демек сен шунға лойиқсан:

“Яхши, дедім мен Вовкага, мен соғғанғни қабул қиласаман. Раҳмат!” Биласанми, давом этди танишим, бу пул ўшанды менга жуда асқатди, ишларым юришиб кетди. Лекин бир нарсаны тушунмайман, қайси хизматтам учун у пулга әзә-бўлдим?

— Ҳаммаси оддий, дедім мен, сен доим ўртоғиңгга яхши мұнодабатда бўлгансан. Уни янги йил ёки туғилган қуни билан табриклишни унутмагансан. Яъни саломатлик тилагансан. Мейнінг олдимда сенға кўп марта унга барча яхши нарсаларни тиладинг. Энди эса сенинг энергиянг ўзингга пул кўринишида қайтиб қандайдир муаммоларйнгни ҳал қилишга ёрдам берган. Сенинг эзгу фикрларинг моддийлашган. Мен доим сенға мурувватли бўлиш фойдали эканлигини айтганман.

— Ҳозир машҳур бир адвокаттинг ҳаёт тарихи әсімга тушди деди танишим. — Бир вақтлар у бир бадавлат яхудийга судда ишни ютишга ёрдам берган. Яхудий миннатдорчилик белгиси сифатида бош раввинга бутун синагога 50 йил давомида шу адвокаттинг соғлигини тилаб-ҳар қуни дуо қилишини буюрди, ваҳоланки адвокат рус эди. Адвокат 90 ёшгача бардам, бақувват яшади. Ундан бундай соғлом яшашининг сирини сўрашганда: Мен ҳаётим ва соғлигим учун хотиржамман. Ахир мен учун ҳар қуни бутун синагога дуо қилади деб жавоб берган.

Кишиларнинг ҳар қандай хатти-харакати замирида меҳр-муҳаббат, осойишталиқ, қувонч, ўзига ишонч, жасурлик, соғлик

каби юқори қадрланадиган түйғуларга онгости эхтиёж ётади. Инсон ҳатто моддий неъматлар ва пулга интилса ҳам унинг оргида яхши яшаш ва ҳаётдан завқланиш мақсади ётади. Сиз ҳам, қадрли ўқувчи, маънавий юксалишнинг қайси даражасида бўлманг, ўзингизни худди шундай тутасиз. Бу бизларни инсон сифатида бирлаштириб турадиган нарсадир.

Шунинг учун атрофдагилардан хафа бўлиш ёки ғазабланишнинг кераги йўқ. Айборни излашнинг ҳам ҳожати йўқ. Биз адолатли ва қонуний оламда яшаяпмиз ва ҳар ким ўз оламини ўз эътиқоди ва онгости дастурларига мослаб қуради.

“Сехргар” моделини ўзлаштирган кишилар учун соғлик бо бида ҳам, баҳт бо бида ҳам муаммо бўлмайди. Бу одамлар ўз тақдиди, ўз ҳаётининг эгасидир. Улар ҳозирнинг ўзидан умрининг охиригача соғлом ва баҳтли бўлади. Энг муҳими бирор вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда. Ахир ҳар қандай вазиятни уларнинг ўзи яратади.

Стресс вазиятлар инсонга ўрганиш, ривожланиш ва куч йиғиш учун берилади.

Бундан чиқди гап вазиятда ҳам уларга муносабатда ҳам эмас. Балки методологиянинг ўзида яъни биз ҳаётимиз учун харита сифатида ишлатадиган моделда экан.

Психоэнергетик Айкидо айнан янги модел доирасидаги муҳим стратегия бўлиб у сизга муаммоларингизни ҳал қилишга, куч тўплашга ва абадий ҳаётга эришишга ёрдам беради.

### Қисқача хулоса

Психоэнергетик Айкидо – атроф олам билан самарали алоқа қилиш санъатидир. Бу санъатни тўлиқ эгаллаб олиш учун олдин бўлиб ўтган воқеалар ва айни пайтда ҳаётингизда

бўлаётган воқеаларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқишингиз керак холос. Бора-бора бу автоматик жараёнга айланиб қолади ва сиз дунёни янгича қабул қила бошлайсиз, англашнинг янги “Хўжайин (сехргар)” модели шаклланади. Шу билан биргаликда сизда янги имкониятлар очилади.

Энди эса бутун техникани эслаб кўрамиз.

**Биринчи қадам. Жавобгарликни зиммангизга олиш.**

Ҳаётимда содир бўладиган ҳодисаларни мен ўзим мени ўраб турган олам ва Худо билан бирга яратаман. Мен кўраётган, эшитаётган, ҳис қилаётган ҳамма нарса – менинг фикрларим ва ҳис-туйғуларимнинг аксидир. Шунингдек мени ўраб турган кишиларнинг ҳис-туйғу, фикр ва ишончларининг акси.

Азизларим, биз ҳаммамиз кўринмас алоқадорлик ришталари билан боғланганимиз! Бир бутун Коинот организмига, биргаликда Яратишшига боғланганимиз.

Атроф олам фикр, туйғуларимизнинг аксидир. Онг остимизда, қалбимизда мавжуд нарсалар ташқи оламда намоён бўлади. Тасодифий воқеалар бўлмайди. Бу оламда ҳамма нарса қонуний.

Шунинг учун ҳар қандай вазиятни таҳлил қилишда айтиладиган биринчи нарса шундай бўлиши керак:

– Бу менинг оламим, менинг ҳаётим. Ҳаётимдаги барча нарсани мен ўзим яратаман. Ҳаётимдаги ҳар қандай ҳодисани яратиш учун менга ҳамма нарса ва ҳамма одам ёрдам беради. Бу вазиятни ҳам мен бошқа одамлар билан бирга яратдим.

Асосийси – ўз вақтида янги моделга ўтиш.

**Иккинчи қадам. Акс эттириш қонунидан фойдаланиш.**

Ижобий фикрлар ҳаётимизга ёқимли вазиятларни, салбий фикрлар эса касаллик ва азоб-уқубатни олиб киришини биламиш.

Бунинг учун сиз кўриб эшитиб ҳис қилиб турган ҳамма нарса ўзиғизнинг давомингиз эканини тушуниб етищингиз муҳим. Бу сизнинг ички руҳий ҳолатингизнинг аксидир.

Атрофимиздаги олам бизнинг давомимиздир. Яъни бизнинг онг остимиздаги жамики ҳис-туйгулар ташқи экранга чиқади. Бошқача қилиб айтганда ташқи олам ички оламни акс эттиради. Биз онг остимиз, кўнглимида нима бўлса шуни кўрамиз ва эшитамиз. Шунинг учун ҳаётингизда сизга ёқмайдиган, сизни хафа қиласидиган ёки сиз нафраланадиган одам бўлса бу одамни айблашга шошилманг. Ботинигизга назар ташланг. Бу вазиятнинг жавоби ўша ерда яширийган. Ўхшаш ўхшашини тортади! Шундай экан бошқалардаги сизга ёқмайдиган барча хислатлар – ўзингизда бор. (Дарвоқе тескари фикр ҳам тўғри: одамлардаги сизга ёқсан хислатлар ҳам сизда мавжуд.)

Бу менга Инжилдаги бир жумлани эслатади: “Нимага ишонсангиз шуни оласиз”. Буadolatdan эмасми?

Бундан чиқди биз ҳар ким ўз эътиқоди яъни фикрларига яраша топадиганadolatli ва қонуний оламда яшаемиз. Одам нимага ишонса шунга эга бўлади.

Шундай экан ўз онг остингизга берадиган кейинги саволингиз қуидагича бўлади: “Мен нима билан бу вазиятни юзага келтирдим? Қандай фикр, туйгуларим ва ҳатти-ҳаракатим билан яратдим?”

Акс эттириш ва ўхшашлик қонунидан тўла равишда фойдаланинг: ташқи олам ички оламни акс эттиради, ўхшаш ўхшашини тортади.

Олтин қоидани эслаб қолинг: “Атрофимиздаги қишилар кўрсатаётган ёки овоз чиқариб айтиётган нағсаларнинг ҳаммаси – бизнинг онг остимизда бор”.

Атроф олам – ўзимизнинг аксимиз ва давомимиз. Сиз ўзингизни севмасангиз ёки ҳурмат қиласангиз албатта дилозорни жалб этасиз. Сиз жаҳлдор ва дарғазаб бўлсангиз унда кўнгилсизликларга ажабланманг. Агар кайфиятингиз аъло ва фикрларингиз тоза бўлса ҳаётингиздаги вазиятлар ҳам шунга мувофиқ бўлади.

Шунинг учун ҳаётингизда бўладиган ҳар қандай вазиятни шикоят ва аlamсiz, розилик билан қабул қилинг. Ҳаёт йўлинигида учраган ҳар бир киши сизга қандайдир янгилик олиб келади. Эътиборли бўлинг!

### Учинчи қадам. Ижобий ният.

Худо нимаики қилса – яхшилика деган мақол эсингиздами? Ҳар қандай вазият, ҳар қандай ҳодиса остида ижобий ният ётади. Тасодифий воқеалар бўлмайди. Бу дунёда ҳамма нарса қонуний ва адолатли. Бошқача қилиб айтганда бизнинг онгости ақдимиз биз учун ҳаётий муҳим, қандайдир ижобий ниятни рўёбга чиқариш учун воқеа-ҳодисаларни яратади.

Шунинг учун онг остингизга берадиган навбатдаги саволингиз қуидагича бўлиши керак: Менга бу вазият нима учун керак? Бу вазият ёрдамида онг остим қандай ижобий ниятни рўёбга чиқаряпти? Бу вазиятдан мен қандай муҳим сабоқ олишим керак?

Худо, Коинот биз билан турли хил вазиятлар ёрдамида сўзлашади. Ахир ҳаёт шундай вазиятлар мажмуи-ку. Воқеалар ёқимли бўлса демак биз ўзимиз ва атрофдагиларимиз билан тоғув ѿшайпмиз. Воқеалар ёқимсиз бўлса демак биз ривожланышдан, тараққий қилишдан тўхтаб қолганмиз. Ҳар қандай стрессли ҳолат – биз учун бир кўрсатмадир. Ундан нимани ўрганишингиз кераклигини тушуниб етишга ҳаракат қилинг.

Ҳамма нарса биз ҳодисаларга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Агар мен аввал бошиданоқ бу дунёга ҳеч нарса шунчаки содир бўлмаслиги, менинг онг остим Коинот, Худо билан биргаликда менга ўз ҳақиқий йўлимни топишга ёрдам бериш учун вазиятларни яратиши ва менинг ҳаётимга керакли одамларни жалб қилиши, мен эса ўз навбатида атрофимдаги одамларга ёрдам беришимни билсан ҳаёт бутунлай бошқача мазмун касб этади. Келажак олдидаги кўркув йўқолади. Ўзи-

нгизни баҳтсиз қурбон деб ҳис қилишни бас қиласиз. Шунда куч түплашни бошлайсиз.

**Тұрттынчи қадам.** Хулқ-атворнинг янги усулларини яратиш. Хулқ-атворни ўзгартириш нима дегани ва уни қандай амалга ошириш мүмкін? Ўзгариш – хулқ-атвор ва фикрлашнинг янги усулларини яратиш ва уларни ҳаётта татбиқ қилишдір. Ўзига ва ўзгаларға нисбатан янги муносабатни шакллантириш. Стресс ҳолатлар эса айнан нимани ўзгартириш кераклигига ишора қиласи.

Шундай вазиятлар туфайли сиз муттасил ривожланиб, мұкаммаллашиб борасиз. Онгингиз ўзгариб, кенгайиб бораве-ради. Сиз борган сари мослашувчанроқ ва донороқ бўлиб бора-сиз.

**Асосийси** – жавобгарликни зыммамизга олиб бошқаларнинг ўзгаришини кутмасдан, ўзимиз ўзгаришни бошлашимиз көрак.

**Бир олтин қоидани ёдда туting:** вазиятни турли-туман хулқ-атвор усулларига эга бўлган киши бошқаради.

Ўзгаришга тайёр бўлсангиз кейинги қиласидиган ишингиз – онгости ақлингиздан хулқ-атворнинг янги усулларини яра-тишни сўрашдан иборат.

Бу янги усуллар қанақа бўлиши керак?

**Биринчидан** улар эскиларига нисбатан самаралироқ ва ишончлироқ бўлиши керак. Бу ўз-ўзидан аён.

**Иккинчидан** улар тезроқ ишлаб олдингиларидан кўра оддий-роқ ва чиройлироқ бўлиши керак.

Учинчидан энг асосийси янри усуллар зарарли ножӯя оқибат-ларсиз бўлиши керак. Яъни улар сиз ва атрофингиздагилар учун ёқимли бўлиши керак. Ният тозалиги шундан иборат.

Янги усуллар сони чексиз бўлиши мүмкін. Ҳаммаси сизнинг фантазиянгиз ва ижодкорлигингизга боғлиқ. Усул қанча кўп бўлса танлаш имкони ҳам кенг бўлади, сиз ҳам шунчалик мослашувчанроқ бўласиз.

Энди аниқ ҳаракат қилишни бошланг. Фикрларингиз фақат фикр бўлиб қолса бирор нарса ўзгариши амри маҳол. Хулқ-ат-ворнинг янги усулларини ҳаётда, моддий оламда қўллаш зарур. Керакли вақтда ва керакли жойда.

**Бешинчи қадам.** Кечириш ва миннатдорчилик билдириш.

Дилозорни кечиринг, бунинг устига ундан кечирим сўранг ва сабоқ учун унга раҳмат айтинг.

Хафа бўлиб сиз ўзингизни ҳам атроф оламни ҳам вайрон қиласиз. Раҳмат айтиб эса эзгулик бахш этасиз. У албатта сизга яхшилик бўлиб қайтади.

Асосийси самимий бўлиш. Миннатдорчилик билдириш во-кеа-ҳодисага нисбатан муносабатингизни ўзгартирибгина қолмай воқеанинг ўзини ҳам бутунлай ўзгартиради. Ҳаётингиздаги ҳар бир ҳодиса учун миннатдорчилик билдиришни ўргансангиз манманлиқдан бутунлай халос бўласиз. Сиз вазиятни кўйиб юборасиз. Яъни воқеа-ҳодисаларнинг ўзингиз ва атрофдагилар учун яхши, ёқимли сценарий бўйича боришига йўл очиб берасиз.

**Олтинччи қадам.** Дуо қилиш ва совға бериш.

Бу Психоэнергетик Айкидонинг якунловчи босқичи.

Энди, ҳодисанинг барча қатнашчиларига раҳмат айтганингиздан кейин уларни дуо қилинг. Яъни уларга барча яхши тилакларни тиланг. Уларга ўзи муҳтож бўлган нарсани беринг. Ўзига хос совға такдим қилинг.

Лекин одам нимага муҳтожлигини қандай аниқласа бўлади? Унга нима совға қилиш керак?

Бу жуда оддий. Бунинг учун ўзингизга савол беринг: Бу одам нимага кўз тики? Ўз ҳатти-ҳаракати билан мендан нимани тортиб олмоқчи бўляпти?

Кўпчилик одам ўзини золим ёки қурбон ролида кўриши ва атроф оламни адоватли, чекланган муҳит деб қабул қилиши

ҳақида ёзган әдим. Шунинг учун улар яшаш учун нимага мұхтож бўлса шу нарсани атрофдагилардан тортиб олишга ҳаракат қиласди.

Бирор менинг жаҳлимни чиқара бошласа унда у менинг хотиржамлигимни тортиб олмоқчи. Демак унинг ўзига хотиржамлик етишмайди. Унга айнан шу нарсани совға қилишингиз керак.

Менинг аксим мендан ўзимга ишончни тортиб олмоқчи бўлса демак унга шу ишонч етишмайди.

Кувонч бўлса – демак у кувончга мұхтож.

Қониқиш бўлса – унга қониқиш зарур.

Совға образи нафақат аксингизнинг эҳтиёжларига балки сизнинг ижодкорлигингиз ва фантазиянгизга ҳам боғлиқ. Хотиржамлик ва муҳаббат учун қадоқ ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Бу ишни онг остингизга қўйиб беринг. Унда барча кишининг жумладан аксингизнинг эҳтиёжлари ҳақида ҳам ахборот бор.

Совға қилиш жараёни – ижодий жараён. Совға образини яратишни ички бир розилик, маъкуллаш ҳолатига етгунча давом эттиринг. Лекин асосийси – сизнинг атроф олам билан акс алоқангиз. Сиз совға образини тўғри шакллантирган бўлсангиз шу заҳотиёқ ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар рўй беради.

Дуо қилиш ва совға бериш тамойили чуқур фалсафий мазмунга эга. Бирор нарсани бошқаларга берсангиз ўша нарса сизда кўпаяди. Сиз соғлиқ, қувонч ва осойишталиктининг чексиз уммонисиз. Муҳаббат, қатъият ва роҳат-фароғаттинг тубсиз конисиз. Қанча кўп берсангиз шунча кўп оласиз.

“Кимда бор бўлса – унга берилади ва кўпайтирилади, кимда бўлмаса – бори ҳам тортиб олинади”.

“Агар қўлингда ҳасссанг бўлса – мен сенга ҳасса бераман. Ҳасссанг бўлмаса – уни сендан олиб қўяман”.

Энг асосий нарсани англаб олинг! Сиз – сеҳргарсиз. Сиз тангрига ўшнатиб яратилгансиз. Сиз ҳамма нарсани қила оласиз. Сизда ҳамма нарса бор. Шунинг учун бирорга у муҳтож бўлган нарсани беринг. У ўзига керак нарсани олгандан кейин вазият икки ҳйл йўл билан ривожланиши мумкин. Биринчиси – у одам сиз билан бирга ўзгаради ва бошқа одамга айланади. Иккинчиси – бу одам сизни тинч қўйиб ҳаётингиздан кетади ва бошқаларга жой бўшатиб беради. Ҳаммаси жуда оддий: сиз курбон ёки золим ролини ўйнашни бас қиласиз, демак одамларни салбий фикрлар билан “тўйинтириш”ни бас қиласиз. Сиздан бутунлай бошқача ахборот тарқала бошлайди. Сиз ташқи оламга роҳат-фароғат ва муҳаббат таратасиз, бу эса сизга ва атроф оламга ижобий таъсир қилади.

## Стрессдан эмланиш

Мендан ҳаётимиздаги барча вазиятни ўзимиз яратсак кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишимиз мумкини деб тез-тез сўрайдилар.

Нафақат мумкин, балки зарур ҳам. Стресс ҳолатлар яқинлашаётганини олдиндан англаб вазиятни ўзгартиришимиз мумкин.

Мен бунинг учун маҳсус техника ишлаб чиқдим ва уни “Стрессдан эмланиш” деб номладим.

Бу техниканинг маъносини яхшироқ англаб етиш учун келинг тарихга саёҳат ўюштирамиз.

XIX аср охирида тиббиётда эмлаш ихтиро қилинди. Унинг мазмуни нимадан иборат? Одам организмига кучсизлантирилган антиген (касаллик қўзғатувчи) юборилади. Унга жавобан эса организм ўзига хос антителалар ишлаб чиқаради. Шундай қилиб инсон танаси касаллик ҳақида маълумотга эга бўлади. У жуда енгил кечади. Организмда эса ҳимоя шаклланади. Кейинги сафар инсон касаллик қўзғатувчи билан тўқнаш келиб қолганда касаллик пайдо бўлмайди.

Менинг “Стрессдан эмланиш” деган техникам нохуш ҳолатларнинг яқинлашаётганини олдиндан англаб, уни онг ости даражасида ишлаб чиқиб унинг моддий оламда содир бўлишининг олдини олишга имкон беради.

Лекин техниканинг ўзига ўтишдан олдин баъзи бир тушунчаларнинг моҳиятни тушунтириб ўтиш зарур.

## КОИНОТ АЛОМАТЛАРИ

Хозир эса янги моделдан келиб чиқадиган фикрларнинг мантиқий занжирини кузатинг.

Ҳаётимиизда содир бўладиган барча ҳодисаларни биз ўзимиз атроф олам билан биргаликда яратамиз. Бу ҳодисалар бизнинг у ёки бу қарашларимиз ва ҳис-туйғуларимизни акс эттиради чунки ташқи олам бизнинг давомимиздир (акс эттириш қонуни). Ўзимиз ва атроф олам ҳақидаги ижобий фикрларимиз ёқимли вазиятларни юзага келтиради. Салбий фикр ва туйғулар стресс вазиятларни келтириб чиқаради.

Ҳар қандай вазият, ҳар қандай воқеа борлиқнинг барча соҳасида: ошкор (яъни кўриниб турган) ва яширин (кўринмайдиган) соҳада рўй беради. Онг остилиз ташқи муҳит орқали бизни бир қанча вақтдан кейин ошкор соҳада содир бўладиган воқеалардан воқиф қиласида.

Бундан чиқди мен ташқи оламда бахтсизликни кўрсам демак шу бахтсизлик менинг ичимда бор. Шунчаки у ҳали “қўпол” моддий соҳада намоён бўлмаган. У эндигина онг остида (баъзи эзотериклар айтганидек астрал даражасида) туғилиб келяпти. Ташқи олам менга бу ҳақда хабар беряпти.

Сиз бирор кишининг кувонаётганини кўрсангиз демак онг остингизда кувонч мавжуд. Ташқи олам сизни яқинлашиб келаётган кувончдан воқиф қиласида.

Асосийси ташқи олам сизнинг оламингиз эканини англаб етинг. Шунинг учун унда содир бўлаётган ҳамма нарсага эътиборли бўлинг.

Баъзи одамлар бошқаларга: Тупур унга, Эътибор берма деб маслаҳат беради. Китобларимдан бирида булар инсонга бериладиган энг зарарли маслаҳатлар эканлигини ёзганман.

Мен бошқача йўл тутишни тавсия қиласман.

Ҳамма нарсага эътибор беринг! Ҳамма нарсага ишингиз бўлсин. Атроф оламга жуда эътиборли ва сезгир бўлинг. Ахир бу сизнинг оламингиз!

Одамларга ёрдам беришга ҳаракат қилинг. Бошқаларга ёрдам бериб сиз ўзингизга ёрдам берасиз.

Оддий бир ҳақиқатни тушуниб етиш зарур. Атроф олам бизнинг аксимиз демак ҳеч ким бизга ҳеч қандай ёмонлик тиламайди. Аксинча. Бу оламдаги барча нарса: одамлар ҳам, она табиат ҳам мақсадларимизни рӯёбга чиқаришда бизга ёрдам беради. Фақатгина бу ёрдам биз фойдалана-диган моделга мос равишда келади.

Ҳаммаси жуда оддий! Сиз "Курбон – Золим" моделидан фойдаланиб юрган бўлсангиз унда сизни қамчи билан уриб, ҳолва билан сийлаб ўргатадилар. Демак ҳаётингизда рағбат ҳам жазо ҳам бўлади. Бошқача қилиб айтганда сизни Худо жазоламайди, балки сиз ўзингиз Яратувчи томонидан берилган Коинот энергиясидан фойдаланган ҳолда атрофдагиларнинг хатти-ҳаракати орқали ўзингизни жазолайсиз.

Агар сиз хўжайин ёки сеҳргар позициясида қатъий турсангиз ҳаётингиз фақатгина баҳт-саодат ва ўз ижодий фаолиятингиздан оладиган қувончдан иборат бўлади.

Яна аломатларга қайтамиз.

Онг остимиз у ёки бу воқеанинг рўй бериши ҳақида бизни олдиндан огоҳлантиради.

Бу худди сиз автомобилда кетаётганингизга ўхшайди. Йўл четидаги белгилар сизни яқинлашиб келаётган хафв-хатар, хизматлар ёки энг кулай йўналиш ҳақида огоҳлантириб туради. Улар шундай деб номланади ҳам: огоҳлантирувчи, таъқиқловчи, ахборот берувчи-ишора қилувчи ва хизмат кўрсатиш белгилари. Йўл ҳаракат қоидаларига амал қилинса йўлда ҳаракатланиш тинч ва бехавотир бўлади.

Биз ўз ҳаёт йўлимиизда худди шундай белгиларни учратамиз, фақат уларнинг кўриниши бошқача.

Биз ҳаёт йўлимиизни хушу хурсандчиликда босиб ўтишни истасак муайян қонун-қоидаларга амал қилибгина қолмай, балки Коинот аломатларига ҳам ўз вақтида эътибор беришимиз керак.

Барча аломатларни шартли равишда икки катта гурӯҳга бўлишимиз мумкин.

**Биринчи гурӯҳ**. Бу тутувлик ва уйғунлик аломатлари.

Улар менинг ўзим ва атроф олам билан ҳамжиҳатликда яшаётганимдан дарак бериб туради. Яъни мен тўғри йўлдаман. Барча ишларимда менга омад ва муваффақият ҳамроҳлик қиляпти. Бундай кишиларни одатда “Омадли” ёки “Унинг омади чопгѓан” дейишади.

Бундай сигналларга сизга ёқадиган ҳамда сизга ишонч ва қоникиш ҳиссини берадиган барча нарса киради.

Бу сизга айтилган шунчаки оддий бир яхши сўз бўлиши мумкин.

Ёки сиз мұхим бир учрашувга кетаётиб тўй машинасини учратдингиз. Шу куни яхши шартномани кўлга қирийтдингиз.

Ёки бўлмаса сизнинг ҳамкасбингиз юқори лавозимга кўтарилиб маоши ошди. Сиз учун эса бу ўз моддий аҳволингизнинг яхшиланиши ҳақидә яхши бир ишорадир.

Ёки кўшнингиз янги машина сотиб олди. Балки ҳасад қилиш керакдир. Ахир баъзилар бошқаларнинг муваффақиятига айнан шундай муносабат билдиради ва шу билан ўзини вайрон қиласди, ич-этини ейди.

Бироқ атрофдагиларнинг омади сизнинг омадингизга ишорадир. Яхшиси ҳасад қилмасдан улар билан бирга хурсанд бўлинг. Айнан шу йўл билан сиз тезроқ омадга эришасиз.

Сизга шундай ишоралар дуч келаётган бўлса демак қалбинизда уйғунлик бор. Ҳаммаси рисоладагидек кетяпти.

1 январ куни мен оилам билан шаҳар айлангани чиқдим. Мен ҳар доим одамларнинг янги йилни нишонлагандан кейинги юз ифодасини кузатишга қизиқаман. Айримларнинг юзида – қувонч, бошқаларнинг юзида – чарчоқ, бошқа бирорларда эса – умид.

Кутимагандар рўпарамиздан икки йигит чиқиб қолди:

- Янги йилингиз билан! – деди улар қичқириб.
- Янги йил билан, хотиржам жавоб бердик биз.

– Илоҳим бу йилда устингизга доллар ёмғири ёғсин деб тилак билдириди у йигитлар. Биз уларга раҳмат айтиб уларнинг ортидан барча яхшиликларни тилаб қолдик.

– Ахир бу белги-ку деди хотиним йигитлар ўзоклашганидан кейин.

– Белги бўлганда ҳам яхши белги, тасдиқладим мен.

Менинг ўрта ёшлиардаги бир аёл мижозим турмушга чиқиб мустаҳкам ва тотув оила қуришини орзу қиларди. Қабулимга иккинчи китобим "Ниятнинг кучи"ни ўқигач келибди. У мендан орзусини рўёбга чиқаришга ёрдам беришимни сўради.

Биз у билан ниятни тўғри туздик ва онг ости дараражасидаги тўсиқлар билан ишладик.

Бир йилдан кейин тасодифан учрашиб қолдик.

– Василий Владимирович, деди у, мен сиздан жуда миннатдорман! Мен жуда яхши инсонни учратдим ва турмуш курганимизга яқинда бир ой тўлади.

– Жуда хурсандман! Нега мени тўйингизга таклиф қўлмадингиз? – дедим мен ўзимни хафа бўлганликка солиб.

– Вой, Валерий Владимирович, хафа бўлманг. Ҳаммаси шундай тез ва кутимагандар бўлди. Биласизми, қўшиб қўйди у, сиз билан ўтказган сеансимиздан бир ҳафта ўтгач эрим билан танишишимдан анча олдин менга ишора бўлган эди. Мен ўртоқларим билан черковга шам ёққани келгандим. Дугонам эри билан машина ёнида ушланиб қолди мен уларнинг ҳайдовчиси билан руҳоний отанинг ёнига бир нарсани билиб олгани бордим.

Сизлар никоҳдан ўтмоқчимисизлар сўради у бизлардан.

*Никоҳ? – ҳайрон бўлдим мен. – Балки. Аммо бугун ва бу киши билан эмас. Унинг оиласи бор. Бугун бошқа бир масалада олдингизга келдик.*

*– Ўшандәёқ мен руҳоний ота менинг қиёфамда келинни кўрганини демак тўй ҳам яқин эканини англаб етдим.*

**Иккинчи гуруҳ. Хавф-хатардан огоҳлантирувчи аломатлар.**

Бундай аломатлар менга ўз йўлимдан адашганимдан дарак беради. Менда ноxуш воқеаларга сабаб бўладиган салбий фикр ва туйғулар намоён бўла бошлайди. Ташқи олам ички оламни аксәттиради. Бу ҳақда онгости ақлимиз бизни ташқи оламдаги воқеалар орқали огоҳлантиришга ҳаракат қиласди.

Ҳаётимиздаги ҳар қандай муаммо – биз ривожланишдан тўхтаб қолганимиздан даракдир. Демак бирор яхши нарсани ўрганиш, англаш ва олдинга ҳаракат қилиш вақти келди.

*– Доктор, сўради мендан бир мижозим, менга бир нарсани тушунтириб берсангиз илтимос, ёшлигимда ўзимга ишончим баланд эди, кўнглим тинч эди? Ҳар қандай муаммони ҳал қила олишимни билардим. Мен учун барча эшиклар очиқ эди. Аммо фарзандим оғир бетоб бўлиб қолганидан кейин бу ишонч ва хотиржамлик ҳисси қаёққадир йўқолди. Ҳозир бу нарса камданкам ва ўта қисқа муддатда бўлади.*

*– Гап шуңдаки, тушунтиридим мен, болангизнинг касаллиги сиз учун жуда мўжим синон бўлган. Сиз ўзгариб кўп нарсани ўрганишингиз керак эди. Агар сиз шу муаммонинг ҳам уддасидан чиққанингизда ўзингизга ишонч яна ҳам ошарди.*

Инсон бутун умр ўрганиши керак.

Болалигида у юришни, гапиришни ўрганади. Макон ва вақтни ўзлаштиради. Улғайган сари ҳаёт қонунларини чуқурроқ эгаллай бошлайди.

Бу жараён чексиз. Чунки ҳаётнинг ўзи ниҳоясиз. У абадий.

Бутун ҳаётимиз давомида биз Коинотдан тинимсиз күмак олиб турамиз.

Баъзи вазиятларда у бизга: Эҳтиёт бўл! дейди. Бошқа пайтларда тўғри йўналишни кўрсатади: Асосийси эътиборли бўлиш ва сигналларга ўз вақтида жавоб ҳаракатини қилиш.

Сигналларнинг иккинчи гуруҳи ўз хулқ-атворимизни ўзгартириш ва онгимиз чегараларини кенгайтириш вақти келгани ҳақида огоҳлантиради.

Мен бу турдаги сигналларни дарснинг бошланишидан дарак берадиган кўнғироқ сифатида қабул қиласман.

– Валерий Владимирович, сўради мендан бир беморим, менга бир масалада ойдинлик киритишга ёрдам беринг. Кеча телевизордан янгиликларни томоша қилаётган эдим. У ерда Югославия ҳақида, НАТО қўшинлари Косовада тинчлик кучлари жойлашган ҳарбий база қуришгани ҳақида лавҳа кўрсатилаётган эди. Негадир кўнглимда безоветалик уйғонди. Мен ўзимга ва оиласмага нисбатан хавфни ҳис қилдим. Ахир улар масалан Кримда ҳам қандайдир низони ўйлаб чиқариб ўз қўшинларини олиб киришлари мумкин-ку. Демак бу вазият мен учун қандайдир бир узоқ ишора экан-да.

– Худди шундай, гапига қўшилдим мен. – Келинг ҳозир бирга таҳлил қиласмиш. Сиз бу ҳодисадан қаттиқ таъсирланганнингизга қараганда кимдир сизнинг ҳудудингизга тажовуз қиляпти:

– Мен жуда қаттиқ таъсирландим. Ҳатто эримга ҳам бу ҳақда айтиб бердим. Одатда мен унга сиёсатдан гапирмасликка ҳаракат қиласман чунки у сиёсатга мукласидан кетган. Қизиқ, деди у мулоҳаза қилиб. – Ким менинг ҳудудимга даҳл қилиши мумкин, яна яхши мақсадда?

Валентина Андреевна бир неча дақиқа чукур ўйга ботиб турди, сўнг унинг юз ифодаси ўзгарди-да қичқириб юборди:

– Доктор, мен тушундим! Бу ҳақиқатдан ҳам мен учун ишора экан. Мен эрим билан уч хонали уйда тураман, ўғлим эса оиласи билан икки хонали квартирада яшайди. Мана уч ойдирки мен

Ўғлимга оиласи билан бизнинг квартирамизга ўтишларини, биз эса уларнинг ўрнига икки хоналига кўчиб ўтишишимизни таклиф қилиш фикри билан юргандим. Мен бу ҳақда эримга ҳам айтмоқчи бўлиб турувдим. Мана кечада Косово ҳақидаги лавҳани қўриб кўнглим бузилиб кетди. Нимагалигини энди тушуниб етдим. Бизнинг квартирамиз яхши, жуда ёруғ ва қуёш нури кўп тушади. Биз у ерда 30 йилдан буён яшаймиз. У ерга жудаям кўнишиб қолганмиз! Ўғлимнинг квартирасида қуёш нури деярли бўлмайди. У ерда ўзимни ноxуш ҳис қилардим.

– Нияtingиз яхши, дедим мен, лекин сиз ўз фароғатингиз, эҳтимол соғлигингизни қурбон қилишингизга тўғри келар экан. Шу учун онг остингиз безовталаниб сизга хавф ҳақида ишора берган.

– Энди нима қилсам экан? – сўради Валентина Андреевна.

– Биринчидан, дедим мен жилмайиб, онг остингизга ва Америка тинчлик кучларига берган ишоралари учун миннатдорчилик билдириш керак.

Иккинчидан, давом этдим мен, фарзандингизга ёрдам бериш учун ўзингизни қурбон қилиш шарт эмас. Бундай қурбонликдан ҳеч кимга наф тегмайди. Сиз қийналасиз, улар эса ўзларини айбдор ҳис қилади. Яхиси бошқа бир йўл топиш керак. Улар квартирани озгина пул қўшиб уч хонали квартирага алмаштиришлар йўлжин-ку. Шу билан уларда ҳаракат қилшиш учун омил пайдо бўлади.

– Доктор, сиз ҳақсиз. Бу уларнинг қўлидан келади деб ҳисоблайман. Яна биз пул билан ёрдам беришимиз мумкин. Биласизми сиз билан сўхбатлашиб енгил тордим. Сизсиз бу ишорани англаб етса олармидим?

– Ҳечқиси йўқ – дедим мен – аста-секин тўрли ишораларга жавоб қайтаришни ўрганиб оласиз. Факат озгина эътиборлироқ бўлинг.

Барча аломатларни уч кичик гурухга ажратиш мумкин.

**Биринчи кичик гурух.** Бу шахсий сигналлар. Яъни бизнинг миямиз ва танамиз етказадиган сигналлар. Масалан касаллик – менинг танамдан келаётган сигнал бўлиб у менга ниманидир нотўғри қилаётганимни билдиради (бу ҳақда тўлиқроқ “Дардингни сеъ” деб номланган биринчи китобимдан ўқиб олсангиз бўлади.)

Бошқа мисол сифатида ўз фикрларимизни олишимиз мумкин. Бу фикрлар баъзи бирорларнинг миясига чукур ўрнашиб қолади. Шу йўл билан онг остимиз ва миямиз қатъий туриб бизга сигнал-ишора беради. Бундай фикрларга қандай муносабат билдириш ҳақидаги сұхбатимизни кейинроқ давом эттирамиз.

**Иккинчи кичик гурух.** Бу бизга яқин белги ва сигналлар. Бу ишораларни бизга яқин бўлган кишилар беради: ота-онамиз, фарзандларимиз, қариндошларимиз ва дўстларимиз. Бу кичик гурухга бизнинг мулкимиз ҳам киради: уй ҳайвонлари, шахсий буюмларимиз, уй, машина ва х.к.

**Учинчи кичик гурух** – узоқ белги ва сигналлар. Бу сигналларни биз бевосита алоқада бўлмайдиган кишилардан оламиз.

Масалан, сиз омонат кассасига коммунал тўловларни амалга ошириш учун навбатда турибсиз. Тўсатдан сиздан олдинда турган киши ёнидаги бошқа бир кишига сўзлай кетади:

- Буни қарà, кеча ўғлимнинг нарсаларини ўғрилаб кетишибди.
- Буни ҳайрон бўларли жойи йўқ, гапга қўшилади учинчи киши, атроф тўла ўғри-ку!

Бир қараашда бунинг сизга алоқаси йўқдай туюлади. Ахир сизнинг нарсангизни ўғрилашгани йўқ-ку. Лекин чукур онгости даражасида биз ҳаммамиз бир бутунмиз. Шу одамлар орқали Худо бизга биз ўзимизнинг қандайдир хатти-харакатимиз ёки фикрларимиз билан ҳаётимизга ўғриларни жалб қилишимизга ишора қиласпти ва ўзгаришимиз кераклиги ҳақида огоҳлан-

тиряпти. Шұнға үхшаш воқеа сизнинг бошингизга тушишини қуттандан күра, үз вактида шу узоқ огохлантиришга тұғри мұносабат билдирганингиз маъкул.

Одатда Коинот бизни узоқдан огохлантиришни бошлайды. Бошида бизга узоқдан сигнал берилади. Югославия ҳақида лав-ха күрган аёл воқеаси каби. Агар биз сигналларга эътибор бермай үтказиб юборсак улар бизга янаям яқынлашиб қолади. Энди бизға яқын бұлган кишилар сигнал беришни бошлайды. Шу сафар ҳам бошқаларнинг дардига бефарқ бўлсак унда ўзимиз азият чекамиз.

Сизга янаям тушунарлироқ бўлиши учун яна бир неча мисол келтираман.

*Бир куни менга Гречиядан қўнғироқ бўлди. Қочоқ сифатида Тошкентда ящаган ва ўн йил олдин Салоникига қайтиб келган бир грек аёли қўнғироқ қилди.*

— Валерий, деди у менга, мен ва ҳали рус тилинүйнүтмаган барча танишларим сизнинг китобингизга қойил қолдик. Гречияга келиб бу ёрда семинар-тренинг үтказолмайсизми? Қанча одам керак бўлса шунча тўплайман. Сиз билан шахсан учрашиши хоҳловчилар жуда кўп. Келсангиз меникида яшайсиз.

Мен мамнунлик билан рози бўлдим.

Бир ой ичида мен чет элга чиқиши учун паспорт тайёрладим ва Гречияга бориши учун виза расмийлаштиришни бошладим. Шунуктадан муаммолар бошланди. Гречия элчихонасида менга виза беришдан бош тортишди.

Бундан мен заррача хафа бўлмадим. Мен элчини руслар, украинлар ва молдаванларнинг Гречияга чиқишини чеклаб қўйгани учун айбламадим. Бунинг ўзига яраша сабаблари бўлиши керак.

Бу тўсіқларни қандай қилиб яратганимни ўз-ўзимдан аник-лаб олишга қарор қилдим.

Яқиндагина огохлантирувчи сигналлар бўлувди. Лекин мен уларга эътибор бермадим.

Элчихонига боришидан олдин менга акам құнғироқ қилди. Мен унга мени семинар үткәзиси учун Грециягә тақлиф қилишганини айтдым.

– Рождествогача у ерда қиласынан ишинг шүкіреде деди у. У ерга 15-январдан кейин бор.

Худди шу куни қандайдыр фильм томоша қилдым. Телевизорни филмнинг бош қархамони "Чет элга сафар қолдирилади" деб турған жерде ёқдим.

Мен онг остимга мурожаат қилдым.

Шошилма, ҳовлиқма деган жавобни олдым. – Бу ерда ҳали қиласынан ишинг күп. Навбатдаги китобингни нашрға тайёрлашинг керак, кассетага ёзишинг керак ва уйда баъзи ишларни қилиши керак. Греция күтиб туради.

Мен тинчланиб ўз ишларим билан машғул бўлдим.

Бир қанча вақтдан кейин кўнглимни кўтарувчи сигнал олдим.

Босмахонадан чиқсам рўпарамдан бир йигит келяпти, кийимида эса "Эллада" (яъни Греция) деб ёзилган ёзув.

Греция менга пешвоз чиқяпти деб ўйладим мен ва у билан саломлашдим.

Икки ҳафтадан кейин визани қўлга киритдим.

Бошқа бир мисол.

Машинамда шаҳар бўйлаб кетяпман, олдимда эса охирги моделдаги Опел автомобили. Унинг орқа ойнасида: Соликлардан қийналиб кетдим деган ёзув бор эди.

Ўзимча: "Бошқарувда Шумахер", "Тормозни қўрқоклар ўйлаб топган" деган ёзувларни учратганман-у бунақасини ҳеч кўрмаган эканман деб ўйладим.

Шу пайтда хаёлимга бир фикр келди: Ахир бугун солик инспекциясига декларация топширишнинг охирги куни-ку. Менинг эса хаёлимдан кўтарилибди.

Ҳайдовчига эслатиб қўйгани учун миннатдорчиллик билдириб машинамни солик инспекцияси томонга бурдим.

Мана бу эса бир аёл мижозим сўзлаб берган воқеа.

– Бир куни троллейбусда кетаётгандим. Одам кўп. Умумий вазият асабий. Тушадиган бекатимга яқин қолған лекин эшик томонга ўтишининг иложи йўқ. Мана эшиклар очилди лекин чиқа олмаяпман, эшик ёнида катта сумкаси билан бир киши турибди. Мен уни жаҳл билан бир томонга итардим. У эса менинг елкамдан қаттиқ туртиб бақирди! Қаерга суқиляпсан аҳмоқ!

Хафа бўлганимдан ииғлаб юборай дедим.

Эҳ, сен хўкиз! – кўнглимдан ўтказдим мен. – Аёл кишига шунақа муомала қўлганингдан кейин сен қанақа эркаксан". Юриб кетган троллейбуснинг орқасидан кузата туриб сизнинг гапларингизни эсладим: Ҳаётимиздаги барча ҳодисаларни биз ўзимиз яратамиз.

Бу кўнгилсизликни нима билан яратдим деб ўз-ўзимга савол бердим:

Шунда бирдан тушуниб етдим. Мен эрим билан анчадан буён жанжаллашиб юраман ва биз бир ҳафтадан буён гаплашмаймиз. Мен ҳатто ажрашиш ҳақида ҳам ўйлаётган эдим. Троллейбусдаги бу воқеа эса мен учун ишора бўлди. Демак вазиятни яхши ўйл билан ҳал қилишим керак. Бўлмаса орқадан зарба оламан.

Яна бир мисол.

– Валера, деди менга хотиним, менга бир масалага ойдинлик киритишга ёрдам берсанг. Бугун бозорда тасодиғдан нохуш сүхбатнинг гувоҳи бўлдим. Бир аёл бошқасига яқинда онаси оламдан ўтиб яккаланиб қолгани ва жуда қийналаётганидан нолиб туради. Наҳотки бу мен учун ҳам ишора бўлса, наҳотки ойимга бир нарса бўлса? Кўнглим алланечук бўляпти.

– Людочка, дедим мен унга, мен билан ҳам худди шундай воқеа юз берганди. Бир кунда мен бирданига иккита белги олганман. Биринчи ишора – хўжалик моллари дўйонига киришим керак эди, адашиб бошиқа эшикка кириб кетибман. У ер эса аза маросимла-

рини ўтказадиган салон экан. Тасаввур қиляпсаныңи, кирибок тобутта дуч келдим.

Айнан шу куни аза маросими ўтказилаётганига дуч келдим. Буниси энді ошиб тушди күнглімдан ўтказдым мен. "Кім ўл мөкчі бўляпти?" деб сўрадим мен онг остимдаң, Кўз олдимда онам гавдаланди. Ота-онам ёнига ошиқдим. Бордим. Ҳаммаси жойида, улар соғ-омон. Фақат онам ёнимга қелиб сўраяпти:

– Валера, ҳозир вақтинг бўлса мен билан ишла. Нимагадир охирги икки кун ичидаги ўзимни ёмон ҳис қиляпман. Юрагим жуда оғрияпти.

Биз унинг онг остига мурожсаат қилиб ўзини ёмон ҳис қилич сабабини аниқладик. Бу ўлимдан қўрқиш экан.

– Биласанми, деди у, мени бир ҳафтадан буён ўлим ҳақидаги фикрлар тинч қўймаяпти. Нимага – тушунмайман.

Биз яна бир соат давомидә онг ости билан ишлаб қўркув сабабларини бартараф қилдик. Сеанс охирда онам ўзини анча яхши ҳис қилди. Кейинги кун эса оғриклар бутунлай ўтиб кетди.

– Балки, тушунтиридим мен Людмилага, сенинг онангда ўлим билан боғлиқ бўлган салбий онгости программалари ишлаб кетгандир. Коинот ўша икки аёл орқали сенга ишора бераётгандир.

– Қандай қилиб унга ёрдам берсам экан сўради хавотирланиб хотиним. – Уузоқда яшаса.

– Бу муҳим эмас дедим мен. – Масофа ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ахир онгости ақл учун ҳеч қандай чегара йўқ-ку. Биз ҳозир сен билан ишлаймиз, ўзгаришлар эса онангда ҳам рўй беради. Сен орқали биз унинг салбий программаларини зарарсизлантирамиз.

Орадан бир оз вақт ўтиб Людмила билан сабабларини аниқлаб улар билан онг ости даражасида ишлаб чиққанимиздан кейин у менга деди:

– Биласанми, мен ўзимни жуда хотиржам ҳис қиляпман. Ҳатто келажак ҳақидаги ёруғ тасаввурлар ҳам бўлди. Лекин мен учун яна бир муҳим нарса: бегона сұхбатларга қандай муноса-

бат билдириш кераклигини тушундим. Ёшлигимда онам мени Ҳеч қачон бегоналарнинг гапига аралашма деб ўргатган. Лекин энди бу маслаҳат нотўғри эканлигини англаб етдим. Бундан чиқди сен сенни қуршаб турган оламдан узоқлашиб кетасан ва одамларнинг гапи ва хатти-ҳаракатига эътибор бермай қўясан. Ўз қобигингга ўралиб қоласан. Лекин юракка яқин олиш ҳам керак эмас экан.

— Тўғри, унинг фикрига қўшилдим мен. — Акс ҳолди бегона кишиларнинг ҳаёт сценарийсига ўралашиб қолиб уларнинг ҳаёти билан яшай бошлайсан.

— Тушундим, давом этди Людмила, кишиларнинг гаплари ва хатти-ҳаракатига жуда ҳам эътиборли бўлиш керак. Бу сен учун бир ишора бўларкан. Ўз ҳақингда ҳам қўп нарсани билиб олар экансан. Албатта муносабат билдириш керак экан. Аммо муносабат ижобий тарзда бўлиши керак экан. Ўзинг ўзгарсанг — ўзингга ва бошқаларга ёрдам берар экансан.

Бу турли-туман ишоралардан адашиб кетмасмиканмиз деб ўйлашингиз мумкин.

Асосийси — ёпишиб олмаслик керак! Агар менга бирор нарса тушунарсиз бўлса мен Коинотдан ва ўз онг остимдан аниқ, равшан ишора беришини сўрайман.

Бир ошнам бор, мен унга ишораларни қандай қилиб тўғри ўқиши кераклигини ўргатганман, у менга қўйидаги воқеани сўзлаб берди:

— Яқинда мен автобус билан Богчасаройга бордим. Йўлда шундай ҳодиса рўй берди. Бекатларнинг бирида контролёр кириб билетларни текшира бошлади. Чамаси мен тенги бир йигитнинг вазирлик томонидан берилган гувоҳномаси бор экан. Лекин назоратчи унинг гувоҳномаси автобусда бепул юриш ҳукуқини бермаслигини ва йўл кира ҳақини тўлаб қўйишни айтди. Баҳс-мунозара бошланиб кетди. Кимдир йигит томон бўлди, кимдир унга қарши. Назоратчи унга ҳақлигини исботлайдиган

барча ҳужжатни күрсатар, ииғит эса қайсаrlык қилиб күнмасди.

Бирдан миямга ялт этиб бир фикр келди! Ахир ҳаётимиздаги барча вазиятни ўзимиз яратамиз. Бу ҳодиса мен учунлигини аңглаб етдим. Мен бу вазиятдан нимадир тушуниб олишим керак эди. Автобус түхтаб турган, ҳамма бир-бири билан баҳлашиб турган бир пайтда сен менга ўргатганингдек ичимга мурожсаат қилдим. Онг остиимга шундай савол бердим: Қандай қилиб мен бу вазиятни юзага келтирдим? Бу ҳодисадан нимани аңглаб олишим керак?

Аммо ичимда – жимлик. Балки шовқин-сурон сабаб фикримни жамлай олмагандирман. Шунда мен онг остиимдан сүрадим: Сен менга қандайдир маълумот, қандайдир сигнал беряпсан лекин мен уни аңглаб ололмаяпман. Менга янаям тушунарлироқ сигнал берсанг, илтимос.

Сүнг биз йўяда давом этдик. Лекин саргузаштларим шу билан тугамади. Шу куни онг остиим менга қандайдир мухим нарсани етказмоқчи эди. Қайтиб келаётганимизда автобусни ГАИ ходими түхтатди ва ҳайдовчининг ҳужжатларини текшира бошлади. Баъзи бир ҳужжатлари жойида бўлмагани сабаб ҳайдовчи жарима тўлашига тўғри келди.

Мен ўша саволлар билан яна ботинимга мурожсаат қилдим.

Ҳужжатларинг жойида эмас – тўла деган жавоб олдим. Шунда мен тушуниб етдим. Икки кун олдин мен ҳужжатларим борасида қаттиқ безовта бўлган ва солиқ инспекцияси келишидан кўрқкан эдим. Сигнал ҳам айнан шунга ишора қилди.

Шу куни уйга келибоқ мен ҳужжатларимни тартибга келтирдим ва тинчланиб олдим.

Вақт ўтиши билан сизнинг сезирлигингиз ва зийраклигингиз ўткирлашади ва сиз воқеалар ривожини тезда йўлга кола олишингиз мумкин бўлади.

Умуман, яхши ва ёқимли ишораларга кўпроқ эътибор беришга ҳаракат қилинг. Атрофимиизда бундай ишоралар жуда

кўп. Куёш, ёмғир, гуллар, чиройли чехралар ва бошқа кўп нарсаларга эътибор беринг. Булар ҳаммаси мадад ва тотувлик сигналидир. Буларнинг ҳаммаси сизнинг ичингиизда мавжуд.

Мабодо йўлингизда хавф-хатар сигнали учраса кўрқманг. Сиз сеҳргарсиз, ўз оламингизнинг хўжайинисиз. Сиз ҳамма нарсани ўзгартира оласиз. Асосийси – эътиборли бўлиш ва тез ҳаракат қилиш керак.

Ишораларга тўғри муносабат билдириб сиз хатти-ҳаракатигизни тўғрилаб өлишингиз ва воқеалар ривожини барча қатнашчилар учун яхши бўлган томонга ўзгартиришингиз мумкин.

Бундан чиқди сиз нафақат ёқимсиз воқеаларнинг моддий соҳада ривожланиб кетишининг олдини оласиз балки ўз ҳётингиз сценарийсини ўзгартирган бўласиз. Нафақат ўзингизнинг балки бошқаларнинг ҳам. Сизнинг ижобий муносабатингиз сизга ишора кўрсатган одамга ҳам муайян бир таъсир кўрсатади. Эсингизда бўлса биз бир-биримизга кўринмас иплар билан боғланганимиз.

Келинг энди машқ қиласиз. Ҳётингиздан исталган бир ходисани олиб “эмлаш” ўтказинг. Бу алгоритмни мустақил равишда ёки бизнинг семинар-тренингларимида ўзлаштириб өлишингиз мумкин.

## ЭМЛАНИШ АЛГОРИТМИ

**1-қадам.** Қандай турдаги ишорани олганингизни аниклаб олинг (шахсий, яқын ёки узок). Коинот сизни нимадан огохлантияпти?

**2-қадам.** Оңг остиңгизнинг ишора берәеттган қисми билан алоқа ўрнатинг.

**3-қадам.** Келажакда ҳәётингизда нима билан шундай вазиятни юзага келтиришингиз мумкинлигини аниклаб олинг. Ўзингизга савол беринг: Ҳозир менда келажакда нохуш вазиятни юзага келтириши мумкин бўлган қандай фикр ва хатти-ҳаракат бор?

Бу айнан ўзгартирилиши керак бўлган ўша фикр ва хулқатвордир:

**4-қадам.** Юз бериш эҳтимоли бўлган стресс вазиятнинг ижобий ниятини аникланг. Ўзингизга савол беринг: Бу вазиятдан қандай муҳим бир нарсани англаб олишим керак? Ҳәётимда шунга ўхшаш воқеа юз берса у менга қандай фойдали нарсани ўргатади? Бошқача қилиб айтганда сизнинг ҳәётингизда шу ҳодиса юз берса унинг қандай ижобий нияти бўлади?

**5-қадам.** Ўз хатти-ҳаракатингиз ва фикрларингизни ўзгартиринг. Хулқатворнинг янги, эскисига нисбатан самаралироқ ва ишончлироқ, сиз ва атрофдагилар учун фойдали усуllibарни яратинг. Уларни ҳәётингизда керакли вақтда ва керакли жойда қўллашга тайёр бўлинг. Бунинг учун онг ости ақлингизнинг заҳираларидан фойдаланинг.

**6-қадам.** Ишора учун барчага (онг остиңгиз, одамлар ва табиатга) миннатдорчилик билдиринг ва уларни дуо қилинг.

**7-қадам.** Ҳодиса қатнашчиларига уларга керакли бўлган нарсани беринг. Уларга совға қилинг.

## Доктор Синелниковдан ҳаққоний ҳикоялар

Энди мен сизга бир нечта ҳикоя сўзлаб бермоқчиман. Улар хулқ-авторнинг янги стратегияларини тўла эгаллаб олиши-нгизга ёрдам беради.

### МЕНИНГ БИРИНЧИ СОҒФАМ

Бу воқеа кўп йиллар олдин юз берганди лекин мен уни жуда яхши эслаб қолганман чунки ҳамма нарса шундан бошланган.

Мен хотиним билан май ойида Ялта шаҳрида ўтказилаётган психотерапевтик конференцияда қатнашаётган эдик. Эрталаб машғулотлар бошлангунга қадар кўп бўш вақтимиз бўлгани учун биз денгиз бўйига бордик. Биз у ерда жисмоний машқлар баҳардик, чўмилдик ва қуёшда тобландик. Май ойининг боши бўлишига қарамасдан ҳаво жуда ажойиб эди.

Бир куни биз денгиз, қуёш ва ёлғизликдан баҳра олаётган эдик. Шу атрофда бир йигит кўринди. У ёнимиздан ўтиб кетаётган эди лекин биз томонга назар ташлаб тўхтади ва ўзини биздан унча узоқ бўлмаган яхтага қизиққан қилиб кўрсатди.

Мен ўзимни нокулай ҳис қилдим. Хотинимният ҳам норозилиги сезилиб туради.

– У нега кетмаяпти? – деб сўради мендан хотиним.

– Менимча, унга бу яхта ёқиб қолган деб жавоб бердим мен.

Йигит эса кетишни хаёлига ҳам келтирмасди. Бу ҳам етмайдай у тумбага қулайроқ ўтириб ўрнашиб олди. Шу пайтда у менга денгизга ва яхтага қараётган қилиб кўрсатаётгандек туюлди. Лекин ўзи тинмай хотинимга кўз қирини ташлаётганди. Бу ғашимга тега бошлади.

– Тинчлан деди Людмила. – Унга эътибор берма.

Ҳа, ўйладим мен, айтишга осон: эътибор берма деб!

Энди мен бўшашолмасдим. Эркаклик ғурурим таҳқирланган эди. Ҳайвоний инстинктим менга: бегона одам сенинг чегарангга ва сенга тегишли нарсага дахл қиляпти деб шивирлади. Менда ғазаб, рашк уйғона бошлади.

– Ўз техникаларингни қўллашга ҳаракат қилиб кўр, кутилмаганда хотиним менга сўз қотди. – Бошқаларга ақлли, доно бўлишни ўргатасан, ўзинг эса ғазабланяпсан.

– Негадир бу ҳақда ўйлаб кўрмабман дедим мен. – Раҳмат сенга. Ҳозир уриниб кўраман.

Нима билан бу вазиятни юзага келтирганим ва нима билан ёш йигитни жалб қилганимни англаб олиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади. Ўша пайтда мен рашикчи эдим, ўзимга ишонмасдим ва бир қанча норасолик комплексларига эга эдим.

Мен тезда ўз онг остимда қайта программалаштириш ўтказдим ва тинчланиб олдим. Лекин у йигит ҳамон ўша пирс (кемалар боғлаб қўйиладиган маҳсус жой – тарж.) да ўтиради.

Нимадир етишмаяпти, ўйладим мен. – Унга миннатдорчилик билдириш керак. Ахир у менга осоишталик ва ўзимга ишончни ўргатиши учун уни ўзимга жалб қилдим-ку. Ўхаш нарсалар бир-бирини тортгани каби унга ҳам мен учун муҳим бўлган нарса керак. Яна унинг “оч” нигоҳдан унга меҳр ва муҳаббат етишмаётганлигини англаб олса бўларди. Унинг суюкли аёли бўлганида, ўзимча мулоҳаза юритишида давом этдим, у бирорванинг хотинига еб қўйгудек тикилмасдан ўз севгилисининг ёнига чопган бўлар эди.

– Топдим! – ялт этиб бир фикр келди. – Мен сенга муҳаббат ва суюкли аёл совға қиласман...

Хаёлимда сариқ сочли дуркун кўкракли бир аёл тасвири гавдаланди. Лекин нимагадир ўзим учун кутилмаганда у шиширилган бўлиб чиқди.

Балки шундай бўлиши керакдир деб ўйладим ва совғани йигитга такдим қилдим.

Сўнг воқеа тез ривожланиб кетди. Йигит тумбанинг устидан турди. Ўйчан ҳолда у ёқдан бу ёққа юра бошлади ва шу билан ўзининг ички безовталигини намоён қила бошлади. Бизга нисбатан қизиқиши йўқолди.

Севгилинг сени кутяпти деб унга фикр жўнатдим. – Вақтни зое кетказма. Шу ҳақда ўйлашим билан йигит тез-тез қадам ташлаб биэдан узоклашди. Бир дақиқадан сўнг биз хотиним билан ёлғиз қолдик.

– Буни қара-я, деди Людмила, кор қилди. Унга яхши фикрлар жўнатиб иккаламиз денгиздан, қуёшдан ва ўзаро сухбатдан баҳра олаётганимизни тасаввур қилганим бекорга кетмади.

### ТЕПАКАЛ ЭРКАК

Бир нечча йил илгари мен тадбиркорлар учун семинар-тренинг ўтказгандим. Уларга биринчи қилган совғам ҳақида сўзлаб бердим. Эртаси куни семинаримнинг иккита ёш, жозибадор аёл қатнашчилари – Гуля ва Лиля мендан сўрашди:

– Валерий Владимирович, мурожаат қилишди улар менга, машғулотингиз бошланмасдан олдин биз сизга кеча қандай воқеа юз берганини айтиб берсак майлими?

– Яхши, дедим мен, гурух эътироуз билдирамса. – Мен семинарнинг бошқа иштирокчиларига қарадим.

– Йўқ, йўқ, эътироузимиз йўқ! Айтиб бераверсинлар.

– Кеча машғулотлардан кейин, ҳикоясини бошлади Лиля, биз Гуля билан шаҳар четидаги уйимизга автобусда қайтаётган эдик. Йўлда семинарда ўтилган нарсаларни муҳокама қилиб кетаётгандик. Кўққисдан Гулка биқинимга нуқиб кулоғимга шивирлади: Рўпарамизда бир эркак ўтирибди, кўряпсанми? У беш минутдан буён сенга тикилиб қолган, сендан кўзини узолмаяпти.

Рўпарамда бир эркак ўтирас, унинг боши билярд шаридай текис ва ялтироқ эди. У мендан, аникроғи менинг кўкрагимдан кўзини узолмасди.

(Лиля чиндан ҳам жуда жозибадор ва чиройли аёл эди.)

Кулоқ сол, дедим секин Гуляга, мен ўзимній ноқулай ҳис қиляпман. Қара, у энди илжайишни ҳам бошлади. Үнга тағин күзларингиз зўриқишидан ёрилиб кетмасин деб айтсаммикан?

Йўқ, деди у, яхшиси кел, Психоэнергетик Айкидо усулини қўллаймиз. Машғулотларга нима учун боряпмиз? Эсингдами, Валерий Владимирович пляждаги совға воқеасини айтиб берганди?

Яхши, унга нима совға қилсак экан? Кулоқ сол, таклиф қилдим мен, ахир у тепакал-ку. Кел унга қуюқ соч совға қиласмиш.

Биз бу кишини қуюқ соч билан тасаввур қила бошладик. Қизиғи шундаки у биздан чалғиб кал бошини қаштай бошлади. Лекин бу узоққа чўзилмади.

Нимагадир ўхшамаяпти деди Гуля. – Балки унга соч керак эмасдир. Унга тепакал бўлиш ёқса керак.

Кулоқ сол, дедим мен, менға бундай қараганига кўра унга аёл керакдир. Кел унга катта кўкракли ғалласоч аёл совға қиласмиш.

Биз бир аёл унинг тиззасида ўтириб уни қучиб, ўпиб, силлиқ бошларидан силлаётганини тасаввур қила бошладик.

Шу пайт унда нималар содир бўлганини тасаввур ҳам қила олмайсизлар, давом этди ўз ҳикоясида Лиля бирок унинг овози гурухдаги кулгидан ёмон эшитилаётган эди. – У қиши ўрнидан сакраб турди-да эшик томон юргурди. Энди, ҳикоясини тутатиб деди Лиля, эркаклар менга сукланниб қараганда уларга нима совға қилишни биламан.

## ПАСПОРТ СТОЛИГА ЮРИШ

Бир неча йил олдин хотиним Украинада истиқомат қилиш учун паспорт рәсмийлаштираётган эди чунки Россия фуқароси эди. У зарур ҳужжатларни йиғиб паспорт столига кетди. У ердан кўзлари ёшга тўлиб қайтди

Мен уни креслога ўтқазиб нима бўлганини сўрадим.

– Валера, деб бошлади у йиғи аралаш, тасаввур қиласанми, у ерда стенда зарур хужжатлар рўйхати осиб қўйилган. Мен ҳаммасини йиғдим. Шу димликда бир ярим соат навбатда турдим. Уларнинг олдига кирдим. У ерда ишлайдиган аёл эса яна хужжат талаб қилди. Мен аччиқландим, улар эса менга бақириб беришди: Россиянгизга бориб ўша ерда тартиб ўрнатинг! деб. Уларнинг олдига бир неча марта бориб кичкина ва дим бинода соатлаб навбатда туришинг етмагандай, давом эттириди у, улар яна иш пайтида ўтиради, чой ичади, ўз муаммоларини мухокама қиласиди. Одамларга эса ишлари ҳам йўқ.

– Людочка, дейман мен, сен ҳозир тинчланиб олишга ҳаракат қил, биз бу вазиятга Психоэнергетик Айкидони қўллаб кўрамиз.

– Яхши. Фақат сен онг остиңгага қандай саволларни берйшимни эслатиб тур.

– Кулайроқ ўтириб ол, дейман мен паст овозда, кўзингни юм ва онг остиңгдан бу вазиятни нима билан ва нима мақсадда яратганини сўра.

Людмила кўзини юмди, елкаларини ростлади ва қўлларини тиззасига қўйди.

– Мен гап нимадалигини тушундим деди у бир дақиқадан сўнг, кўзини очмай. – Бу вазиятга мени Украинага, унинг ҳукумати ва президентига нисбатан тажовузим олиб келган. Онг остимдан бу вазиятни нима билан яратганимни сўраганимда менда шундай фикрлар пайдо бўлди: “Президент бефаҳм! Халқи очкўз ва ҳасадгўй! Аҳмоқона қонунлар! Мён умуман тушунмайман, уларни ким учун ёзишади ўзи”. Э-э-э, шошмай тур, дейди у секин ва чўзиб, менда кўрқув бор экан. Ватанимдан кетишдан кўрқиши. Мен бу мамлакат ва ҳукуматга ишонмас эканман. Шунинг учун ҳам ўзимга истиқомат қилиш ва фуқаролик учун паспорт расмийлаштиришга тўсиклар яратадиган эканман. Яъни амалдорлар ўз хатти- ҳаракати билан тўғри йўлни танлашимга ёрдам бераётган экан. Фақат менга эмас. У ерда

бошқа кишиларга ҳам шундай муомала қилишяпти-ку. У ерда Ўзбекистондан келган татарлар ҳам кўп. Демак уларда ҳам ме- никига ўхшаган қўркув бор. – Уҳ! – енгил тортиб нафас чиқарди Людмила кўзини очаркан. – Энди ҳаммасини тушундим. Кўнг- лим дарров енгил тортди. Энди кўнглимда бу аёлларга нисбатан ғазаб ҳам йўқ.

– Энди уларга сабоқ учун миннатдорчилик билдири дейман мен.

– Ха, мен сизларга Украина, унинг Президенти, амалдор- ларига меҳр билан қараш сабоғини берганингиз учун мин- натдорчилик билдираман. Сизлар мени ўзимга ишонишга ўр- гатяпсизлар. Ҳаётга ишонишга ҳам. Энди мен ўзимни ҳар қандай мамлакатда, ҳар қандай давлатда дадил ва хотиржам ҳис қиласман. Мен Украина га эзгу фикрлар билан, муҳаббат билан келаман.

– Энди уларни кечириб миннатдорчилик билдиргач уларга нима совға қилган бўлардинг, сўрайман мен.

– Мен уларга кондиционери, келувчилар учун стуллари бўл- ган кенг ва ёруғ бино совға қилмоқчиман. Яна янги электр чой- нак ҳам. Чой ёки кофе ичиб роҳатлансанлар.

– Энди, дейман мен, менга ҳужокатлар солинган папкани берг. Мен худди ўша томонга боряпман.

– Бироқ сен улгурмайсан, деди Людмила, у ёрнинг ёпили- шига бор-йўғи бир соат қолди. У ерда навбат ҳам катта.

– Ҳечқиси йўқ, дедим мен ишонч билан, мен керакли ниятни тузиб олдим. Ҳаммаси жойида бўлади, ҳужокатларни бер.

Мен уйдан яхши кайфиятда чиқдим. Зинадан тушаётганим- да икки кўшни аёл подъезд олдида нима ҳақидадир тўлқин- ланиб баҳслашаётганини эшитдим.

Бу мен учун қандайдир аломат деб ўйладим мен – Демак онг остимнинг қайсиdir икки қисми баҳсга киришган.

Мен кўшни аёлларга йўл-йўриқ қўрсатгани учун миннатдор- чилик билдириб диққатимни ичимга қаратдим ва шахсиятим-

нинг икки қисми муносабатларини ойдинлаштираётганини  
“эшилдим”.

Бундай бемаҳалда қаёққа йўл оляпсан?! – дерди бир қисм. –  
Вақт жуда кам. Хотинингга кулоқ солсанг яхши бўларди.

Ҳаммаси жойида бўлади! – дерди бошқа қисм. – Ҳеч қанака  
тўсиқ йўқ.

Навбат-чи? – аччиқланади бошқаси. – У ерда доим катта нав-  
бат бўлишини билмайсанми?

Мени ўтказиб юборишади деди иккинчиси. – Жуда бўлмаса  
навбатсиз кираман.

Сен ўзингга жуда ишониб юборяпсан, дўстим деди киноя  
билан биринчиси.

Қани жим бўлинглар деб дўқурдим уларга хаёлан. – Баҳсла-  
шишни бас қилинглар. Ундан кўра бу ишни куч, вақт ва пулни  
энг кам сарфлаб бажаришимга ёрдам беринглар.

Ички суҳбат тўхтади.

Мен юришда давом этдим.

Паспорт столига яқинлашганимда рўпарамдан уйнинг мую-  
лишидан улкан қизил атиргул гулдастасини кўтарган бир ёш  
чиройли аёл чиқди. Аёлдан ҳам гулдастадан ҳам муаттар ҳид  
тараларди.

Мен хурсанд бўлдим.

Бу жуда яхши аломат деб ўйладим мен.

Бир дақиқадан сўнг мен кўзлаган жойимда эдим. Идоранинг  
ёпилишига ўттиз дақиқа қолган эди. Кабинет эшиги олдида  
одамлар тўпланиб турарди. Мен навбатсиз кириб кетишга им-  
кон бўлиши учун эшикка яқинроқ бордим. Менинг азмим қатъ-  
ий эди. Бироқ нағбатда турган бир аёл дарров танбеҳ бериб  
мени қайтарди.

– Яхши йигит, деди у истехзо билан менга мурожаат қилиб,  
бу ерда нағбат бор. Сизни ёзиб кўяйликми?

– Албатта ёзиб кўйинг дедим мен овозимга қувноқ оҳанг бе-  
ришга ҳаракат қилиб.

Мен унга фамилиямни айтдим.

- Сиз йигирма саккизинчи бўласиз деди аёл тантана билан.
- Ҳозир тартиб бўйича нечанчи одам кирди? – сўрадим мен ундан.
- Ўн тўртингчи, жавоб берди ў.
- Йигирма еттинчи ким? – сўрадим мен навбатга мурожаат қилиб.
- Мен! – деди дўппи кийган кекса бир татар. – Менинг фамилиям Умеров. Сиз мендан кейин бўласиз.

У бугун бизгача навбат келмаслигини аниқ сезгандай охирги сўзларини қандайдир ғамгин оҳангда айтди:

Мен унга далда бергим келди ва унга фикран бир қозон иссиқ ва хушбўй палов совға қилдим. Оқсоқол дарров тетикланди, менинг ҳам кўнглим чоғ бўлди.

Шу пайт эшик очилиб паспортчи аёл чиқди.

- Бу ерда эркаклар борми?! – деб савол ташлади у навбатга қараб.
- Бор! – дедим мен балад овозда ва олдинга бир қадам ташладим.
- Минерал сув солинган бир неча боғламни ичкарига олиб кириш керак деди у. – Ёрдам берасизми?
- Албатта, жавоб бердим мен. – Қаёқда бориш керак?

Бир неча дақиқадан кейин сувли боғламлар машинадан кабинетга, стол остига кўчиб ўтди.

– Хужжатларингизни беринг деди аёл. – Сизда фақат тўлов ҳақидаги битта квитанция етишмайди. – Бироқ бу муаммо эмас. Хотинингизнинг ўзи бир ҳафтадан кейин паспорти ва квитанция билан келиб хужжатларини олсин. Улар унгача тайёр бўлади.

– Биласизми, деб илтимос билан мурожаат қилдим унга, сиз уни кейинги сафар навбатсиз ўтказиб юборолмайсизми?

– Албатта! – жавоб берди у. – Гап бўлиши мумкин эмас. Фақат иш кунининг бошида келсин.

Паспортчи аёл папканинг ичидаги турган хотинимнинг расмий қараб шундай деди:

- Хотинингиз жуда чиройли экан. Омадингиз бор экан.
- Раҳмат, миннатдорчилик билдиридим мен. — Умуман мен жуда баҳтли одамман.

## ҲАМЁН

Бу воқеа бир неча йил олдин содир бўлган эди.

Ўша куни мен хотиним билан Гурзуфга боришга қарор қилдик. Автовокзалга келдик, чипталарни олдик. Ўринларимизни топиб ўтираётганимизда мен бирдан ҳамёнимнинг ярми чўнтағимдан чиқиб турганини сезиб қолдим.

“Ўғри” деган биринчи фикр миямга чақмоқдай урилди.

Чинданам, ойнага қараганимда автобус эшиги олдида йўловчиликарни олдидан ўtkазаётган ёш йигитни кўрдим. Унинг кичик кўзлари уларнинг чўнтаги ва сумкаларини синчковлик ва бесаронжомлик билан кузатарди.

Мен олдинига дарҳол автобусдан чиқиб ярамас билан ҳисоблашиб қўймоқчи бўлдим. Бироқ вақтида ўзимга “тўхта” дедим ва шундай деб ўйладим: Шошма! Сен бошқаларга бундай ҳолатларда қандай қилиб тажовузсиз иш кўришни ўргатасан, ўзинг эса негадир ўз методикангдан фойдаланишни истамайсан. Пуллинг жойида. Шошилма. Жавобгарликни зиммангга ол. Ўтириб ўйла, бу вазиятни нима билан яратдинг, ўғрини нима билан жалб қилдинг?

Мен ўзимга: Мен бу вазиятни нима билан яратдим? Қандай фикрларим ва хатти-ҳаракатим билан яратдим деб савол бердим.

Онг остимдан жавоб деярли бир лаҳзада келди – пулга доир безовталиқ.

Ҳақиқатан ҳам Гурзуфга бориш олдидан уч кун давомида мен пул борасида жуда қаттиқ безовта бўлган эдим. Менга

маълум муддатга қадар маълум миқдордаги пул керак эди бироқ менда у пул йўқ эди. Кўркув, хавотир ва пул йўқлиги ҳақидаги фикрлар – мана мен нима билан ўғрини жалб қилдим. Агар онг остингиизда “Менда пул йўқ”, “Менга пул етишмайди”, “Менга пул керак” деган ва шунга ўхшаган фикрлар бўлса бу фикрлар эфирда фаол ишлай бошлади ва пулдан ажралишга олиб келади.

Кейин мен отам айтиб юришни яхши кўрадиган Носир Хисравнинг шеъридан парчани эсладим:

Дунё бозорида изғиб юрар ўғри бир гала,  
Чўнталингни асраю ҳар кимни ўғри деб ўйла.

Ҳар кимни ўғри деб ўйла – мана онг остидан келган яна бир салбий дастур.

Мен ўғри менинг онгости буюртмамни бажарганлигини тушундим. Демак унинг ҳеч қандай айби йўқ. Мен ўзим уни ҳаётимга жалб қилдим.

Мен унга сабоқ учун фикран миннатдорчилик билдирам. Мен ҳар қандай вазиятда пул борасида хотиржам бўлишим лозимлигини тушундим.

Унга нима совға қилсан экан деб ўйладим.

Миямда совға образи пайдо бўлди. Мен унга одамларга пулга хотиржам муносабатда бўлишни ўргатаётгани учун Нобёл мукофотини совға қилдим.

Шуниси қизиқки мен буни қилишим билан йўловчи ҳали кўп бўлса-да ўғри автобусдан узоклашди.

Бир оздан сўнг автобус юрди, мен эса яқин орада қанақадир белги-кўрсатмалар бўлмаган эдими деб эслай бошладим: Шунда эсимга тушди. Бу воқеадан бир кун олдин хотиним билан орамизда шундай сұхбат бўлиб ўтган эди.

– Яқинда туғилган кунинг деди у мёнга. – Кел, мён сенга янги ҳамён совға қилай. Буниси бутунлай эскириб кетибди.

– Яхши, рози бўлдим мен, фақат эскиси ҳам эсдалик бўлиб қолсин.

Демак менга кўрсатма бўлган бироқ мен уни охиригача тушуммаганман. Кейинги сафар эътиборлироқ бўлишим ва тезроқ ҳулоса чиқаришим қерак.

Кейин мен пул ҳақида янги фикрлар тузса бошладим ва ўзим бўймай ухлаб қолдим.

Артекка кириш йўлида дам олиб яхши кайфиятда уйғондим. Биз вактимизни жуда яхши ўтказдик ва мамнун ҳолда уйга қайтдик.

Эртаси қуни керакли миқдордаги пул қўлимга кирди. Пул сира кутилмаганда келди. Мен автобусда шундай фикр тузганимни эсладим: Пул менинг ҳамёнимга турли йўллар ва усуллар билан, баъзан хаёлимга келмаган йўллар билан келади.

Бироқ бу билан ўғрилар ва пул билан боғлиқ мўъжизалар тугагани йўқ. Бу воқеадан кейин менда ўғри-киссанурларни таниб олиш қобилияти пайдо бўлди. Шунчаки керакли пайтда ички овоз менга: Эҳтиёт бўл – бу ўғри дейди. Мен дарров хушёр тортаман. Ҳозир мен автовокзалдаги барча ўғрини биламан.

## ГОЛИБ ГЕОРГИЙ

Яқинда мен Грецияда семинар-тренинг ўтказдим. Бир иштирокчи аёл мендан эри билан муносабатини йўлга кўйишга ёрдам беришимни сўради.

– Эрим, дейди у, мёнга ҳеч қачон оғир пайтда ёрдам бермайди.

– Урания, сўрадим мен ундан, нима учун бундай деб ҳисоблайсиз?

– Мен шунчаки буни биламан, жавоб берди у.

– Хўп яхши, дейман мен, келинг ҳозир янги билимларни сизнинг вазиятингизга татбиқ этамиз.

– Майли, рози бўлади у.

– Ишни шундан бошлаймизки, дейман мен, сиз мумаммонгизни жақобгарлик нүқтәи назаридан қайта ифодалашга ҳарарат қиласиз.

– Қандай қилиб? – сўрайди Урания.

– Янги моделдан келиб чиқсак, давом эттираман мен, ҳаётимиздаги барча воқеани ўзимиз яратамиз. Демак сизнинг мумамонгиз қуийдагича ифодаланади: Мен шундай қиласанки эрим менга оғир пайтда ёрдам бермайди.

– Бу бироз ғалати эши билади бироқ сизнинг моделингизга ишонсак чинданам шундай бўлиб чиқади. Бироқ мен бу вазиятни нима билан яратдим?

– Ана шуни ҳозир аниқлаймиз.

– Биз унинг оңг ости билан алоқа ўрнатдик ва эрининг бундай феъл-авторининг ички сабабларини аниқлай бошладик. У бундай вазиятни нима билан ва нима мақсадда яратди? Ўзи учун куттимаганда Урания узоқ ўтмишдаги бир вазиятни эслаб қолди.

– Мен ўшанда эгизак болага ҳомиладор эдим. Биз эрим билан кўчада кетаётган эдик, менинг ботинкамнинг боғичи ечилиб кетди. Менга эгилиш жуда оғир эди: қорним катта эди. Мен эримдан ёрдам беришини сўрадим бироқ у ҳатто эътибор ҳам бермади. Аксинча бир четга ўгирилиб ўзини гўёки мен йўқдай тутди. Ўшандан бери кўнглимда унга нисбатан қаттиқ алам сақланиб қолган. Қандай қилиб бундай қилиш мумкин-а?

– Нима деб ўйлайсиз, сўрайман Ураниядён, эрингизга эгилиб боғичингизни боғлаб қўйишга нима халал берди экан?

– Нималигини биламан. Биз айни эримнинг ишхонаси олдига келиб қолган эдик ва ёнимиздан унинг ҳамкаслари ўтиб кетаётган эди. Ўйлайманки у шунчаки эркакларнинг айблашидан кўрқди. Ахир аёл киши олдида тиз чўкиш керак эди-да. У ўзини шундай пастга ура олармиди? – деди у киноя билан. – Бироқ, Валерий Владимирович, давом эттирди у, мен эркак ҳар қандай вазиятда эркак бўлиб қолиши керак деб ҳисоблайман.

Эрим ҳомиладор хотинига ёрдам берганида бу фақат эркак ҳам-каслари кўз олдида унинг обрўйини кўтарарди.

– Мен фикрингизга тўла кўшиламан дейман унга. – Бироқ сиз эътибор бермаган яна бир жиҳат бор, жуда муҳим жиҳат.

– Қанақа?

– Ўйлаб кўринг, сиз бу вазиятни нима мақсадда яратдингиз, у сизни нимага ўргатган?

Аёл бир зум ўйланиб қолди, сўнг жавоб берди:

– Ўйлайманки бу вазият мени кучли ва мустақил аёл бўлишга ўргатган. Биласизми, давом эттирди у, саволингиз ҳақида ўйлаганимда онамни эсладим. Унинг образи яққол кўз олдимга келди. Бизнинг оиласизда отам ичарди, онам эса бутун оиласи ўзи тортарди. У кўпинча: аёл кучли бўлиши керак чунки ҳамма эркак ожиз деб тақрорларди. Энди мен нима учун эрим қўпинча менга ёрдам беришдан бош тортишини тушуняпман.

Кейинги сўзларни айтганида унинг юзи ёришиб кетгандай ва у ўзи учун муҳим нарсани тушунгандай бўлди: – Бундан чиқди, эрим билан ўтказган бутун умрим давомида мен болалигимдан менга уқтирилган фикрни тасдиқлаб келган эканман-да.

– Жуда тўғри, унйнг фикрига кўшилдим мен. – Энди сиз бунга ва яна аламларингизга қанча куч сарфлаганингизни ўйлаб кўринг

– Энди мен нима қиласай? – сўрайди аёл.

– Биринчи навбатда сиз эрингизга нисбатан бўлган барча аламларингизни кечиришингиз ва унга ҳаётий сабоқлар учун чин дилдан миннатдорчилик билдиришингиз керак. Иккинчидан бу дунёдаги эркак ва аёллар ҳақидаги салбий хулосаларингизни ўзгартириинг. Эрингизнинг кучига ишонишни ўрганинг. Шу билан бирга ўзингизга ҳам ишонинг.

Бу аёлнинг юз ифодаси қандай ўзгараётганини кузатиш қизиқ эди. У анча юмшаб қолди, мушаклари ҳам бўшашди.

– Сиз бу гапларни айтаётганингизда, деди у, тасаввуримда отда ўтирган Ғолиб Георгий образи пайдо бўлди. Нимагадир бу менинг эрим деган фикр хаёлимга келди. Бугун тунда эса тушимда от минган рицарни кўрган эдим. У олдимда тиз чўкиб қўлимини сўради.

– Жуда яхши, дедим мен, энди эрингиз ҳақида ўйлаганингизда дарров шу образни тасаввур қилинг. У сизнинг қучингиз, аёллик нафосатингиз ва бошқа муҳим туйғуларингизга йўл очадиган ўзига хос калит бўлади.

Эртаси куни бу аёл мен ва семинарнинг бошқа иштирокчилари билан кувончини баҳам кўришга шошилди.

– Тасаввур қиласизларми, ҳикоя қиласиди у завқ-шавқ билан, кеча семинардан кейин уйга келсам эрим менга: азизим, сен чарчагандирсан, дамингни ол, мен эса овқат тайёрлаб тураман деди. Шунча йиллик биргалиқдаги ҳаётимиздан сўнг биринчи бор шундай бўлиши! Мен бир вактнинг ўзида ҳам бахтиёр, ҳам ҳайратда эдим. Кеча машғулотда вазиятни ишлаб чиқишимиз билан у шундай ўзгарди. Яна шунчалик тез!

## СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИДАН СОВГА

Яқинда шаҳарда бир танишимни учратдим. Кафеда ўтирдик, у ёқ-бу ёқдан гаплашдик.

– Валерий, деди у учрашувимиз охирида, сенга ўзим билан содир бўлган бир воқеани айтиб бермоқчиман. Балки сен ундан кейинги китобларингда фойдаланарсан.

Эсингдами, деб бошлади у ҳикоясини, бир йил олдин сенга мени солиқ инспекцияси текширишлари билан қийнаб юборди деб шикоят қилган эдим. Сен менга ўшанда Психоэнергетик Айкидони ўргатган эдинг. Мен солиқ инспекциясини севишим кераклигини айтган эдинг. Аввал мен кулган эдим, кейин сен ғалати нарсаларни гапиряпсан деб ўйлаган эдим. Бироқ ҳозир ҳеч иккиланмай айта оламан: сенинг системанг ишлайди.

Ҳаммаси, давом эттириди танишим, сұхбатимиздан кейин сенинг системанғни синааб күришга қарор қылғанимдан бошланди. Аввал давлатта, солиқ инспекциясига ва умуман барча давлат түзілмаларига муносабатимни ўзгартырғым керак эди. Очигини айтай – буни қилиш осон бўлмади. Мен черковга бориб уларнинг саломатлиги учун шам ёқдим. Ундан ташқари кундалик тутиб унга президентимиз, хукуматимиз, солиқ инспекцияси ҳақида ижобий ва меҳрли фикрларни ёздим. Божхонани, қадрдон милициямизни ва кўпгина бошқа давлат түзілмаларини тилга олиб ўтдим. Мен давлат менга нисбатан, ўшандаги барча вазиятларни эсладим. Ўша кунлари ичимдан қанчалик қаҳр-ғазаб чиққанини билсанг эди. Бироқ мен ҳар сафар уларни дуо қилиб сабоқлари учун миннатдорчиллик билдирадим. Мен ҳаётимнинг жуда катта қисмини қайта кўриб чиқдим. Кўнглим анча енгил тортиб ёришиб қолди, кўпроқ куч пайдо бўла бошлади.

Бироқ энг қизиқ воқеалар чамаси бир ойдан сўнг содир бўла бошлади.

Мен пенсия фондига каттагина пул тўлашим керак эди. Бироқ қанча тўлашим кераклигини аниқлаш учун пенсия фонди инспектори олдига борсам у менга тўлашим керак эмаслигини айтди. Мен ҳайрон бўлдим. Ундан қайдномани кўрсатишини сўрадим. У ерда менинг фамилиям тўғрисида 0 рақами турибди.

Бироқ мен бу ишни шундай қолдирмай ўз солиқ инспекторимни олдига бордим.

– Биласизми, деди менга инспектор, бизда сизнинг фамилиянғиздаги бир нечта одам бор. Мен сизнинг маълумотларинғиз устида ишләётганимда янглишиб бошқа тадбиркорнинг маълумотларини киритганман.

– Энди нима қиласиз? – сўрадим мен.

– Бошлиғим хатомни билса калламни олади деди инспектор.  
– Чунки бутун йиллик ҳисоботни қайта туэйб чиқишигә түғри келади-да. Шунинг учун келинг ҳамма-сийи қандай бўлса шундайлигича қолдирамиз. Буни солиқ инспекциясидан совға деб ҳисобланг.

Буни қара-я, деб ўйладим мен, солиқ инспекцияси менга совға беряпти. Ахвол зўр-ку!

Бироқ совғани қабул қилдим.

Мен акс эттириш қонуни ишга тушганини кейин тушуниб етдим. Мен уларга яхши ва меҳрли фикрлар узатдим, бу менга совға кўринишида қайтди.

Ҳозир менинг фақат солиқ инспекцияси билан эмас, балки барча давлат тузилмалари билан муносабатим аъло даражада. Ҳатто ГАИ ходими ҳам қоидани бузганимни кечириб далолатнома тузмай қўйиб юборди.

Хуллас, Валерий, ҳикоясини тугатди танишим, ёнинг Психо-энергетик Айкидонг ишлайди. Мен бунга кўп вазиятларда ишонч ҳосил қилдим. Умуман мен бир оддий ҳақиқатни тушуниб етдим: меҳрибон бўлиш фойдали экан.

## **Самарали мuloқot қилиш санъати ёки қандай қилиб мuloқotчан бўлиш мумкин**

— Доктор, илтимос қилади мендан бир ёш аёл, ота-онам билан мундосабатийни тушуниб олишимга ёрдам беринг. Бизнинг ҳар қандай сұхбатимиз жанжал билан тугайди. Мен яхши алоқа ўрнатмоқчи бўламан, уларни кўллаб-кувватлайман бироқ ўзим сезмаган ҳолда аччиқланиб жаҳлим чиқа бошлайди.

Бундай мисол кўп учрайди. Бола ота-онасига энг яхши нарсаларни беришни хоҳлади, ота-она ҳам шуни истайди. Кўпчилик одам энг яхши истакларга эга, бир-бири билан энг яхши ниятларни кўзлаб мuloқot қилишга ҳаракат қилади. Бироқ доим ҳам бу яхши ниятлар амалга ошавермайди.

Нега шундай бўйади, нега яхши ниятдаги кишилар бирбирига оғриқ ва азоб етказади? Шу билан бирга бу кўп ҳолда онгсиз равишда содир бўлади.

Биз буни бизни курсаган олам билан муносабатимиз, у билан сўзлашувимиз учун жавобгарликни зиммамизга олганимиздагина тушуна оламиз.

Биз сўзлар ва бу сўзларнинг қандай айтилиши орқали муқаррар равишда бир-биримизга таъсир кўрсатамиз. Бироқ буни қай тарзда қиласиз? Аслида мuloқot жараёни қандай содир бўлади?

### **Машқ**

Мен ҳозир сизга “оқ” ва “ширин” нарсани ўйлашни таклиф қиласман.

Сиз нима ҳақида ўйладингиз?

Айримингиз шакарни тасаввур қилдингиз. Бошқалар қиём ёки зефирни кўз олдига қелтирди. Кимдир ширин пахтани ўй-

лади. Умуман олганда нимани тасаввур қилганингиз мухим эмас. Мухими шуки сиз қандайдир суратни тасаввур қилдингиз. Образ яратдингиз.

Ахир мен, сиздан шакар ёки зефир ҳақида ўйлашни сўраганим йўқ-ку. Сиз ширин таъмни ҳис қилиб оқ рангни кўришингиз керак эди. Тамом!

Энди менга жавоб беринг: миянгиз нимага аосланиб сурат чиза бошлади? Умуман, ҳаётингизда ким хўжайн: ақлингизми ёки сизми?

Мен овоз чиқариб айтадиган сўз одамга чуқур онгости дараҷада таъсир қилиб муайян образ ва туйғуларни юзага келтиради. Ҳар қандай сўз – онг остида муайян механизмларни ишга туширадиган ўзига хос тугма.

Ҳар қандай сўз ортида ҳар биримизнинг онгимизда образ ва туйғуларнинг бутун бошли серияси яширинган.

Мисол учун “дараҳт” сўзини оламиз.

Сиз қайси аниқ бир дараҳтни тасаввур қилдингиз?

Мен (ёки бошқа киши) худди шунаقا дараҳтни ўйлаганига ишончингиз комилми?

Энди шундай вазиятни тасаввур қилинг.

Танишингиз сизга меҳнат таътилини жуда яхши ўтказганини айтиб беряпти. Унинг ҳикояси пайтида сиз ғайришуурый равишда таътилда пайтингизни ва қандай туйғуларни ҳис қилганингизни эслайсиз. Унинг ҳар бир сўзи сизнинг онгости ақлингизда Сизнинг ҳаётингиздаги бутун образлар сериясини юзага келтиради. Яъни танишингиз сизга ўзининг бошидан кечирганларини ҳикоя қиласи, сиз эса миянгизда ўз “кионғизни” айлантирасиз.

Шундан келиб чиқиб мен дохиёна бир кашфиёт қўлдим. У ҳаётнинг барча соҳасидаги жуда кўп нарсани изоҳлаб беради. Маълум бўладики мулокотда аслида ҳеч қандай ахборот алмашиш бўлмас экан! Онг остимизда ҳамма нарса ҳақида ахборот бўлса қанақа ахборот алмашиш ҳақида гап бўлиши мумкин!

Унда одамларнинг ўзаро алоқаси жараёнида нима содир бўлади?

Аслида ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШ жараёни содир бўлади.

Маълум бўладики ҳар бир сўз (фақат сўз эмас, тана ҳаракати, овоз оҳанги ва тембри каби мулоқотнинг бошқа шакллари ҳам) ОНГ ОСТИМИЗДА АСЛИДА МАВЖУД БЎЛГАН ахборотга йўл топиш учун ўзига хос парол бўлиб хизмат қиласди. Бизга сўзниг шунчаки эшитилиши эмас балки унинг мазмуний майдони таъсир кўрсатади. Онгли равища биз ўзимизни одамни тинглаётгандай қилиб кўрсатамиз, гапига қўшилганимизни билдириб бош ирғаймиз ёки “Қандай даҳшат!” деб хитоб қиласми. Биз айтилган гаплар мазмунини илғаб олишга ҳаракат қиласми ва онгости даражасида ичимиизда муайян ўзгаришлар содир бўлаётганини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Бизга сўзниг мазмуний майдони таъсир қиласди.

Айрим одамлар буни ҳатто ҳис қиласди. Менимча сизга ҳам шундай ҳолат таниш бўлса керак, бир одам билан гаплашганингиздан сўнг энергиянгизни йўқотгандай бўласиз, бошқа киши билан гаплашганингизда кувват олгандай бўласиз.

Биз бир-биrimizga таъсир қиласми. Биз бир-биrimizни бошқарамиз. Биз бир-биrimizни дастурлаймиз. Бунинг устига буни хоҳлаш-хоҳламаслигимиздан қатъи назар. Биз таъсиrlанмай туролмаймиз чунки тирик мавжудотмиз. Фақат ўликлардагина таъсиrlаниш йўқ.

Биз мулоқотда ҳамма томонидан қабул қилинган маънода ахборот алмашмаймиз. Бу ўта жўн бўлар эди. Биз бир-биrimizга жуда чукур даражада таъсир кўрсатамиз ва бир-биrimizга яширин онгости имкониятларимизни ҳаракатга келтиришга ёрдам берамиз.

Инсон билан мулоқот қилиш – доим бошқа олам билан алоқага киришишdir. Ҳар бир шундай алоқадан биз бир оз ўзгарган одам бўлиб чиқамиз. Чунки йўлимда учраган ҳар бир

киши ўзи билан ўзи ҳақида ҳам, олам ҳақида ҳам, менинг ўзим ҳақимда ҳам қандайдир муҳим янгилик олиб келади.

Айнан шунинг учун бир-биримизга жуда самарали таъсир қўрсатишни ўрганишимиз мумкин ва керакки муроқот жараённи ҳамма учун ёқимли ва фойдали бўлсин.

Биз муроқотсиз яшай олмаймиз. У бизга ҳаво, сув ёки овқатдай зарур. Айнан муроқот орқали биз бутунлик касб этамиз.

### Муроқот→ бирлик→бутунлик

Бироқ ҳар қандай муроқот тушуниш асосидагина амалга ошиши мумкин. Ахир бошқа киши билан, умуман бутун қуршаб турган олам билан ҳам, сұхбатга киришганимизда у бизни тушунади деб ўйлаймиз. Бунинг устига у бизни биз хоҳлагандай тушунишини истаймиз.

Буни қандай қилиш керак?

Бошқа кишининг сизни тушунишига қандай эришиш мумкин?

Куйида мен сизга муроқот илмидаги бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам берадиган моделни таклиф қиласман. Унинг ёрдамида сиз одамнинг олам моделига уланиб у билан яхши алоқа ўрнатишни ўрганасиз ва одамлар билан чуқурроқ ва самаралироқ алоқага кириша оласиз.

## УЛАНИШ ВА ИШОНЧ

Муроқот ҳақида гапирганда биринчи қилиш зарур бўлган иш – муроқот қилаётган кишингиз билан яхши алоқа ўрнатишдир.

Муроқот жараёни одамлар орасида ишонч даражаси билан белгиланади. Яъни сиз бир-бирингизга қанчалик ишонсангиз шунчалик яқин алоқа ўрната оласиз.

Ҳар бир одам ўзи ҳақида тана ҳолати, нигоҳи, имо-ишоралари, оҳанги, сўзлари орқали бир талай ахборот беради. Буларнинг ҳаммаси унинг олам моделига бевосита алоқадор. Одам сизга қанчалик ўхшаса унинг ички олами сизниги қанчалик яқин бўлса сиз унга шунчалик кўпроқ ишонасиз.

Мулоқот жараёнинг эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим чунки бошқа одам билан гаплашаётганда сиз шунчаки қандайдир сўзларни талаффуз қилмайсиз – сиз бошқа олам билан боғланасиз. Агар сизда бошқа кишининг олам моделига нисбатан ҳурмат бўлмаса унумли мулоқот амалга ошмаслиги аниқ. Ҳаммаси ким ҳақ – ким айбдор тарзидаги жўн муносабатни ойдинлаштириш билан тугайди. Бу эса нафақат аҳмоқона иш, балки баъзи ҳолларда хавфли ҳам.

Сиз одамлар сизнинг тилингиздан фарқ қиласиган тилда гаплашадиган бошқа мамлакатга борсангиз бошқа тилни билиш нақадар мухимлигини тушунасиз. Акс ҳолда сизни шунчаки тушунмайдилар ёки сизнинг истакларингизни сиз хоҳлагандай тушунмайдилар.

Сиз ҳатто яқин кишингиз билан ўз она тилингизда гаплашсангиз ҳам сизда ва унда ҳар бир сўз билан муайян образ ва туйғулар боғланган бўлади. Улар доим ҳам мос келмаслиги мумкин. Агар бу сизга нотаниш одам бўлса ва иккалангизда умумий кечинмалар бўлмаган бўлса ички образ ва туйғуларингиз бутунлай бошқа-бошқа бўлади.

*Менинг самарали мулоқотга доир семинарларимдан бируда бир иштироқчи аёл шундай деган эди:*

– Валерий Владимирович, ахир яқинда мен интуитив равишда шу тажоријадан фойдаландим.

– Олга Ивановна, бу қандай бўлган эди, айтиб беринг, сўрадим мен ундан.

– Воқеа бундай бўлган эди деб бошлади у ҳикоясини. – Иккниш олдин мен бизнес билан ўзгулланишга мажбур бўлдим. Мен

нинг мактаб ўқитувчиси сифатида оладиган маошим кун кечиришга етмасди. Синглим бозордан ижарага столча олиб буюм сотишни тақлиф қилди. Мен қарзга пуд олиб буюм олиб келиш учун хорижсга кетдим. Керакли шаҳарга борганимизда бизни меҳмонхонага жойлаштиришиди, тўрт кишини битта хонага. Мен нарсаларимни тартибга солдим, шампун ва сочиқ олиб душ қабул қилиш учун юрдим. Бироқ йўлимни бир ёш аёл тўсди.

Ҳа, азизим, деди у менга сурбетларча ва ўзига ишонган оҳангда, кўзимга тик қараб, мен доим биринчи бўлиб душ қабул қилишимни билмайсанми? Ана у қизлардан сўра – улар гапимни тасдиқлайди.

Мен бошқа аёлларга қарадим. Улар тасдиқ маъносидা бош иргашди.

Тўғрисини айтсам, ҳикоясини давом эттируди қаҳрамонимиз, мен бундай муомаладан шошиб қолдим ва унга нима деб жавоб беришни билмадим.

Мен каравотимга ўтириб бу сурбет аввал душ қабул қилишга ўттиз дақиқа тайёрланиб кейин яна ўттиз дақиқа душ қабул қилиб бўлгунича кутиб турдим.

Кейинги сафар борганимда шундай бўлдики мен яна ўша аёл билан бир номерга тушиб қолдим. Бу сафар мен у билан ўз тилида гаплашишга қарор қилдим. Мен олдиндан душ учун керакли бўлган нарсаларни тайёрлаб қўйдим. У ваннахонага қараб йўл олганида унинг йўлини тўсдим.

Энди гап бундай, азизим, дедим мен қатъият билан, унинг оҳангигида ва кўзига тик қараб. – Бу вақт ичида қонда ўзгарди. Энди мен биринчи бўлиб душ қабул қиласман. Ишонмасанг ана у қизлардан сўра, улар гапимни тасдиқлайди. – Мен бошқа аёллар томонга қараб бош иргадим.

У бошқа аёлларга қарагунча мен ишонч билан ваннахонага йўл олдим.

Буни қаранг-а, қандай жасур бўлиб қолибди деди у истехзо билан лекин эътироуз билдирмади.

Бу воқеадан сўнг, деб ҳикоясини тугатди Ольга Ивановна, бу аёл ҳам, бошқалари ҳам мени ҳурмат қила бошлади, ҳатто мён билан маслаҳатлашадиган бўлишди. Умуман гаплашиш анча ёнгил бўлиб қойди.

Энди ишонаманки сиз одам билан “унинг тилида” гаплашиш қанчалик мўхимлигини тушундингиз. Психологияда бунинг учун максус термин бор – бошқа одамнинг олам моделига “ула-ниш”.

Бироқ бошқа кишини қандай қилиб билиб олиш мумкин? Унга қандай қилиб самарали уланиш мумкин?

Бу қийин эмас. Чунки ҳар бир одам очиқ ва ўзи ҳақида сўзлари, гавда ҳолати, нигоҳи, имо-ишораси, гапириш оҳангига орқали хабар бериб туради. Биз шунчаки буни сезишга ғодатланмаганмиз. Биз кўпроқ мулоқотнинг мазмунига берилиб кетамиз.

## ОЛАМНИ ТАСВИРЛАШНИНГ ЕТАКЧИ СИСТЕМАСИ

Турли одам турлича ўйлайди ва ўз олам тасвирини турлича тузади. Бу фарқ уч асосий анализаторга: кўриш, эшитиш ва кинестетик (тери билан сезиш) анализаторларига мувофиқ келади. Яъни ичидаги билан кўриш билан боғлиқ образларни яратиши (тасаввур қилиши), қандайдир сезгиларни ҳис қилиши ёки ўзи билан ўзи гаплашиши мумкин. Шу билан бирга унда бу оламни тасаввур қилиш ёки тасвирлаш системаларидан биттаси етакчи бўлади. Буни билиш усуулларидан бири – у ўз тажрибасини тасвирлайдиган сўзларга эътибор беришdir. Бу ўзига хос сўзлар “предикатлар” деб аталади (феъл, равиш, сифатлар).

Мана типик предикатларнинг рўйхати:

### **Күриш билан боғлиқ:**

- истиқболни күриш
- келажакка қараш
- ёрқин, хира, аник образ
- ҳеч нарсага қарамасдан
- ноаниқ гапириш
- қоронғи ўтмиш
- ёруғ келажак

### **Эшитиш билан боғлиқ:**

- гапни эшитиш
- баланд, паст
- ишонарлы янграйди
- ғицирловчи товуш
- овознинг эшитилиши
- воқеанинг мазмунига қулоқ тутиш
- ёрдам сўраб солинган қичқириқ
- шилдираш, пичирлаш, шитирлаш
- сен ҳеч қачон гапимни эшитмайсан

### **Кинестетик**

- ҳис қилиш
- яқин алоқа
- оғир, енгил
- фикрлар юки, оғир айбдорлик юки
- силлиқ муомала
- ўрмалаш
- қўшилиб кетиш
- салтегиб кетмоқ

### **Нейтрал (хосланмаган) предикатлар**

- билиш, маҳсус билим
- воқеаларни тушуниш, жараённи тушуниш

- фойдали ишлар қилиш
- ўзгаришлар зарурлигига ишониш
- шахсий ўсиш ва ривожланиш имконияти
- сиз сезишиңгиз мүмкін
- ҳал қилишиңгиз зарур
- эътибор қаратиш
- билиб олмоқ, сиз буни билиб олишиңгиз мүмкін

Ҳар ким ҳамма вақт учала системадан ҳам фойдаланади. Бироқ маълум вазиятларда одамлар уларнинг биттасидан фойдаланишни афзал кўради. Масалан спорт билан шуғулланётганиңгизда кинестетик сезувчанлик биринчи ўринда туради. Фильм томоша қилаётганиңгизда – кўриш сезувчанлиги. Мусиқатинглаётганиңгизда – эшлиш сезигирлиги.

Суҳбатдошиңгиз қандай ва нимани гапираётганига жуда диққат билан эътибор беринг. Унинг оламни тасвирлашнинг етакчи системасини аниқлашга ҳаракат қилинг. Шундан кейин сиз айнан шу системага уланишиңгиз керак бўлади.

### Машқ

Атрофингиздаги кишилар ичидан бирор одамни танланг ва бу одамнинг оламни тасвирлашнинг етакчи системаси қанақа эканлигини аниқланг. Бу у ўз нутқида доимий равища ишлатидиган предикатлардан маълум бўлади. Кейин бу одамга предикатлар ёрдамида уланишга ҳаракат қилинг. Бу киши визуал (кўриш асосида мўлжал оладиган) бўлса ўз нутқингизда кўриш билан боғлиқ, аудиал (эшлиш асосида мўлжал оладиган) бўлса – эшлиш билан боғлиқ кинестетик (асосан тери орқали сезувчи) бўлса – кинестетик предикатлардан фойдаланинг.

Бу ишни бир ҳафта давомида ҳар куни мунтазам равища бажаринг.

## Онгни кенгайтириш учун машқ

Бу машқни мен "Ниятнинг кучи" китобимда келтириб ўтган эдим. У онгли идрок қилишингизни кенгайтиришига ва учала тасаввур қилиш системасида яхши мўлжал олишингизга ёрдам беради.

Бир неча босқичда бажарилади.

1. Ўз ҳаётингиздаги бирор воқеани фақатгина визуал атамаларни: ёрқин, кўрмоқ, қаррамоқ, ранг, кўринмоқ каби сўзларни кўллаб тасвирланг.

Масалан сиз театрға борганингизни тасвирлайсиз: ...Залга кирганимда бир талай одамни кўрдим. Ҳамма жуда чиройли, байрамона либосда эди. Зал ёп-ёруғ эди. Улкан прожекторлар саҳнани ёритиб туради. Мен тўртинчи қатордаги жойимни кўриб унга ўтиридим. Шундан сўнг ён-атрофимга қарадим. Деворларга катта суратлар осилган эди...

2. Энди ўша вазиятни фақат аудиал (эшитишимиизга оид) атамаларни кўллаб тасвирланг.

...Зал жуда шовқин эди. Одамлар бир-бири билан гаплашарди. Айримлар баланд овозда, айримлар бошқаларга халал бермаслик учун ласт овозда ғапиради. Кулодимга узук-юлук жумлалар эштиilarди. Мен бошқаларнинг сухбатига кулок солиб ўтирай дикқатимни мусикага қаратдим. Тўсатдан кўнгироқ чалинди. Сўнг яна бир марта ва яна бир марта. Зал дарров жимиб қолди ва одамлар тезлик билан жойларига бориб ўтира бошлади. Ўриндиқларнинг ғижирлаши эштилиб туради..."

3. Энди фақат кинестетик (яъни сезгиларингизни билдирувчи) атамаларни кўлланг. "... жойимда ўтириб вазиятнинг бутун тантанаворлигини ҳис қиласдим. Мен томошага келганимдан хурсанд эдим. Мен ҳис қилаётган қувончни бирор нарса билан қиёслаш қийин эди. Ўзимни яхши ва ёнгил ҳис қилас-

дим. Менга теккан жой ҳам қулай эди. У бахмал мато билан қопланган бўлиб уни силаш ёқимли эди. Менга бу туйғуларни қайтла-қайта ҳис қилиш ёқарди..."

4. Энди эса ҳар учала система: ҳам кўриш, ҳам эшитиш, ҳам кинестетик системадан фойдаланинг.

"...Зал жуда чиройли ва тантанавор эди. Мусиқа янграр, саҳна ҳар томондан ёритилган. Одам кўп. Эркак ва аёллар жуда чиройли кийинган. Мен ўзимни жуда енгил ва хурсанд ҳис қиласдим. Ахир мен театрни яхши кўраман-да. Одамларнинг томошани кутиб ҳаяжонланаётгани кўриниб турарди. Айримлар гуруҳларга бўлиниб баланд овозда ниманидир муҳокама қиласдим. Бошқалар ўриндиқларида жим ва хаёл суреб ўтиради. Бирдан кўнғироқ чалинди ва мен жойимга ўтиришга қарор қилдим. Ўтирганимда креслонинг жуда қулайлигини сездим. Жойим ҳам жуда яхши эди – бутун саҳна кўз ўнгимда турарди. Менинг омадим келди..."

## ТАНА ҲОЛАТИ ВА ИМО-ИШОРА

Кейиняги вақтда инсоннинг тана ҳолати ва имо-ишоралари ҳақида жуда кўп китоб чиқди. Уларда қайси имо-ишора ва қайси Гавда ҳолати нимани англатиши батафсил изоҳланади. Гавдаһинг бир ҳолати ҳомийликни, иккинчиси ўзига ишончни, учинчиси аччиқланишни англатади ва ҳ. к.

Менинг фикримча мулоқотга нисбатан бундай ёндашув самарасиздир. Бунинг устига у асосий нарсадан, моҳиятдан узоқлаштиради. Сиз нима учунлигини тушуниб оласиз.

Тана тили сўзлар, каби ишламайди. У бошқача ишлайди. Тана ҳаракатлари мазмунни эмас, мулоқот жараёни ҳақидаги ахборотни етказади!

Қўрсаткич бармоқнинг бурӯн устида эканлиги ёки энсанни қашиш доим ҳам ўйга толганликни, кўлни кўкракда чалиштириш эса – ёпиқликни билдиравермайди. Бу борада ўзингиз-

дан түқиши керак эмас. Сиз ўша одамнинг ўзи бўлмагунингизча инсоннинг у ёки бу ишораси нимани англатишини барибир охиригача тушунолмайсиз. Бунинг кераги ҳам йўқ.

Эсимда, бир вақтлар кабинетимга икки тибетлик руҳоний ташриф буюрганди. Улар менга ўз ҳаёти, ҳақиқатни англагани ҳақида сўзлаб берди. Оилам, ишимни қўйиб улар билан кетишмни исташди.

Мен креслода қўлларимни чалиштириб ўтирас ва уларни диққат билан тинглардим. Улардан бири қўлларимга ишора қилиб шундай деди:

– Биздан ўзингизни тўсманг. Биз сизга яхшилик истаймиз.

Мен ўзимни тўсмаётган эдим. Шунчаки кабинетим совук эди, мен иссиқликни сақлаш учун шундай ҳолатда ўтирган эдим.

Умуман, тушуниб турганингиздек улар мени ишонтиrolмади, акс ҳолда ҳозир сиз бу сатрларни ўқимаётган бўлардингиз. Шунинг учун ишонтиrolмадики мен билан бирлашолмади.

Умуман, имо-ишораларга эҳтиёт бўлинг. Турли маданиятда айни бир имо-ишора бутунлай бошқа-бошқа маънони англатиши мумкин.

Бир дехқон ксендз (поляк католиклари руҳонийси – тарж.)-нинг ҳузурига келиб черковга қарашли бир парча ерни вақтинча фойдаланиш учун беришини сўрабди.

– Бу бир парча ер аллақачондан бери ташландиқ аҳволда ва ҳеч ким унга ишлов бермаяпти, дебди дехқон, менинг эса оилам катта.

Ксендз ўйланиб қолибди.

– Хўй майли, дебди у, мен сенга ўша ерни бераман. Фақатгина мени баҳсда ютсанг.

– Қанақа баҳс? – сўрабди дехқон қўрқиб кетиб.

— Биз сўзсиз баҳслашамиз дебди ксендз. — Аввал мен сен билан имо-ишоря қилиб гаплашаман, сўнг эса — сен.

Ксендз дехқонга бармоғини кўрсатибди.

Дехқон узоқ ўйлаб ўтирмаӣ унга иккита бармоғини кўрсатибди.

«Ксендз ажабланибди.

Буни қара-я, деб ўйлабди у, бу дехқон саволимга қанчалик оқилони жавоб қайтарди. Мен унга Худо битта деб кўрсатдим, у эса менга олам иккиликли деб жавоб қайтарди.

Шундан сўнг стол устига бир олма қўйибди.

Ҳаёт жаннәт демоқчи бўлибди у.

Дехқон халтасини ковлаб олманинг ёнига бир дона пиёз чиқариб қўйибди:

Бирор, унда кўз ёшлиари ҳам бор деб “ўқибди” жавобни чёрков ходими:

— Сен ютдинг! — хитоб қилибди ксендз. — Ерни олақол.

Дехқон ўйга баҳтиёр ҳолда қайтибди.

— Нима бўлди? — сўрабди хотини. — У ерни бердими?

— Ҳа, деб жавоб берибди дехқон, мен уни баҳсада ютиб олдим.

— Қанақа баҳсада? — ҳайрон бўлибди хотини.

— Биз у билан сўз ёрдамида эмас, имо-ишора орқали гаплашдик, тушунтирибди хотинига дехқон. — Аввал у менга бармоғини кўрсатди, бу мен кўзингни ўйиб оламан дегани эди. Мен ўзимни шўқотиб кўймадим ва унга икки бармоғимни кўрсатдим: Мен иккала кўзингни ўйиб оламан. Шунда у ажабланди ва олма чиқариб қўйди, бу бу менинг нонуштам дегани эди. Мен эса столга пиёз чиқариб қўйдим: Бу эса меники. Шундан сўнг у сен ютдинг деди ва менга ўша бир парча ерни берди.

Сиз билан бизнинг вазифамиз — сухбатдошимиз билан бир тилда гаплашиш ва мулокот жараёнини максимал даражада самарали қилиш учун ҳамсұхбатимизнинг тана ҳолати ва ўзига хос имо-ишораларига қўшилишни ўрганиш.

## **Машқ**

Яқинларингиз ёки дўстларингиздан бирортасининг тана ҳолати ва имо-ишораларига яхши қўшилишни ўрганиш учун яна бир ҳафта вақт сарфланг.

Одам кўлларини кўкрагида чалиштириб турган бўлса сиз ҳам шу ҳолатда туринг. Бу нимани билдириши ҳакида ўйламанг. Шунчаки унга қўшилинг. Оёғини оёғининг ўстига қўйиб ўтирса сиз ҳам шундай ўтиринг. Агар бурнини ковласа зинҳор бундай қилманг! Ишни бемаънилик даражасига олиб борманг. Айрим имо-ишорани айнан қўчириш ёкерак эмас. Шунчаки бурнингизни қашиб қўйишингиз мумкин.

Умуман, одам билан унинг ҳолатида сухбат олиб боринг.

## **НАФАС ОЛИШ**

Нафас олиш юрак уриши каби – одамнинг одатда ўзи англа-майдиган хатти-ҳаракатидир. Шунинг учун сиз унинг нафас олишига қўшилсангиз бу унга жуда кучли таъсир ўтказади.

## **Машқ**

Ўзингиз учун вақт ва имконият топиб кейинги ҳафта мобайнида одамнинг нафас олишига қўшилишни машқ қилинг.

Шерикнинг нафас олишига қўшилишнинг бир нечта варианти бор.

Биринчиси – у қандай маромда ва чукурлиқда нафас олса шундай нафас олиш.

Иккинчиси – кўл ҳаракатингизни унинг кўкрак қафасининг кўтарилиши ва тушишига мослаш.

Учинчи усул – ўз нутқингиз суръатини шеригингизнинг кўкрак қафаси ҳаракатига мувофиқлаштириш.

Масалан фақат сухбатдошингиз нафас чиқарганда гапириб нафас олганда гапиришдан тўхтанг.

## ОВОЗ ТОНИ, ТЕМБРИ ВА ОҲАНГИ

Сұхбатдошингизни диққат билан тингланг. Овозининг тони, тембри ва оҳангига эътибор беринг.

### Машқ

Бутун кейинги ҳафтада сұхбатдошингизнинг тони, тембри ва оҳангига тақлид қилишга ҳаракат қилинг.

## ОДАМЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС СҮЗЛАРИ

Кўпчилик одамда (ҳар бир кишида бўлмаса) мулоқотда ишлатишни яхши кўрадиган ўзига хос сўзлари бор. Булар “ана”, “демак”, “айтиш мумкинки” каби паразит сўзлар ёки очик-оидин сўкиниш сўзлари бўлиши мумкин.

Мен бир одамдан сўрадим:

– Сиз нима учун бунақа сўзларни ишлатасиз?

У жавоб берди:

– Сўзларни бир-бирига боғлаш учун.

Сұхбатдошингиз шундай сўзлардан фойдаланараб экан, нега энди сиз ҳам нутқингизни бу сўзлар ёрдамида боғламас эканси? Бу сўкиниш сўзлари бўлса ҳам, уларни ишлатишдан тортишманг. Шунчаки синаб кўриш учун.

### Машқ

Яна бир жафтани сұхбатдошингиз нутқидаги ўзига хос сўзларни тез ажратиб олишни ўрганишга сарфланг. Кейин эса нутқингизни бу сўзлардан фойдаланиб тузишга ҳаракат қилинг. Бу сўзларни “сўзларни боғлаш учун” нутқингизга киритинг. Натижани қайд қилинг.

## АХБОРОТ ИЗЛАШ ҲАҚИДА ҲАБАР БЕРУВЧИ КҮЗ СИГНАЛЛАРИ

Самарали мuloқot қилишни ўрганаётганингизда мен өдамнинг онгли жавобларига камроқ эътибор беришни маслаҳат бераман. Улар унинг олам модели ҳақида кам маълумот беради. Бироқ ойгости маълумот бизга ортиғи билан келади.

Одам жавобини шакллантиргунга қадар унинг кўзлари муряян тарзда ҳаракат қила бошлиди, бу билан у қайси идрок қилиш системасидан фойдаланаётганига ишора қиласди:

Кўз – кўнгил ойнаси деб бекорга айтишмайди. Чунки айнан кўзлар орқали одам онг остидаги қайси турдаги ахборотга йўл топаётганини жуда осонлик билан билиб олиш мүмкин. У ёки ичидаги образларни кўради ёки ўзини ўзи эшигади ёки сизга тасвирлаб бермоқчи бўлган тўйғуларига дикқатини қаратади. Ҳар қандай ҳолатда унинг кўзлари сизга бу ҳақда сўзлаб боради. Бунинг устига кўзнинг ҳаракатлари ғайришуурӣ бўлиб уларни онгли равишда назорат қила олмаймиз:

Таниқли рус революционери Камо ҳақидаги фильмни эслайнг. Уни тутиб керакли ахборотни билиб олиш учун қийнайдилар. Бироқ у ўзини шуурсиз қилиб кўрсатади. У оғриқдан сирам таъсирланмайди. Таҳхис кўйиш учун чақирилган тажрибали психиатргина унинг соғлом эканлигини тушунади. У буни Камонинг кўзларидан билиб олади. Танасининг мушаклари хиссиз бўлса да қорачиклари таъсирланиб ҳаракат қиласди. Бироқ революционернинг матонатига қойил қолган психиатр уни сотмайди.

### Машқ

Яқинларингиз ёки дўстларингизга бир нечта савол беринг. Уларни шунчаки бу саволларга жавоб топиши бироқ овоз чиқарип айтмаслиги лозимлиги ҳақида огоҳлантиринг.

Саволлар навбатма-навбат одамнинг уч сезги системасига алоқадор бўлади. Масалан:

### *Визуал система*

- Онангизнинг кўзлари қайси рангда?
- Уйингизда нечта эшик бор?
- Ўзингизни ўрта аср кийимида катта парик кийган ҳолда тасаввур қилинг.

Энли кўк-чизиқда сариқ бегемотни тасаввур қилинг.

Бу саволларнинг айрими одамни хотираларига йўл топишга, бошқалари образ ҳосил қилишга мажбур қиласди.

### *Эшитиш система*

- Қандай мусиқани тинглашни маъкул кўрасиз?
- Севимли қўшиғингизни тингланг.
- Онангизнинг овози қанақа?
- Соатнинг устига тёмир челакни тўнкариб кўйсангиз соат кўнфироғининг овози қандай чиқади?

Дастлабки уч савол олдинги ҳолатдагидай хотираларга алоқадор. Оҳирги савол янги товушни яратишни талаб қиласди.

### *Кинестетик система*

- Иссиқ бинодан изғиринга чиқсангиз нимани ҳис қиласиз?
- Денгизга тушганингизда нимани ҳис қиласиз?

Бу саволлар сезгиларга йўл топишни талаб қиласди. Бунда кўзлар қаёққа қараб ҳаракатланаётганига қаранг.

### *Ички сұхбат*

- Ўзингиз билан об-ҳаво, сиёсат ҳақида гаплашинг.

Бир ҳафта давомида шу тарзда машқ қилинг.

Сиз аста-секин одам образ, товуш ёки сезгилар воситасида ўйлаётганини аниқлашни ўрганасиз. Ҳамма гаҳ шундаки биз турли усул билан ўйлаганимиэда танамиизда кўзга кўринадиган

үзгаришлар содир бўлади. Тафаккур тарзимиз танамизга таъсир қиласди, танамизни қандай ишлатишимиш эса қандай ўйлашимизга таъсир кўрсатади.

Биз мунтазам равищда кўзимизни қандай ўйлаётганимизга боғлиқ равищда турли томонга ҳаракатлантирамиз. Неврологик тадқиқотлар кўрсатадики кўзларнинг горизонтал ва вертикаль йўналишда ҳаракатланиши бош мия турли қисмларининг фаоллашиши билан боғлиқ экан. Бу ҳаракатлар неврологияга доир адабиётларда латерал кўз ҳаракатлари дейилади. Бироқ биз учун бу жуда мураккаб. Биз бў ҳаракатларни психологияда қабул қилинганидек оддийроқ қилиб ахборот излашнинг кўз сигналлари деб атаемиз. Улар одамлар ўз миясида сақланаётган ахборотга қай тарзда йўл топишини тушунишга ёрдам беради. Кўз ҳаракати билан оламни тасвирлаш системалари орасида муайян ички алоқа мавжуд.

Биз ўтмиш тажрибамиздаги бирор нарсани тасаввур қилсак кўзларимиз бизга нисбатан юқорига ва чапга ҳаракатланишга мойил бўлади. Сўзлардан образ ҳосил қилаётганимизда ёки илгари ҳеч кўрмаган нарсамизни “тасаввур” қилмоқчи бўлганимизда кўзларимиз юқорига ва ўнгга қараб ҳаракатланади. Товушларни эслаганимизда кўзларимиз горизонтал йўналишда чапга, товушларни хаёлан ҳосил қилаётганимизда горизонтал бўйлаб ўнгга ҳаракатланади. Тана сезгисига йўл топишда кўзлар одатда пастга ва ўнгга ҳаракатланади. Ўз-ўзингиз билан гаплашаётганингизда кўзларингиз пастда чап томонда жойлашган бўлади. Шундоққина олдингиздаги диққатсиз нигоҳ яъни сухбатдошингиз сизга қарасаю гўёки сизни кўрмаса бу ҳам визуализациядан дарак беради.

Куйидаги чизма ҳосил бўлади:



Ҳамма киши ҳам чизмада күрсатилганидек тузилмаган. Бу схема күпчилик үнақайларга ҳос. Бироқ у образ ва товушни эслаш учун үнгіга, уларنى ҳосил қилиш учун чапга қарайдиган чапақайлар учун айлантириб қўйилиши мумкин. Ахборот излашнинг кўз сигналлари бир одам учун доим барқарор бўлади. Баъзан улар ҳисқилаётгандан чапга пастга, ички сұхбатни тинглаётгандан үнгіга пастга қарайди. Доим истисно бўлади – бу умумий қоидаларни одамларга кўллашда синчков бўлинг. Жавобни умумластиришдан эмас, олдингизда турган одамдан изланг. Яна хулоса чиқаришга шошилманг. Одам ҳақида кўпроқ маълумот йиғинг. Маълум бир одам бутунлай бошқача тузилган бўлса ҳам у ўзтаъсиrlанишларида мунтазам бўлади.

Энди инсон онг остидаги жараёнлар ҳақидаги бундай кучли ахборот манбаидан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида гаплашамиз. Чунки айнан шу нарса муҳим.

Ахборот излашнинг кўз сигналларидан фойдаланишнинг энг оддий усули – сиз сұхбатдошингизга муайян ҳажмдаги ахборотни тақдим этасиз. Унга бу ахборотни “ҳазм қилиши”, уни ички тушунишни баҳолаши учун вақт бериш лозим. У юқорига қараб образлар ҳосил қила бошлиши ёки пастга қараб ўз-ўзига бирор нарсани гапира бошлиши ёки сезгиларига

эътибор қарата бошлаши мумкин, У қандай ички ҳолатта кирмасин, бир оз тўхталиш қилиб унга ахборотга ишлов бериш учун вақт бериш зарур.

*Менинг бир дўстим бор, у билан бир ҳарбий шаҳарчада яшаб болаликдан бирга ўсганмиз. У ажойиб инсон, мияси ҳам зўр ишлайди. Бир сафар мен ундан компьютерда бир нарсани ўрганиш учун ёрдам сўрадим. Бироқ у гапира бошлаганда мен бирдан унинг гапларини тушунмаётганимни англадим. У шунчалик тез гапирардики мен ахборотни ўзлаштиришга улгуролмасдим.*

— Олег, деб сўрадим ялинган оҳангда, бир оз секинроқ гапиромайдсанми?

— Йўқ! — жавоб берди у. — Биласан-ку мен доим шундай тезликда гапираман. Умуман, бунинг нимасини тушунмаслик мумкин? Бу жуда оддий-ку.

*Оқибатда мен бошқа танишимдан ёрдам сўрашимга тўғри келди. Унинг нутқи тезлиги менинг фикрлаш жараёним тезлигига мувофиқ эди ва мен уни дарров тушундим.*

Мана яна бир мисол. Сизга қуйидаги жумла таниш бўлса керак: "У шунчалик ишонарли қилиб гапирдики мен сира эътиroz билдира олмадим". Бу бир кишининг бошқа киши тилида гапиришига типик мисол.

Сиз нутқингизни сұхбатдошингиз стратегиясига мувофиқ тузсангиз (уларни кўз ва предикатлардан билиб олиш мумкин) сизни осон ва тез тушунадилар.

Кўпчилик мактаб ўқувчилари ўқитувчи ва ўқувчининг онгости стратегиялари мувофиқ келмаслиги сабабли таълим олишда қийналади. Менимча, сиз энди қандай қилиб айни бир ўқувчи мисол учун математикадан "ёмон" бўлиши ва география ёки биологиядан аъло даражада ўзлаштиришини тушунаётгандирсиз.

Чинакам истеъдодли ўқитувчи шундай ўқитувчики у ўқувчи уни тушунишга ўрганишини кутиб турмай мослашувчан бўлиб ҳар бир ўқувчи билан боғлана олади.

Эр-хотин муносабатида ҳам худди шу нарсани кузатишимииз мумкин. Эр масалан типик кинестетик. Хотин эса – визуал (кўриш орқали мулоқот қиласи). Бири иккинчисидан уни тушун-маслигидан шикоят қиласи. Ҳамма гап уларнинг оламни тас-вирлаш системаси турличалигида. Улар оламни тасвирлаш сис-темасининг бир тилидан иккинчисига ўтишни ўрганиши билан оиласда тутувлик тикланади.

Кўриш асосида иш кўрадиган киши мулоқотда нима ҳақида гап қетаётганлигини яхши қўриш учун масофани сақлайди. Кинестетиклар яхши мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун деярли ёпи-шиб келади. Буларнинг ҳаммасидан мулоқотда фойдали тарзда фойдаланиш мумкин.

Бу билимларни кўллашнинг бошқа кўплаб нозик усуллари мавжуд. Бироқ бу энди олий санъат. Уларни семинар-тренинг-ларда ўзлаштириш мумкин.

## ЭРГАШТИРИШ

Одам билан яхши алоқа ўрнатиб, унинг оламига кириб сиз шунга эришасизки у сизга ишона бошлайди. ИШОНЧ сиз учун куруқ сўз бўлмаслиги учун одам сизга қачон ишонаётганини билишингиз керак. Бунинг учун шошмасдан хатти-ҳаракати-нгиз параметрларидан бирини ўзгартира бошланг ва сухбатдо-шингизнинг муносабатини кузатинг.

Масалан сиз нутқингиз тезлиги ёрдамида унинг нафас олиш билан боғландингиз. Энди билинтирмай нутқингизни тезлаштира ёки секинлаштира бошланг. Бу одам сизга эргашиб нафас олишини ўзгартирса демак сиз унга, унинг оламига яхши боғ-


лангансиз ва уни эргаштира бошлигинги мумкин. Ўзингиз эришмоқчи ижобий натижага қараб олиб боришигинги мумкин.

## МУЛОҚОТДАГИ ТЕСКАРИ АЛОҚА

Бу нима дегани?

Бу сұхбатдошингизнің таъсирланишини илғай олиш ва керакли муносабатта эга бўлмагунча ўз хатти-ҳаракатингизни ўзгартира боришдир.

Шундай чизма ҳосил бўлади



Чизмадан кўринадиқи сиз нимани исташингизни биласиз, ўзингизга керакли натижага әришиш мақсадида ўз вақтида мослашувчанликни намоён қилиб хатти-ҳаракатингизни ўзгартириб бориш учун сұхбатдошингизнинг муносабатини диққат билан кузатиб борасиз. Сизнинг барча хатти-ҳаракатингиз ният тозалиги филтридан ўтади.

Айрим киши мулокот қилишда қийналади. Улар ҳаракат қилишни, мослашувчан бўлишни истамайди чунки хато қилиб кўйишдан кўрқади.

Мулоқот ҳақида, одамлар орасидаги ўзаро алоқа ҳақида гапирсак БҮНДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ХАТО бўлмайди.

Мен кўпинча одамлардан “Мен унга бутун борлиғимни бериб гапирсам у менга қўпоплик билан жавоб берди” ёки “Одамларга яхшилик қилсанг улар ёмонлик билан жавоб қайтаради” каби шикоятларни эшитаман. Бу шикоятлар – курбоннинг кўз ёшлари, ўзини оқлаш ва ўз ҳаётидаги бирор нарсани ўзгартиришни истамаслик.

Сиз ҳаётда қўпоплик ва пасткашликка, ёмонлик ва тажовузга дўч келсангиз айнан ЎЗИНГИЗ одамларда шундай муносабатни туғдиргансиз. Одатда одамлар буни англамайди. Бироқ бу факт! Шунинг учун улар зиммасига жавобгарликни олиши шарт. Аввало мулоқот ҳақида ўз тасаввурингиз ва ўз хатти-ҳаракатингизни қайта тузиб чиқинг.

Сиз доим ўзингиз туғдирадиган муносабат ва жавобни оласиз.

Сиз олган муносабат сиз кутгандай бўлмаса бунда ҳеч қандай хато йўқ. Кейинги сафар айнан сизга керак бўлган муносабатни ҳосил лозим.

Қилаётган ишингиз натижга бермаса бошқа бир иш қилинг. Мослашувчан бўлинг.

Тескари алоқанинг икки тури мавжуд.

Онгли – биз тингловчига онгли равишда сигналлар юборамиз ва ундан сигналлар қабул қилиб у ёки бу тарзда талқин қиласмиш.

Онгсиз – бу онгли ақлдан ташқари ўтадиган ахборот (нафас олиш, тана ҳолати, овоз оҳангни ва тембри ва ҳ.к.)

Психологлар мулоқотда нутқли ахборот 7-10% ни ташкил қилишини ҳисоблаб чиқкан. Тана тили (гавда ҳолати, имо-ишора, нафас олиш) – 50% атрофида. Овоз (оҳанг, тембр, ритм) – 40% атрофида. Бироқ менинг кузатишимга кўра бир-бирига таъсир қилишнинг янада нозикроқ онгости каналлари мавжуд.

Демак мuloқот қилиш санъатининг муҳим элементи онгсиз тескари алоқадан фойдаланиш экан. Бироқ қўпчилик одам мuloқот пайтида сухбат мазмунини онгли равишда тушунишга ҳаракат қиласди. Бундан улар жуда кўп нарсани ютқазади.

Мулокотда биз доим қанақадир жавоб таъсиrlарини оламиз. Уларни сезиш-сезмаслигимиз синчковлигимиз ва сезгирилигимизга боғлик.

Сиз мисол учун бокс ва шарқ яккакураши усуllарини қиёсласангиз муайян фарқни сезасиз. Шарқ яккакураши усуllаридан фойдаланадиган киши ҳеч қачон рақибининг кучанишига қарши бормайди, у фақатгина рақибининг кучанишини қабул қилиб ундан фойдаланади яъни унинг йўналишини шундай ўзгартирадики рақибининг кучаниши ўзи хоҳлаган йўналишда давом этади.

Сиз ҳозир мулокотда қўллашга ўрганаётган нарса рақиб билан шарқона усуlda ўзаро алоқа қилишга жудаям ўхшайди. Айнан шунинг учун мен методикаларимдан бирини Психоэнергетик Айкидо деб номлаганман.

Биз муқаррар равишда бир-биrimизга таъсиr қиламиз. Бу аник. Биз буни қилмай туролмаймиз. Ўзаро таъсиr ҳам онгли, ҳам онгсиз даражада содир бўлади, бунинг устига онгости даражада 95% га яқин ахборот келади.

Биз атроф олам ва одамлардан фойдаланамиз, биздан ҳам фойдаланадилар. Бу муқаррар. Бўлмаса тоққа, ўрмонга чиқиб кетинг ёки уйингизга беркиниб олиб ундан чиқманг. Барибир сизни толиб оладилар.

Бу ўз-ўзидан қочиш бўлади. Чунки сизни куршаб турған олам – сизнинг оламингиз. Бу оламдаги ҳар бир одам – сизнинг проекциянгиздир. Одамлар албатта мулокот қилиши керак. Бу сув ва ҳаводай зарур. Бу мұваффақиятли ривожланиш гарови.

## МУЛОҚОТНИНГ ТҮРТ АСОСИЙ ҚОИДАСИ

### 1-қоида. Ўз ниятини (натижани) билиш.

Аввало сиз одам билан гаплашишдан нимани исташингизни аниқ билишингиз керак. Бу эътибор қаратиш, яхши муносабат ўрнатиш, битим тузиш бўлиши мумкин. Биз одам билан онгли равишда алоқага киришар эканмиз, нимани исташимизни билишимиз керак.

Умуман, одамлар нима учун бир-бири билан гаплашади? Ҳар қандай мулокотнинг мақсади нима?

Масалан менинг шифокор сифатида мижоз билан мулокотимнинг мақсади – одамнинг соғлом ва баҳтли бўлишига ёрдам бериш. Бу мақсадга эришиш (яъни бошқа одамга ёрдам бериш) ўзимни намоён қилишимга, шахсий ўсишим ва ривожланишимга ёрдам беради.

Менинг яқинларим билан (нафақат яқинларим, балки ҳар бир одам билан) мулокотимдан мақсадим – уларни хурсанд ва баҳтли қилиш. Ахир бу бевосита менинг кувончим билан боғлиқ-да. Атрофимдагилар қанчалик баҳтли бўлса мен ўзимни шунчалик яхши ҳис қиласман.

Демак атроф олам билан муваффақиятли мулокот қилиш менинг инсон сифатида ўсишим ва ривожланишимга ёрдам беради. Ҳар қандай мулокотнинг мақсади ҳам шу. Атроф олами бироз ёруғроқ ва кувончлироқ қилиш керак.

### 2-қоида. Синчковлик

Тушунганингиздек сиз одам ва унинг олам модели ҳақида жуда кўп ахборот олишингиз мумкин. Ўзига хос сўzlари, ҳаракатлари ва овози орқали. Асосийси – синчков бўлиш ва сезигрлигингишни ривожлантириш. Ҳар биримизда улкан идрок қилиш имконияти мавжуд, энди улардан фойдаланишга сабаб бор.

Кўз ҳаракатлари ва тана ҳаракатлари, шунингдек предикатлар бизга бошқа одамнинг оламида юз бераётган жараёнилар

ҳақида жуда керакли ахборот беради. Сиз мазмунни кузатишиңиз шарт эмас. Чунки мазмун ҳар бир кишида ўзига хос Мулокот жараёнининг ўзига эътибор беринг - шунда сиз кўп нарсани тушуна ва сеза бошлайсиз.

Эътиборлилик ҳақида яхши бир латифа бор.

Бир саёҳ сигирлар ўтлаб юрган даладан ўтиб бораф эди. У дараҳт тагида чўзилиб ётган чўпонни кўриб соат нечалигини билиш учун унинг олдига борибди. Саволга жавобан чўпон бир оз ўрнидан туриб яқинида турган сигирнинг елинини кўтарибди-да жавоб берибди:

- Ўн дақиқа кам тўрт.

Саёҳ чукур ўйга толиб ундан узоклашибди. Бироз айланиб орқасига қайтибди, чўпоннинг олдига келиб яна сўрабди:

- Соат неча бўлди?

Чўпон яна сигирнинг елинини кўтариб жавоб берибди:

- Тўртдан ўн дақиқа ўтди.

- Сиз қандай қилиб елинга қараб вақтни аниқлайсиз? - сўрабди саёҳ таажжубланиб.

- Елиннинг нима алоқаси бор? - ҳайрон бўлибди чўпон. - Мен уни шаҳар бошқарув биносидаги соатни тўсиб турғанилиги учун кўтардим.

### 3-қоида. Мослашувчанлик

Мослашувчанлик суҳбатдошингизнинг олам моделига мувофиқ тарзда сўзлаш ва ҳаракат қилишдир. Унга боғланиш ва орtingиздан эргаштира олиш қобилияти. Бўнинг учун жуда синчков бўлиш ва бой имкониятлар мажмуига эга бўлиш, бир воқеилидан иккинчисига ўтиш танловига эга бўлиш керак.

Мулокотда кўпроқ танлаш имкониятига эга бўлган киши етакчи бўлади.

Сизда шу уч қобилият: натижани билиш, эътиборлилик ва мослашувчанлик бўлса - хатти-ҳаракатингизни сизга керакли муносабатга эришгунингизча ўзгартиринг.

Мулоқотда шу һатижага эришишнинг турли-туман усул ва методларидан фойдаланишингиз мумкин. Ҳеч қачон эришилган натижада тўхтаб қолманг. Сизда инсоний муносабатлар оламида доимий равишда ривожланиш бўлсин.

#### 4-қоида. Ният тозалиги

Бу кўпчилик мулоқотда ўнугиб кўядиган жуда муҳим қоида.

Мен қиладиган барча иш мен ва атрофдагилар учун мақбул бўлсин.

Ҳаммамиз одамлар билан мулоқотимиз самарали бўлиши ва бизга кувонч келтиришини йстоймиз. Асосий масала шундаки ШАХСАН СИЗ бунинг учун НИМА қила оласиз? Мулоқот иккала томон учун ҳам максимал даражада самарали ва ёқимли бўлиши учун ўз хатти-ҳаракатингиз ва тажрибангизни қандай ташкил қилишингиз лозим?

*Бирроҳиб ўтган экан. У умрининг кўп қисмини дўзах жаннатдан нимаси билан фарқ қилишини аниқлашга сарфлаган экан. Бу масала устида у туну қун бош қотирапкан.*

Кунлардан бир қун у гайриоддий бир туш кўрибди. У дўзахга тушиб қолган эмиш. У ерда овқат тўла қозонлар атрофида ўтирган одамларни кўрибди. Ҳар бирининг қўлида узу-у-у-н дастали катта қошиқ бор экан. Бироқ бу одамлар оч, озғин ва бемадор кўринар экан. Улар қозондан қошиқни ботириб овқат олар бироқ оғзига сола олмас экан.

Бирдан унинг олдига бир шайтон югурниб келибди-да қичқирибди.

— *Хойроҳиб, тезроқ юр, бўлмаса жаннатга борадиган поездга кеч қоласан.*

*Роҳиб жаннатга борибди. У ерда нимани кўрибди денг? Ўша дўзахдаги манзара, Овқат тўла қозонлар, узу-у-у-н дастали қошиқ ушлаган одамлар. Лекин ҳаммаси қувноқ ва тўйқ экан. Роҳиб*

разм солиб қараса бу ерда одамлар ўша қошиқлар ёрдамида бир-  
бирига овқат едираётган экан.

### Машқ

Бугун күн давомида турли одамлар билан мuloқот қилинг.  
Мuloқotингизнинг аниқ мақсади бўлсин: одамга қандайdir  
ёқимли нарса бериш. Нималиги муҳим эмас. Муҳими мuloқot-  
дан сўнг бошқа кишининг, сизнинг ҳам қалбингизда кўпроқ  
яхшилик ва ёруғлик пайдо бўлсин.

Дарвоқе бу мослашувчанликка ўрганишнинг жуда яхши усу-  
ли.

Ўзингиз яхшилик қилишни бошланг. Ахир ўхшаш ўхшашни  
тортади. Фақат эҳтиёт бўлинг, яна бир ривоятдаги қушга ўх-  
шаб қолманг.

Бир қуш тақводор бўлишга қарор қилибди. У муқаддас китоб-  
ни очиб қуийдаги амрни ўқибди: Сенга нисбатан қандай иш  
тутишларини истасанг сен ҳам бошқалар билан шундай иш  
тумт.

Қандай доно амр! – деб ўйлабди қуш. – Бугундан бошлабоқ шу  
қоида асосида яшай бошлайман.

У мазали ва серсув мевалардан териб дугонаси, бия олдига  
учиб борибди.

– Салом, азиз дўгонажон, салом берибди у бияга. – Анчадан  
бери сен билан кўришмадик. Мен сенга жуда мазали ва фойдали  
мевалар олиб келдим. Марҳамат, еяқол.

Бия меваларни ебди-ю ўлиб қолибди.

Маълум бўлишича бу мевалар қуш учун фойдали, от учун эса  
захарли экан.

Ҳамма гап шундаки муқаддас китобда ёзилган бу амр сиз  
бошқа киши учун нима керак ва фойдали эканлигини аниқ билга-  
нингиздағина тўғри бўлади.

Ҳаётий тажриба кўрсатадики одамлар ўз истак ва эҳтиёжлари ҳақида кам нарса билади. Бошқаларнинг истак ва эҳтиёжлари ҳақида-ку инчунин.

### Машқ

Сизни севишлари, қадрлашлари ва хурмат қилишлари ҳақидаги ўз мезонларингизни аниқланг. Сиз буни қандай қилиб биласиз? Бу мезонлар рўйхатини тузинг. Энди бошқа кишидан (масалан, яқин кишингиздан) унинг меҳр ва хурмат мезонлари қанақалигини сўранг. Рўйхат тузинг.

Иккала рўйхатни қиёсланг. Улар мос келадими? Фарқи ни-  
мада?

Бу мезонлар беш-үн йил олдин қандай бўлганлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Беш-үн йилдан кейин қандай бўлиши мумкин? Шунчаки бу ҳақда хаёл суринг.

Шунда сизнинг мезонларингиз вақт ўтиши билан ўзгарганлигига амин бўласиз.

*Мен бир вақтлар хотиним билан муносабатимизда қанақадир таранглик вужудга келганлигини эслайман.*

*- Нима гап ўзи? - деб сўрадик биз бир-бири миздан.*

Ҳаммаси жуда oddий экан. Ўшанда биз ўғил кўрган эдик. Янги одамчанинг пайдо бўлиши билан оиласиз тузилишининг ўзи ўзгарган эди. Бола түғилгунча биз муайян тарзда ўзаро муомала қилган бўлсанг унинг пайдо бўлиши билан феъл-авторимизни ўзгартиришимиз лозим эди. Биз "айлана музокара столи" атрофига ўтириб ўзгарган вазиятни ҳисобга олиб ўзаро хурматимизнинг янги мезонлари рўйхатини туздик.

Биз ҳаммамиз ҳар хилмиз. Ҳар бир одам ўз оламида, ўз тасаввурлари билан яшайди. Шунинг учун одамлар билан самарали алоқа қилмоқчи бўлсангиз бошқа одамнинг оламини хурмат қилишингиз зарур.

## Қисқача хулоса

Самарали мuloқot шартлари

1. Бошқа киши билан мuloқotдан нима олмоқчилигингиз ва унга нима бермоқчилигингизни аниқ тасаввур қилинг.
2. Одам билан ўз фикрингиз ҳақида унинг тилида гаплашинг.
3. Бошқа кишининг оламини хурмат қилинг.
4. Ният тозалигидан фойдаланинг. Мен қилаётган барча иш мён ва атрофимдагилар учун фойдали бўлиши керак!
5. Мuloқotда муваффақиятсизлик бўлмайди. Фақат тескари алоқа мавжуд. Сиз доим ўзингиз туғдирадиган муносабат ва жавобни оласиз. Сиз олган муносабат сиз кутгандай бўлмаса бунда ҳеч қанақа хато йўқ.
6. Одамларда муваффақиятга эришиш учун барча қобилият бор.
7. Синчков ва сезгир бўлинг. Суҳбатдошингизни диққат билан тингланг ва унинг оламини тасвирлашнинг етакчи системасини аниқланг. Унинг кўз сигналлари ва гавда ҳаракатларига тез жавоб қайтаринг.
8. Мuloқotning турли каналлари орқали одамнинг оламига боғланиш. Ишонч ҳолатига эришиш. Эргаштириш.
9. Мослашувчанлик. Хатти-ҳаракатида мослашувчанроқ бўлган киши вазиятни бошқаради. Қилаётган ишингиз натижка бермаса бошқа бир иш қилинг. Мослашувчан бўлинг. Мен атроф оламдан нимадир олмоқчи бўлсам, ўз хатти-ҳаракатимни атроф оламда менга хоҳлаган нарсамни бериш истаги ўз-ўзидан туғилмагунча ўзгартиришим керак.
10. Бу дунёдаги ҳар бир одам менга ниятларимни амалга оширишда ёрдам беради. Бу менинг оламим. У мен учун мавжуд, мен эса – у учун.

## **Мулоқот суратига бир неча чизги**

### **АТРОФ ОЛАМ БИЗНИНГ ИСТАКЛАРИМИЗГА МУВОФИҚ КЕЛАДИ**

Турли-туман сигналлар уммонидан миямиз фақат биз күришни истаганимизга мувофиқ келадиган сигналларнигина пайқайди. Кейин эса биз бу сигналларни “оламдаги ҳақиқатда нима бўлаётгани” ҳақидаги тасаввурларимизга мувофиқ келадиган моделга жойлаштирамиз.

Бошқача қилиб айтганда биз одамларда ўзимиз кўришни хоҳлаган нарсани кўрамиз. Бироқ ўзимиз ҳам кимларнингдир истагига мувофиқ келамиз.

*Бир дехқон ҳамёнини топа олмабди. У бутун уйни излаб чиқибди бироқ у ҳеч қаерда йўқ экан.*

Уни ўғрилаган бўлсалар керак деб ўйлабди у. Шундан сўнг у охирги вақтда уйига келган кишиларни бир-бир эслабди. Унинг фикри бир болада – қўшинисининг ўғлида тўхтабди. У айнан ҳамён йўқолишидан олдин кирган эди. Ўғриликни шундан бошқа ҳеч ким қилимаган.

Болани кўчада учратган дехқон унинг ҳатти-ҳарақатидан ўз гумонларига кўпгина “далил” топибди. Қўшинисининг ўғли ўндан хижсолат бўлар, кўзини олиб қочар, умуман, ўзини ўғри мушукдай тутар экан. Бироқ дехқоннинг аниқ далили йўқ экан ва у нима қилишни билмас экан. Дехқон ҳар сафар болани кўчада учратганида у янада айбдорроқдай кўринаркан, дехқон янада қаттиқроқ аччиқланаркан. Охир у шундай ғазабланибдики “ўғриваччанинг” отасининг олдига бориб уни расман айблашга қарор қилибди.

*Шу пайт дехқонни хотини чақириб қолибди.*

— Карап, мән каравот орқасидан нима топдим дебди у ва унга ўйқолган пул тўла ҳамённи узатибди.

Сиз бирор кишига ўғри деб қарасангиз ў сизнинг олдингизда ўзини нокулай хис қиласди.

Масалан бир аёл эркаклар билан сира мұстаҳкам муносабат ўрнатолмайди. Ёки улар уни ташлаб кетади ёки у уларни биринчи бўлиб ташлаб кетади.

Нега шундай бўлади? Маълум бўлишича унинг онг остида ҳамма эркак ярамас ва хотинбоз деган ишонч бор экан (у бунга бир неча йил олдин, севгилиси бошқа аёлгага кетганида ишонч ҳосил қилган). Энди эса у ўзини ташлаб кетишларини кутади. Ёки қурбон ролида қолмаслик учун бу ишни биринчи бўлиб қилишга ҳаракат қиласди.

Бир мижозим атрофда фирибгар қўплигига ишонарди. У ҳар замон бу фикрига далил топиб юарди.

Ўзимиз ҳам тез-тез оммавий психозга берйлиб ўзимизга қасаллик орттирамиз. Бунга энг ҳарактерли мисол – грипп эпидемияси ва уни кутиш.

Эҳтиёт бўлинг! – деб қўрқитади одамларни оммавий ахборот воситалари. – Даҳшатли грипп вируси яқинлашмоқда!

Айрим одамлар аптекага югуради ва турли кимёвий ҳимоя воситаларини ғамлайди. Бошқалар вампирлар қўшини бостириб келиши кутилаётгандай саримсоқни бўйнига осиб атрофини саримсоқ билан ўраб олади. Уларга ўн қадамдан яқинроқ яқинлашмаган маъкул. Учинчи бирлари зудлик билан нимжон танасини чиниқтира бошлайди. Улардан: Йил бўйи нима билан шугулландингиз? деб сўрагинг келади. Айрим ваҳимачи одамларнинг эса ҳозирданоқ мазаси қочиб қолади. Вирус ҳали узоқда, одамлар эса касал бўлишни бошлаган. Бу манзарани кўриб грипп эпидемияси яқинлашяпти деган эмас, аҳмоқлик ва қўркув эпидемияси бошланди деган таассурот пайдо бўлади кишида.

Бу ҳакида яхши бир ривоят бор.

Дунё айланиб юрган бир роҳиб унинг шаҳрига кетаётган вабони кўриб қолибди.

— Қаёқча йўл оляпсан, эй вабо? — сўрабди роҳиб.

— Сенинг она шаҳрингга боряпман, жавоб берибди вабо. — Мен минг кишининг жонини олишим керак.

Бир қанча вақтдан сўнг роҳиб яна ўз йўлида вабони учратибди.

— Нега мени ўшандада алдадинг? — сўрабди у таъна билан. — Сен минг кишининг жонини олишим керак дегандинг лекин беш минг кишиникини олибсан.

— Мен ўшандада сенга рост гапни айтган эдим, жавоб берибди вабо. — Мен чинданам минг кишининг жонини олдим. Қолғанлари эса кўрқувдан ўлди.

Яна бир маслаҳат. Одамларга биринчи қарашдан баҳо беришга шошилманг. Сизнинг хуносангиз ҳақиқатга мувофиқ келмаслиги мумкин.

Грецияда семинар ўтказаётганимда бир ажойиб аёл билан танишиб қолдим. У профессионал массажчи, Рейка устаси. Бундан ташқари қартта ва кофе қуйқумида ажойиб фол очади.

— Бир неча йил олдин, деб бошлиди у ўз ҳикоясини, собиқ Иттифоқдан Грецияга эндиғина келганимда бир бой юонон аёлни массаж қиласдим. Унинг денгиз сөҳилида катта уйи бор эди. У ёлғиз яшарди. Мен уникига қунора келардим.

Биринчи қуниёқ мен унинг уйи олдида ўрта ёшлардаги бир эркакни кўрдим. У ёмон кийинган, қўриниши ҳам яхши эмас эди.

— Бу ким? — сўрадим аёлдан.

— Бу албаниялик қочоқ, жавоб берди у бироз (менга шундай туюлди) менсимаган оҳангда. — Мен унга овқат бераман, у эса менга хўжалик ишларида ёрдам беради.

Уни массаж қилганимдан сўнг у мени бирга тушлик қилишга таклиф қилди.

*Салоникига борадиган электричкага ҳали уч соат бор деб ўйладим мен – бироз қолишим мумкин".*

*Стол турли-туман овқат билан тўла эди. Биз бир оз оқ вино ичдик, яхшигина овқатландик, у ёқ-бу ёқдан гаплашдик.*

*Тушлик тугагач у столдаги барча овқат қолдиқларини бир тарелкага йиғди.*

– *Бу Санасисга, – деди у.*

*Ҳа ярамас! – деб ўйладим мен. – Ўзинг мана қандай овқатланасан, албанияликни эса сарқит билан боқасан.*

– *Нима, сўрадим мен овоз чиқариб, у шунни ейдими?*

– *Албатта, жавоб берди у. – Бу ишёқмаснинг қилаётган ишига бу ҳам кўп. Ўтган ҳафта, давом эттирди у, бир кун давомида умуман овқат бермадим.*

*Кун бўйи бу албаниялик миямдан чиқмади. Мен ўзимча аччиқланардим, – қандай қилиб одамлардан шундай нафротланиш, уларга ўз шоҳона дастурхонидан сарқитларни бериш мумкин. Ҳа, деб ўйладим мен, қочоқларга осон эмас. Бу ерда сарқит учун ишлашга рози бўлса ўз мамлакатида ажвол қандай экан.*

*Кейинги куни мен грек аёлга куч ишлатадиган массажни кўлашни қарор қилдим.*

*Сенга одамларни таҳқирлашни кўрсатиб қўяман деб ўйладим.*

*Унга худди шу керак экан.*

– *О-о-о, инграрди у роҳатланганидан, бугун сен жуда яхши массаж қилияпсан. Ўтган сафар бундай бўлмаганди. Мен сенга кўпроқ тўлайман, фақат сен доим шундай қил.*

*Тушлик пайтида мен ўзимни тутиб туролмай сўрадим:*

– *Нима учун сиз Санасисни сарқит билан боқасиз?*

– *Ҳа нима, ажабланди у, унга колбаса ёки лаҳм гўшт берайми?*

*Мана, Санасиснинг ўзи ҳам келди деди елкам оша қараб.*

*Мен орқага ўгирилдим ва уйнинг бурчаги ортидан пайдо бўлган катта сенбернарни кўрдим.*

— Бу ерга қелиб юрма, ишёқмас деди уй бекаси қаттиққұллик оғанғида. — Кечки овқатгача барыбир ҳеч нарса ололмайсан.

Күнглимдан тоғ ағдарылғандай бўлди.

— Санасис шуми? — сўрадим мен уй бекасидан овозимдаги кувончни яширмай.

— Албатта, жавоб берди у, мана шу семиз ва танбал маҳлуқ Санасис бўлади. Фақат сен нимага бунчалик қувонаётганини тушиунмаяпман.

Ўшандан бери одамлар ҳақида биринчи сўзига ва биринчи таассуротга қараб ҳукм чиқаришга шошилмайман.

Акс эттириш қонунидан фойдаланинг. Сизнинг бирор одам ҳақидаги мулоҳазангиз биринчи навбатда ўзингиз ҳақида мулоҳаза бўлади. Менинг танишим олинган ахборотни бузиб қабул қилған ва ўни қочоқ албаниялик образи билан боғлаган чунки ўнинг онг остида ўша пайтда ўзининг Грекиядаги аҳволидан (эрсиз, учтә бола билан нотаниш мамлакатда, тилни яхши билмаслик) қайғураётган қисм бўлган. Шунинг учун у албанияликда "яқин" кишисини кўрган. Шунинг учун ҳам у ҳақида шундай қайғурган. Танишим унга барча онгости туйғуларини: ачинишни ҳам, норозиликни ҳам, ғазабини ҳам кўчирган.

### Машқ

Энди эса амалий машқ қилиш вақти етди.

Кун давомида ўзингизга қуидаги фикрларни уқтиринг:

— Менга ҳаётда жуда ёмон одамлар дуч келади.

— Атрофда нуқул қўпол, разил, пасткаш одамлар.

— Дунё менга қарши.

— Ҳамма нарса ёмон ва даҳшатли, бу дунё адолатсиз.

Натижага эътибор беринг.

Кейинги кун давомида бошқа фикрлар билан яшаб кўринг:

— Мен ҳаётда фақат хайриҳоҳ одамларга дуч келаман.

– Ҳар бир одам менга ишларимда ёрдам беришга ҳаракат қиласы, мен ҳам одамларга ёрдам бераман.

– Олам адолатли ва уйғун, ҳаёт гүзәл.

Натижага эътибор беринг.

Дикқат! Хавфсизлик техникаси! Онг остингиз билан олдиндан уқтирилаётган фикрлар фақат бир күн ишлаши ва уларнинг фаолияти сизнинг истагингизга кўра тўхтатилиши мумкинлиги ҳакида келишиб олинг. Айрим фикрлар сизга ёқиб қолган бўлса улардан кундалик ҳаётингизда фойдаланишингиз мумкин.

Келинг шундай системани таҳлил қиласиз: Мен ва Атроф Оlam.

Атрофимдаги Olam – менинг оламим шунинг учун у мен туфайли мавжуд. Мен уни аждодларим тажрибаси асосида яратганиман. Мен эса бу Olam туфайли мавжудман. У мени яратган. Мен ва Olam – бир бутунмиз.

Бундан чиқди, менинг Olam билан талашадиган нарсам йўқ. Курашиш, рақобатлашиш ва бир-биримизни бўсбўянчилгининг ҳожати йўқ. Мен буни тушунгач мен учун яшаш жуда енгил ва қизиқарли бўлиб қолди.

Исо Масих шундай таълим берган эди: “Душманларингни сев”. Мен эса янги модел туфайли душман умуман йўқлигини тушундим. Бу дунёдаги ҳар бир одам менинг проекциям ва ўзимни акс эттиради. Шунинг учун атрофимдаги одамларнинг менга қандай муносабатда бўлиши фақатгина ўзимга боғлиқ.

Шахсан мен атрофимдаги одамларни оламни билишдаги иттифоқчи деб биламан. Бу дунёдаги ҳар бир одам менга ниятларимни амалга оширишда ёрдам беради.

## ХЕЧ ҚАЧОН ОДАМЛАР ҲАҚИДА ЎЗИНГИЗЧА ҲУКМ ЧИҚАРМАНГ

Сеансимда ўрта ёшлардаги аёл ўтирибди. Мен унга касал лигининг сабаби – қўшниларини қоралаш эканлигини тушунтип япман.

– Қандай қилиб уларни қораламай! – аччиқланади у. – Қўшниларимиз ўта пасткаш одамлар. Тасаввур қилинг-а, доктор, улар эримдан эрта тонгда ўзларини вокзалга элтиб қўйиши ни сўрашди. Бунгача у бир неча марта уларнинг нарсаларини дала ҳовлидан ташишга ёрдам берди. Масофа катта. Ҳеч бўлмаса бир марта унга бензин учун тўласа. Ҳатто таклиф ҳам қилишмади.

– Бунинг нимаси пасткашлик? – сўрайман мен ундан. – Ахир улар қўшнингиз-ку. Бугун сиз уларга ёрдам берасиз, эртага улар сизга.

– Бу албатта тўғри. Бироқ биласиз-ку, ҳозир ҳаёт қандай қийин, бензин ҳам қиммат.

– Эрингиз бунга қандай муносабатда?

– Унинг ҳам жаҳли чиқади. Бироқ йўқ деёлмайди.

– У уларга бензин ва пулдан қийналаётганини айтиб қўрмадими?

– Нима деяпсиз, доктор. У шундай тортинчоқ ва инсофлики буни айтмайди:

– Унда сиз айтинг.

– Мен ҳам айтмолмайман дейди у уж тортиб.

– Бундан чиқди, қўшниларингиз шунаقا ноинсоф, сиз билан эрингиз эса уларга қоралаш ва қаҳр-ғазаб юбориб – фариштасизлар. Шунинг учун ҳам касал бўляпсизки ўзингизда тажсовуз тўплайпсиз, у эса аста-секин организмингизни вайрон қиляпти.

– Ҳа, сиз ҳақсиз, фикримга қўшилади аёл. – Бироқ наҳотки уларнинг ўзи тўлаш кераклигини билмаса?

- Нега энді улар сизнің жуаммоларингізни билиши керак? Сизлар уларга бу ҳақда гапирмагансиз-ку. Бундан ташқари, менимча, уларнің ўз жуаммолари ҳам етарлі. Бирок шүниси әхтимолға яқынроққи құшниларингіз ҳам сизлардай төртінчөк кишилар бўлса керак. Шунчаки сизларга пул тақлиф қилишга уялаётган бўлсалар керак.

- Хўш, нима қилиш керак? - сўрайди аёл мендан.

- Сиз ва эрингиз учун ягона чордá тушунтираман мен, ўз тулингизни хурмат қилишни ўрганиш ва қўшниларингізга яхши муносабатда бўлиш. Кейинги сафар қўшниларингіз сизлардан ёрдам беришни сўраса өддий ва хотиржам тарзда молиявий қишинчиликларингиз ҳақида айтинг. Ўйлаймәнки улар сизни тушунади. Яна бир нарса. Бу жуда муҳим. Уларни кечиринг ва сабоқ учун раҳмат айтинг:

Бир ойдан сўнг бу аёл кабинетимга кирди. Мен ўнинг бу вакт ичида жуда ўзгариб кетганига дарров эътибор бердим. Қомати ростланган, ёшарган, юз тузилиши юшаган.

- Биласизми, дейди у жилмайиб, сиз ҳақ экансиэ. Нақ бир ҳафтадан кейин қўшниларимиз эримдан өнасини қишлоққа олиб боришни сўраши. Эрим аввал рад қўлмоқчи бўлди бирок кейин журъат қилиб ҳозир пулдан қийналётгани, агар улар бензин учун пул берса уларни элтиб қўйишини айтди. Қўшнимиз буни рад этмайгина қолмай, ҳатто хурсанд бўлди. У олдин ҳам тўйламоқчи бўлганини бирок пул тақлиф қилишдан истикхола қилганини айтди.

Кўшниларимиз билан муносабатимиз изига тушди. Қасаллигим эса бутунлай қолиб кетди. Яна бу воқеадан сўнг мен кўп нарсани тушундим. Мен доим одамларга ўзимча баҳо берардим. Бирок одамлар ҳар хил-ку. Пулга тўғри муносабатда бўлишни ҳам социализмда бизга ҳеч ким ўргатмаган. Мана энді сабоқларни ўтаяпмиз.

## ОДАМЛАРНИ ЭШИТИШНИ ЎРГАНИНГ

Шунда одамлар сизга ўзи ҳақида кўп қизиқарли нарсаларни айтиб беради. Инсон сўзлари орқали ўз олам моделини намоён қиласди.

Масалан у кимнидир қораласа ёки сўкса кўнглида ўзи шунаقا.

Бу борада сиёсатчиларимиз ва депутатликка номзодларнинг сайловолди кампаниялари жуда кўргазмали. Бир-бирига шундай мағзава ағдаришадики эшитиб маза қиласан!

Энди буларнинг ҳаммасини янги тафаккур модели нуқтаи назаридан эшитиб кўрсак-чи?

Аён бўладики ўз рақибини танқид қилиб фош қилаётган сиёсатчи – кўнглида ўзи шунаقا. У шунчаки ҳали ўзини кўрсатмаган. Лекин ҳокимиятга келса ўзини “бутун гўзаллиги билан” намоён этади. Ишонаверинг.

Энди ишонаманки сиз муносиб номзодни танлай оласиз. Ёки ўзингиз шундай номзод бўлишингиз мумкин.

Бироқ одамларни тинглай олиш сизга фақат сайлов пайтидагина асқотиб қолмайди.

*Бир сафар мен бизнесменлар учун семинар ўтказдим. Семинар охирида олдимга бир одам қелиб шундай деди:*

– Валерий Владимирович, мен сизга бераётган билимларнингиз учун миннатдорчилик билдиromoқчиман. Улар туфайли меннинг бизнесдаги ишларим яхшиланди. Мен янада фойдалироқ битимлар туза бошладим, айниқса мен учун шерикларни тинглаш қобилияти қимматлиқ бўлиб чиқди. Бу қобилият туфайли мен катта миқдордаги пулни ўйқотишдан сақланиб қолдим. Сизга қизиқ бўлса бу қандай бўлганини айтиб бераман.

– Албаттa қизиқ дейман мен.

— Яқинда бир одам менга бир катта ишда ўз ҳиссам билан иштирок этишини тақлиф қилди. Иш катта даромаддан дарап берарди ва мен рози бўлдим. Бироқ сұхбат охирода у қароримни ўзгартиришга мајсбур қилган бир гапни айтиб қўйді. У шундай деди: *Билгизми Сергей, бу дунёда пасткаш одамлар кўп. Сиз эса менга жуда ишончли одам бўлиб кўриняпсиз шунинг учун мен айнан сиз билан ишлашни хоҳлайман.*

Бу сўзлардан кейин мен қандайdir кечиктириб бўлmas ишларни ваяж қилиб битимни рад этдим. У мени узоқ кўндиришга ҳаракат қилди бироқ мен ўз фикримда қатъий тўриб олдим.

Бир ойдан кейин эса бу одам бир ошнамни катта пулга тушрганини эшидим. Шундай қилиб унинг пасткашлиги юзага чиқди.

Одамлар билан мулоқотдаги яна бир жиҳат.

Кимдир бир нарса деса-ю сизга қаттиқ тегса унга алоҳида эътибор беринг. Демак бу жумла, сўз сизнинг кўнглингизда акс садо беряпти. Ахир бир одам сиз билан сизга нотаниш хорижий тилда гаплашса сиз уни тушунмайсиз-ку.

Бир неча йил олдин мен ҳатто ўзим билан блокнот олиб юрар, унга менга қаттиқ таъсир қилган жумла ва сўзларни дарров ёзиб кўярдим. Кейин уйга келиб онг остим билан “муҳокама” ўтказардим. Ўша пайтда бу менга ўз устимда ишлашга жуда катта ёрдам берган.

Қачон биз бошқаларга ниманидир исботлаймиз?!

Маълум бўладики биз бошқа кишига исботламоқчи ёки зўрлаб ўтказмоқчи бўлган нарса ўзимиизга етишмас экан. Биринчи навбатда биз ўзимиизга исботлаймиз. Ҳаммаси қандай оддий! Баҳс ва жанжал керак эмас экан. Ким ҳақ, ким айбдорлигини аниқлаш аҳмоқона иш экан. Жуда дикқатли бўлиш ва сұхбатдошигни тинглай олиш керак. У сенга ўзи ва сен ҳақингда ҳамма нарсани айтиб беради.

## ОДАМНИ ҚАНДАЙ БҮЛСА ШУНДАЙЛИГИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГ

Бу маслаҳатни бошқалардан қанчалик күп әшитамиз!

Бироқ одам сизга ёқмаса бу маслаҳатдан қандай фойдаланиш мүмкін? У сиз учун жирканч бүлса. Сизни ҳақорат қылса.

Бошқа одамни қабул қилиш дегани нима? Бу жумла ортида нима туради?

Хар бир одам ўз олам модељида яшайди. Одамни тушуниш учун унинг оламини тушуниш зарур. У қандай тузилган? Бу одам қандай моделдан фойдаланади?

Бундан ташқари, йўлимда кимдир учраса демак мен бу одамни ҳаётимга нима биландир жалб этганман. У менга қандайдир муҳим ахборотни етказяпти.

Ўзингни қабул қилиш дегани-чи, бу нимани англатади?

Акс эттириш қонунига асослансанк гениал хulosса келиб чиқади:

*Бошқа кишидаги сизга ёқмайдиган нарса сизнинг ўзингизда мавжуд.*

Бироқ хафа бўлманг! Бошқа фикр ҳам тўғри:

*Бир одамдаги сизга ёқадиган нарса сизда ҳам бор.*

Буни қандай тушуниш керак? Жуда оддий.

Сизга бошлиғингиз ёқмаса (шу ғирт золим ёки молдай бефаҳм) демак сизнинг онг остингизда шундай қисм бор, бошлиғингиз шу пайтда уни акс эттиряпти. Ўзингиз ўзгаринг – у бошқача бўлиб қолади.

Сиз жирканувчан бўлсангиз ва ҳар қандай кирликка тоқат киёлмасангиз демак тозаликни аввало ўз қалбингизда ўрнатишингиз керак.

Узоқ вакт психотерапевт бўлиб ишлаб мен кўпчилик одам норасолик комплексини ҳис қилишини аникладим. Кейин эса уларни айблайдиган ёки танбеҳ берадиган одамлардан хафа бўладилар. Бундан кўра одам бор-йўти ўзини қабул қилиши ва яхши кўриши керак.

Бу нима дегани? Кўпчилик бу ҳақда гапиради бироқ буни қандай қилиш керак?

Бу иш унчалик осон иш эмас. Чунки ўз-ўзингни қабул қилиш ва яхши кўриш – ўз устингда улкан ишни амалга ошириш демак. Ўз ҳаётингнинг мақсади ва мазмуни ҳамда инсоннинг вазифасини англаб етиш. Ўз устингга жавобгарликни олиш ва ўз оламингнинг ҳўжайини бўлиш.

Бошқа одамни қабул қилиш нима дегани? Бошқа одамни қандай бўлса шундай қабул қилиш – унда ўз аксингни кўриш, сабоқ учун миннатдорчилик билдириш ва ўзингни ўзгартиришdir.

## БОШҚАЛАРНИ БАХТЛИ БЎЛИШГА МАЖБУР ҚИЛИШ КЕРАК ЭМАС

Паркда сайр қилиб юрганимда олдимга икки аёл келади.

– Сиз ҳақиқатни билишни истайсизми? – сўрайди мендан кексанроқ аёл менга рангли буклет узатиб.

– Ҳақиқатни? – ажабланаман мен. – Нима ҳақида? Мен доим фақат ҳақиқатни билишни истаганман.

– Дунёни ким бошқараётганлиги ҳақида? – дейди бошқаси, ёшроғи.

– Бу жуда қизиқ, дейман мен самими тарзда, юпқагина китобчани қўйлимга оларканман. – Хўш дунёни ким бошқараётган экан? – сўрайман мен, китобчанинг номини ўқишга ҳаракат қилиб. Бироқ ички сезги билан бу қанақа китобча эканлиги ва булар қанақа кишилар эканлигини сезиб турибман.

Мана кўрятисизми, яна ёши катттароғи сўз олади, сиз дунёни аслида ким бошқараётганини билмайсиз ҳам. Дунёни Шайтон бошқаряпти.

– Сиз буни қаердан биласиз? – сўрайман мен. – Сиз у билан танишмисиз?

Кекса аёл нима деб жавоб беришни билмайди. Бироз түхтаплиш соодир бўлади.

— Атрофингизга бир қаранг, сұхбатга ёшроқ аёл аралашади. Унинг хатти-ҳаракати ва нутқи бироз тажсувузкорлашади.

Мен у ек-бу ёққа қарадим.

— Биласизми, дедим мен бироз жимликтан сұнг, мен Худонинг гўзал мавжудотларини кўряпман: мана азим кедр, мана бу эса ҳушқад қайнин, ана олмахон сакраб юрибди. Сиз бу ерда Шайтонни қаердан кўрдингиз?

— Сиз дунёда нима бўлаётганини бир қаранг: гиёхвандлик ва фоҳишабозлик, урушлар ва касалликлар. Инжилда айтилган давр келди. Дунёни Шайтон бошқаряпти.

— Менимча эса, дейман мен, бу дунёни сиз билан биз ва отоналаримиз шундай қилган. Ҳамма айбни Шайтонга ағдариш керак эмас.

Менинг бу одамлар билан гаплашишга қизиқишим бутунлай йўқолади.

— Биласизларми, дейман уларга, буклетни қайтара туриб, сизнинг Шайтон тантана қилаётган дунёнгиз мени қизиқтирамаяпти.

Мен уларга яхшилик тилайман ва кетаман.

Кейинроқ бир таниш аёл менга уларнинг тузогига илиниб нима ҳақида гапиришини эшлиши учун уларнинг йиғилишига борганини айтиб берди. Бу диний секталардан бири экан. Улар ҳозир Россиядагина эмас, Украинада ҳам кўп. Одатда уларни Америка ёки Европадан келган тарғиботчилар очади. Бироқ дарров бир мантиқий саволни бергинг келади. (Қизиқ, нима учун одамлар бу саволни беришни, ҳеч бўлмаса ўз-ўзига беришни хаёлига ҳам келтирмайди?)

Жаноблар, нима мақсадда сиз биз томонга тарғибот қилишга келяпсиз? Балки сиз томонда касалликлар камайиб жиноятчилик озайдими ёки гиёхвандлар сони камайиб кетдими? Асло. Ундай бўлса бизнинг қалбимиз сизга нега керак бўлиб қолди.

Ўзингизда тарғиботга мұжтоjlар камми? Аввал ўз уйнингизда тартиб ўрнатинг, шунда шахсан ўзим сиздан ўрганишга бораман.

Бошқа одамга ўзингда бўлмаган нарсани бериб бўлмайди. Ўзингни яхши ҳис қилмагунча одамларга яхшилик қилиб бўлмайди. Бахтсизлик улфат излайди, баҳт эса баҳтга интилади. Ҳеч кимни бу дунё қандай гўзал эканлигига ишонтириш керак эмас. Ўзингизни баҳтли инсонга айлантиринг, шунда одамларнинг ўзи маслаҳат сўраб олдингизга келади.

### СЕНДАН ЁРДАМ СҮРСАЛАР

Сендан ёрдам сүрасалар демак сен бу одамга ёрдам бера оласан. Кўнглингнинг қаериладир муаммонинг ечими бор. Бундан ташқари бу одамга кулфатдан халос бўлишга ёрдам бериб ўзига хос эмланасан. Чунки ҳар бир одам – бу дунёдаги ўзингизнинг аксинг-да.

“Хузурингга келган ва бир нарса сўраган одамни хайдама”.

Бир киши сиздан ёрдам сүраса бу шундан далолат берадики у онгли идроки доирасидаги барча имкониятларни ишга солиб бўлган.

Кимгадир муаммосини ҳал қилишда ёрдам бериб сиз мўайян билим ва тажрибага эга бўласиз демак ҳаётингиздаги шундай муаммодан сақланиб қоласиз.

Масалан менинг хузуримга доктор сифатида одамлар келиб ёрдам сўрайди. Улар соғлом бўлишни истайди. Мен уларга бунда ёрдам бераман. Шунинг учун ёрдам бераманки соғлик алгоритмини биламан ва ўзим ҳам ундан фойдаланаман. Бунда мен ўзим ҳақимда, ўз соғлигим ҳақида ҳам қайгураман.

Мен кимёвий ёки биологик препаратларни айтиб тайёр рецепт бермайман. Чунки ҳар бир одам ўзига хос. Маслаҳат ҳам бермайман. Мен ҳар бир одамга ўз онгости, ички захираларига

йўл топишга ёрдам бераман, улардан фойдаланиб одам ўзини ўзи соғлом қиласди.

## ЙЎҚ ДЕЙИШНИ ЎРГАНИНГ

Бир томондан бошқаларга ёрдам бериб ўзингга ёрдам берасан. Бироқ бошқаларга ёрдам бериб ўзингни унутсанг ўзингни курбон қилсанг эртами кечми сенинг ёрдаминг сен учун ҳам, ўша одам учун ҳам кулфатга айланиши мумкин. Бундай вазиятда “йўқ” дея олиш керак.

Бир вақтлар мен йўқ дейишни ўрганишимга тўғри келган. Бу унчалик осон бўлмаган. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а. Менга бир аёл қўнғироқ қилиб илтимос қиляпти:

— Доктор мени қабулингизга иложи борича тезроқ ёзиб қўйсангиз.

— Биласизми, жавоб бераман мен мижозларимни қайд қиладиган дафтаримни кўздан кечириб, бу ҳафтада менда бирорта ҳам бўш жой йўқ.

— Доктор, лекин мен кутолмайман деган бўзлаган товушни эшиштаман. — Менга ёрдам беринг, илтимос!

Нима қилиш керак? Ичимда икки қисм курашади. Бироқ сен Гиппократ қасамини ичгансан. Одамларга ёрдам беришинг керак дейди. Иккинчиси эса: сен ўғлинг билан тренировкага бормоқчи эдинг. Йишиг тўфайли оиласанг учун умуман вақтинг қолмаяпти.

Бурч туйғуси ғолиб чиқди.

— Хўп яхши, дейман мен, эртага келинг.

Мен бу аёлни дафтарга ёзиб қўяман.

Хўш, кейин-чи?

Оқибатда у қабулдан норози бўлиб қолди. Мен эса у билан мулоқотга нақ бир соат сарфлаган бўлсам-да ундан пул олмадим.

— Мен сиз мени гипноз қиласиз, ҳамма жұаммұларымни ҳал қиласиз, мен соғлом бўлиб уйғонаман деб ўйловдим деди у:

Нега шундай ҳолат юз берди?

Чунки мен ўзимни ва вақтимни қурбон қилдим. Бироқ бундай қурбонликлар ўзини оқладими? Ўзи ҳаётда бирор нарсаны қурбон қилиш керакмикан?

Хозир бирор одам құнғироқ қилиб қабулимга “менинг” вақтимга ёзиб қўйишни сўраса мен кейинроқ құнғироқ қилишини сўрайман ёки мен учун ҳам, у учун ҳам қулай бўлган бошқа пайтга ёзиб қўяман.

Албатта ҳаётда ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўладиган экстремал вазиятлар ҳам бўлади. Бундай ҳолатда мен уйкумдан қечиб инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун оёғимни қўлга олиб югураман. Бироқ ҳатто шундай ҳолатларда ҳам онг ости даражасида мижозларимга мурожаат қилиб улардан кризис учун қулайроқ вақтни танлашни илтимос қиласман.

Бў ҳақда бир латифа бор:

— Воега Одессада бўляпти. Рабинович аптекасини ёпиб уйига отланяпти. Унинг олдига бир одам келиб илтимос қиляпти.

— Илтимос, аптекани ёпманг. Мен дори сотиб олишим керак.

— Менга қара, дейди унга Рабинович, сенга одоб-ахлоқни ўргатмаганларми? Мен куни бўйи ишладим, энди уйга кетяпман. Мен овқатланмоқчиман. Эртага эрталаб кел.

— Бироқ мен эртагача ўлиб қолишим мумкин.

— Э-э-э азизим, сен касаллигинга сиғинишга тайёрсан. Бироқ менинг сенга гапим шу: сенинг касаллигинг менинг кечки оғектимдан мұхимроқ эмас.

Бирор одам менинг жадвалимга мос келмаяптими, унда у онгости равища мен билан учрашишга тайёр эмас. Демак мен ҳам унга ёрдам беришга тайёр эмасман, яхшиси у иккаламиз

учун қулай бўлган бошқа бир вақтда келсин. Ёки бошқа мутахассисга мурожаат қилсин. Бу кўп бор амалиётда тасдиқланган.

*Мана бошқа бир мисол.*

*Мижоз қабинетимга кириб гапни шикоятдан бошлайди:*

*- Доктор, мен сизга қийинчилик билан қўнғироқ қилдим ва олдингизга ҳам қийналиб билан кирдим. Умуман мен кўп шифокорлар ҳузурида бўлдим. Уларнинг ҳаммаси лўттибоз экан. Охирги марта фалончи шифокорнинг қабулида бўлдим. У мени даволайман деди лекин алдади. Пулймни шилиб олди бироқ менинг аҳволим яхшиланмади.*

*Биринчи гапиданоқ мен олдимда пулни биринчи ўринга қўядиган ашаддий ёлғончи турганини тушундим. уни ўз соғлиғи умуман қизиқтирмасди.*

*- Биласизми, дейман мен унга, мен сиз билан ишламайман.*

*- Нега энди? - сўрайди у бироз паст тушиб.*

*- Биринчидан, дейман, мен сиз айтган барча шифокорлар ва ўша докторни хурмат қиласман. Уларнинг ўрнида бўлишни, сиз кимгадир доктор Синелников лўттибоз дейишингизни хоҳламайман. Иккинчидан, давом эттираман мен, одам шифокорнинг олдига келиб гапни шикоятдан бошладими демак у шифокорга ишонмайди. Одам докторга ишонмайдими, соғлиқ ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.*

Умуман олганда, сизнинг ҳа ёки йўқ дейишингиз муҳим эмас. Буни қандай фикр ва туйғулар билан қилишингиз муҳим.

Масалан қарзга пул берсангизу бироқ пулни сизга қайтарадиларми, йўқми деб безовта бўлсангиз бу пулнинг у одамга фойдаси бўлмайди. Сизнинг кўнглингизда ҳам ёқимли туйғулар бўлмайди. Бироқ сиз очкўзлик ёки ишонмаслик туфайли йўқ десангиз бу ҳам энг яхши вариант бўлмайди.

Ўзим учун мен аллақачон шуни тушуниб етганманки одамга яхшилик билан ёрдам берсанг ёрдаминг фойда келтиради. Агар

күнглингда ачиниш, шубча, айбдорлик каби туйғулар бўлса ўз ҳаракатинг билан фақат зарар етказасан. Халқда бу қош кўяман деб кўз чиқариш дейилади.

“Йўқ” сўзини айтишда ҳам худди шундай

Мен йўқ десам бу одамга ёрдам беришдан бош тортияпман дегани эмас. Ахир ёрдамни турли усул билан бериш мумкин. Бир одамга яхши сўз айтиш керак, бошқасига пул бериш керак, учинчисига шунчаки яхши бир тепки керак. Муҳими, менинг ҳаёки йўқ дейишим мен учун ҳам, атроф олам учун ҳам фойдали бўлиши керак.

Мен аввало ўз туйғу ва фикрларимга таянаман. Улар эса ҳар қандай ҳолатда тоза бўлиши керак.

## ХИМОЯ

Кейинги вақтда пештахталарда энергетик ва психологик ҳимояга доир жуда кўп китоб ва бошқа турдаги ахборот пайдо бўлди. Баъзилар ўзини қайтарувчи қалпоқ ёки энергетик пилла билан ўраб олишни маслаҳат беради. Бошқа бирлари қандайдир модуллар олиб юради, яна уларни майший төхникага ҳам ёпишитиради. Учинчилари микроб ва паразитларни йўқ қиласиди. Кўпчилик одам бу найрангларга учади чунки ҳали ҳам эски “Курбон – Золим” модёли асосида яшайди.

Ҳаммаси жуда оддий. Гап шундаки “ҳимоя” сўзи “хужум”ни англатади. Шунинг учун онг даражасида ўзингизни ҳимоя қилаётганингизда онгости даражада хужум қиласиз. Қанчалик қаттикроқ ҳимоя қилсангиз шунчалик қаттикроқ хужум қиласиз. Бундан чиқди, ўзингизни ўзингиздан, қаҳрли ва тажовузкор ўзингиздан ҳимоя қиласиз.

– Валерий Владимирович, сўрайди мендан бир аёл мижозим, сиз ўзингизни ҳимоя қилмайсизми?

– Кимдан ёки нимадан? – сўрайман менундан ўз навбатида.

– Нимадан бўларди, дейди у, бу дунёда қанча ёвуз, ёмон кўзли ва ҳасадгўй одамлар бор. Одам ўзини улардан эҳтиёт қилиши керак.

– Шахсан мен учун, дейман мен, ёмон одам йўқ. Ичингда қанақа одам бўлсанг атрофингдагиларни ҳам шунақа кўрасанда.

Ишонаманки энди сиз кейинги пайтда урф бўлган ҳимоя техникалари (психологик, энергетик, информацион)нинг бутун аҳмоқоналиги (ҳатто заарли эканлиги)ни тушуниб етдингиз. Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзини алдаш. Сароб. Ахир сиз ҳимояланаётib ҳужум қиласиз демак курашасиз ва вайрон қиласиз.

## БАҲСНИНГ АҲМОҚОНАЛИГИ ВА ФОЙДАСИЗЛИГИ ҲАҚИДА

Ҳақиқат баҳсда туғилади дейдилар. Бироқ келинг мисолда кўрамиз, чинданам шундаймикан.

Икки киши қайси овқатланиш системаси яхшироқлиги ҳақида баҳслашяпти. Бири алоҳида-алоҳида овқатланиш тўғрилигини таъкидлайди, иккинчиси эса вегетерианликни ҳимоя қиласди. Шуниси қизиқки ҳар бири рад қилиб бўлмас тарихий ва илмий далилларни келтиради. Ким ҳақ?

Сиз бу вазиятга янги дунёқарашиб модели асосида қарасангиз бир томондан иккаласи ҳам ёлғон гапираётгани, бошқа томондан иккови ҳам ҳақлигини дарров тушуниб етасиз. Шундай бўлиши мумкинми? Мумкин.

Гал шундаки вегетериан учун гўшт – сўйилган ҳайвоннинг мурдаси, гўштхўр учун эса – хушбўй ва қон ҳосил қилиш учун фойдали бифштекс. Ким нима ҳақида ўйласа ўшани олади. Вегетериан гўшт емайди, унинг онгига образ – ўлдирилган ҳайвон мурдаси бор. Бу у учун жирканч. У буни ейдиган кишини қоралайди. Бироқ "... айбламанг, айбламайсиз...". Нимани инкор қиласангиз шуни оласиз. Вегетерианлар муайян касал-

ликларға гүшт еювчиларга нисбатан камроқ чалинади. Айрим худудларда чинданам вегетерианлик мақсадга мувофикар өле кин бошқаларида – бошқа овқатланиш усули мақбул. Чукчани фақат ўт-ўлан, мөх ва лишайниклар ейишга ўтказиб күринг. Унга нима бўлади?

Ҳамма гап НИМА ейишда эмас, балки ҚАНДАЙ яъни қандай фикр ва туйғулар билан ейишда. Овқат танлашда ўз сезги ва истакларингизга кулоқ солинг. Дунёқарашиңгиз ўзгариб фикрларингиз тозароқ бўла бориши билан овқатланишиңгиэнинг хусусияти ҳам шунга мувофиқ бўлади. Қанақа? Ўзингиз ўйлаб кўринг.

Бемаъни ва ҳал қилиб бўлмас баҳсга яна бир типик мисол. Кимнинг дини тўғри ва кимнинг Худоси ҳақиқий? Бу менга дарров фил нима эканлигини билмоқчи бўлган кўрлар ҳақидаги машҳур ривоятни эслатади. Биттаси филнинг хартумини ушлаб кўриб фил дегани йўғон ва илондай биланглайдиган нарса экан дейди. Иккинчиси оёқларини ушлаб кўради ва фил дегани тўртта катта устундан иборат деб ўйлайди. Учинчиси фил айнан ел чиқараётган пайтда думини ушлаб кўрибди. “Фил арқондай ингичка деб хulosча чиқарибди у. – Момақалдироқдай гумбурлар экан. Яна жуда сассиқ экан”.

Бироқ ривоят шу билан тугамайди. Кейинчалик хартумчилар, устунчилар ва думчилар секталари пайдо бўлибди. Ҳар бири ўзини ҳақ деб билар экан. Улар ҳозир ҳам бир бири билан баҳслашаётган бўлса керак.

Биз Худони кўра олмаймиз. Бироқ бу дунёда яшаб ўнинг кўринишлари билан иш кўришимиз мумкин. Шундай экан, Худо ҳақида гапириш, бунинг устига баҳслашиш керакмикан? Бу баҳслар ортида энг асосий нарса – ҳаёт ҳақида ўйлашни ўнугиб кўймасмиқанмиз? Ҳужайра бутун организмни кўра олмайди бироқ унда бутун организм ҳақида билим бор, акс ҳолда у ўз вазифаларини бажара олмас эди.

Хақиқат өттөн масалалари кейінгі вақтда мени умуман ташвишланағылар май күйін. Хақиқат ҳақидағи бағылар вақт да энергияның бекітілуінде сарғылыштырылады. Ҳамма нараса өттөн бирор қайсы бир вақтда бу өттөн ким учундир ҳақиқаттаға, аниқроғи ҳақиқаттадағы погонага айланыши мүмкін чунки бу дүнёда яшашга ёрдам беради.

Кимнинг дүнекарашы тұғрироқ: меникими ёки сизникими? Жавоб - униси ҳам, буниси ҳам эмас. Шунчаки сизнинг дүнекарашингиз сиңға қаңдайдыр натижаларға эришишга ёрдам беради. Меники эса бошқа натижага. Униси ҳам, буниси ҳам - ёки бу вазияттағы фойдалы бўлиши мүмкін. Тұғри ёки нотұғри нұқтаи назар йўқ. Фойдалы нұқтаи назарлар бор! Айнан шунинг учун мен ҳар қандай фикрга қулоқ соламан ва ҳар қандай модельдан ўзим учун энг қимматли нарсаларни оламан. Менга яшаш ва ҳаётдан завқланишга ёрдам берадиган нарсаларни.

## ОҚ ФОТИХА

Сиз мулокотни бошқа кишини бошқарадиган ёки унга бирор нарсаны үқтирадиган ҳолат деб тасаввур қылсангиз унда ютқазасиз. Сиз бу билан ўзингиз билан самарали алоқа қыладиган кишилар сонини чеклайсиз. Шунингдек шахсий ҳаётингизда ҳам ютқазасиз чунки сизни ким бошқараётганligини ўйлаб ташвишлана бошлайсиз.

Мен одамга қандайдыр салбий ва заарарлы нарсаны үқтиришим мүмкін. Уни алдашим, озор беришим мүмкін. Бирор мен бу билан ўзимга ёмон қилишимни жуда яхши тушунаман.

Одамлар доимо ва ҳамма жойда бир-бiri билан алоқа қылади. Улар буни қымбай туролмайды чунки ҳаммамиз күрінмас алоқадорлик илари билан ўзаро боғланғанмиз. Бу оламга алоқадорлик билан. Биз ягона ахборот-энергетик маконда яшаймиз. Ҳатто икки одам бир-бiriға нисбатан улкан масофада

турган бўлса-да улар барибир нозик ҳис, туйғу ва фикрлар даражасида мулокот қилади. Чунки энди биз биламизки фикр учун масофа мавжуд эмас.

Биз атрофимиздаги оламдан ажралган ҳолда яшамаймиз. Биз ва атрофимиздаги барча нарса бир бутундир. Ҳар биримиз буни тушунсак Табиат ва атрофимиздаги одамларга зарар етказишни бас қиласр эдик.

Ўзим ҳақимда гапирсан кейинги вақтда ҳатто тупуришни ҳам бас қилдим. Айтинг-чи кимдир олдингизга келиб сизга тупурса сизга ёқадими? Хўш, нега биз Ерга тупурамиз, уни чиқиндилар билан ифлослантирамиз, унинг остини кўвлаймиз?

Одамлар орасидаги мулокотда ҳам ҳозирги пайтда худди шу нарса содир бўляпти. Биз одатда ўйламастан мулокот қиласми. Суҳбатнинг оқибати бизни кам қизиқтиради. Мулокот мақсади ҳақида ўйламаймиз. Ҳеч қанақа экология йўқ. Шунчаки бир-биримизнинг кўнглимини жира қиласми.

Мён бирор одамни учратсан демак иккаламизнинг умумий онгимиз ва умумий оламимиз бор. У мени акс эттиради, мён эса уни акс эттираман. Айнан шунинг учун биз бир-биримизга таъсир кўрсатмай туролмаймиз. Демак шундай қилиш керакки бу таъсир ҳаммага фойдали ва ёқимли бўлсин.

Албатта сиз одамга озор беришингиз, уни хафа қилишингиз, энг ёмон сўзлар билан сўкишингиз мумкин. Бироқ бу билан сиз ўзингизга ёмон қиласиз. Ўша акс эттириш қонуни бўйича. Ахир бу дунёдаги ҳар бир одам сизнинг аксингиз бино-барин унга озор етказиб ўзингизга озор берасиз.

Мен мулокот жараёнини саёҳат деб қабул қиласман. Бошқа воқеликка саёҳат сифатида. Бу саёҳатдан нима билан қайтасиз? У сизни дронороқ ва кучлироқ қиласими ёки сунгги кучингизни тортиб оладими? Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

## **Ахборот ва билим**

### **АХБОРОТ ТҮФОНИ**

Келинг биргаликда бир нарса ҳақида ўйлаб кўрамиз. Ҳали уч юз йилча олдин Ерда ташқи оламдан узилган ва ўз қабилавий, аждодий воқелик моделида хотиржам яшаб юрган қабилалар бор эди. Бу уларга бошқа оламлар борлигини хаёлига ҳам келтирумай, ўз олами қобиғида роҳатланиб яшашга имкон берган.

Ҳозир дунё борган сари чегараларини йўқотяпти. Биз доимий равишда бошқа оламлар, воқелик моделлари билан тўқ-нашапмиз. Уларнинг кўпчилиги бизнинг оламимиздан тубдан фарқ қиласди. Улардан ўз оламимизни бойитиш учун фойдаланиш ўрнига биз уларни босқинчлилек ва душманлик сифатида қабул қиляпмиз.

Кейинги бир неча ўн йилликда инсонга улкан ахборот оқими ёғилди, баъзан бу ахборот бир-бирига зид. Кўпчилик буни ўз бутунлигига таҳдид сифатида қабул қиляпти. Бунга ҳимоя реакцияси сифатида жавоб тажовузи пайдо бўляпти.

Ўзингиз тасаввур қилинг-а. Ҳаракатланиш тезлиги 1900 йилга нисбатан 1000 баравар, ахборот узатиш тезлиги эса 10 миллион баравар ошди. Бу ахборот тўфонида қандай омон қолиши мумкин? Инжилда метафорик тарзда шу тўфон тасвирланмаганми кан?

Олимларнинг ҳисоблашича, ахборотнинг кўпайиши чизиқли эмас, логарифмик боғлиқликда кетяпти.

Чизиқли боғлиқлик:

2 – 4 – 6 – 8 – 10 – 12

Логарифмик боғлиқлик:

2 – 4 – 8 – 16 – 32 – 64

Бунинг устига ахборотнинг икки марта ошиш тезлиги ҳам шундай боғлиқликда ошиб боряпти.

Буларнинг ҳаммаси тайёрланмаган кишиларда жуда кучли стресс ва мўлжал ололмасликни туғдиряпти. Қадриятлар та-наззулга учраяпти. Бу ҳозир катта тезликда содир бўляпти. Билимлар тўпланяпти ва ўзгаряпти. Биз бир йил олдин ишонган нарса бугун бутунлай бошқача кўриниши мумкин.

Бутун ахборот оқимидан 1-2% и фойдали бўлади. Колгани психикага ортиқча юқ бўлади. Стресс, тарангликни келтириб чиқаради.

Агар сизда ташқи оламдан келадиган ахборотни пухта қабул қилиш, қайта ишлаш ва англаш (дешифровка қилиш) системаси бўлмаса чинданам бу ахборот оқимида чўкиб кетиш мумкин.

## КИМГА ИШОНИШ КЕРАК?

Ҳозир ишонч масаласи кескин равища кўндаланг туриб олди. Кимга ишониш керак. Баъзилар бир нарсани таъкидлайди. Бунда обрўли манбалардан далил келтиради. Бошқалари бутунлай тескари нарсани ёқладиди. Улар ҳам ўз фикрини илмий далиллар билан асослайди.

Масалан илгари юраги оғрийдиган киши туз истеъмол қилишни кескин қамайтириши керак деб ҳисобланарди. Бироқ кейинги илмий маълумотларга кўра туз юраги оғриганларга жуда зарур экан.

XVIII асргача куёш ёнар тош деб, ой эса муз бўлаги деб тасаввур қилинарди.

Ҳозир эса одамлар онгига куёш – қанақадир портлаш ва фолликлар содир бўлаётган ядро печи.

Дўстларим! Ахир бу ҳам олдинги жумлалар қаби ёлғон-ку. Шунчаки куёш ҳақидаги бундай тасаввур ҳозиргى замон олим-

лари учун жуда қулай ва замонавий физиканинг ривожланиш даражасини акс эттиради.

Мен ҳозир бошқа бир ҳақиқатни (ёки ёлғонни, зеро "сўзга айланган фикр ёлғондир") айтаман. Куёш инсондан чиқувчи ўзига хос Мухаббат, Яратиш энергиясини ёруғлик энергиясига айлантирувчи ғайриоддий кўзгудир. Нега шундай бўлмасин?! Менинг ёлғоним (ёки ҳақиқатим) ҳам ҳозирги замон физикларининг фикри каби яшашга ҳақли. Ҳеч бўлмаса менинг ёлғоним ядро портлашига нисбатан чиройлироқ ва фойдалироқ. Мен ҳатто бу тасаввурдан ҳаётда қандай фойдаланишни ҳам биламан.

Электродинамикада ҳам ҳолат шундай. Одам аввал мусбат ва манфий заррачаларни миясида яратиб кейин электр токи олишни ўрганди.

Худди шу тарзда инсон микроорганизмларни ўйлаб топиб кейин уларни кўрди. Бунинг устига биласизки фойдали микроорганизмлар бор, заарлилари бор. Кўряпмизки бу ҳолда ҳам ўша оламни яхши ва ёмон, мусбат ва манфийга бўлишга интилиш мавжуд...

Ҳозирги физик вакуум ва торсион майдонлар назарияси-чи! Мен унгга шунчаки қойил қоламан! Бир гуруҳ россиялик олимлар кашфиёт қилди. Унинг моҳияти куйидагича. Механика ва электродинамика курсидан биламизки заррача масса ва зарядга эга. Бироқ яқин кунларгача унинг айланишига деярли эътибор бермаганлар чунки бу кучни жуда кучсиз деб ҳисоблаганлар. Ҳар бир электрон ўз ўқи ва ядро атрофида айланади. Бундан ташқари ўнгга айланиш ва чапга айланиш бор. Бундан чиқди заррача (бинобарин ҳар қандай физик жисм ҳам чунки у шу заррачалардан ташкил топган) атрофида торсион (инглизча *rotation* – айланиш сўзидан) майдон деб аталган майдон ҳосил қиласди. Маълум бўлдики бу майдон улкан энергияга эга экан. Бунинг ҳаммаси экспериментал равишда тасдиқланди. Бу энергиядан фойдаланишни ҳам билиб олишди. Маълум бўладики

бизни узоқ ва астойдил күркитганлари энергетик танглик бизга хавф солмайди. Чунки физик вакуумнинг бир сантиметр куби энергияси бутун сайёрамизни иситишга етади. Мана сизга биз энди ўзлаштира бошлаган энергиянинг янги тури. Унга қиёслаганда ядро энергияси уммондан томчи холос. Муаммо бошқа ёқда. Мен буни жуда мухим деб ҳисоблайман. Биз ҳозирги пайтдаги ният тозалиги даражамиз билан янги энергияларни ўзлаштиришга тайёрмизми? Биз ҳали ядро энергиясини эплаёлмаяпмиз-ку.

Бироқ энди физикани қўя турамиз.

Маълум бўладики айрим одамлар худди шу тарзда ёвуз ва эзгу ружлар, жин ва фаришталарни яратади. Кейин эса одамларни уларнинг мавжудлигига ишонишга мажбур қиласди. Ким биринчи бўлиб жин, шайтонни ўйлаб топди? Дин. Бироқ ҳар қандай дин ортида ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган муайян одамлар туроди-ку. Қандай мақсадлар? Бў саволга ўзингиз жавоб беринг.

Шайтон ким уни мавжуд деб билса ўша одам учун мавжуд,

Ким у ҳақида ўйласа ва гапирса у ўша одамнинг миясида бор, ўша киши уни чақириб олади. Миясида борми, ўша одамнинг ҳаётида ҳам албатта пайдо бўлади. Шу тамойилга кўра: ким қиёмат ҳақида ўйлаб, гапирса ўша киши уни яқинлаштиради.

Мен бир нарсани ўйладим. Нега энди инсоннинг шундай чексиз имкониятларидан эзгу мақсадда фойдаланмаслик керак экан. Биз билан сиз (ва аждодларимиз) ўз фикр кучи билан бир вақтлар барча маълум бактерия ва вирусларни (шу жумладан сил, сифилис ва ОИТСни) яратган эканмиз, келинг энди фойдали микроорганизмларни яратайлик. Уларни бошқаришни ўрганайлик. Улар ёрдамида сайёрамизни ахлатдан тозалайлик, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилайлик (дарвоқе бундай микроорганизмлар ҳозир яратилган). Шунда қиёмат ишқибозлари бизни охирзамон билан кўркитишни бас қиласди.

Ахборотнинг кўплигидан инсон ахлоқсизлашиб кетяпти. Ҳозир кун кишисининг эътиқоди жуда сусайиб кетди. Айрим киши энди ҳеч нарсага ишонмай қўйган. Бошқалари мутаасибга айланяпти. Бу даҳшат.

Хўш, эътиқод нима ўзи?

Келинг яна рус тили луғатига қараймиз. Эътиқод (вера) – бирор киши, нарсага комил ишонч. Бирор нарсанинг мавжудлигини ҳақиқат деб эътироф этишга тайёрлик.

Бироқ сиз билан биз биламизки Ҳақиқатни сўз билан тасвирлаб бўлмайди. Буни қилишга бўлган ҳар қандай уриниш ундағ узоқлаштиради. Бунда Ҳақиқат эмас, бор-йўғи унинг тасвири яъни кимнингдир нуқтаи назари ҳосил бўлади. Айнан шунинг учун ҳақиқат ва эътиқод масалалари шахсан мени кейинги пайтда мутлақо ташвишлантирмай қўйган. Мен шуни жуда яхши биламанки борлиқнинг ҳар қандай тасвири – бор-йўғи у ёки бу вазиятда заарарли ёки фойдали бўлиши мумкин бўлган ахборот.

Менинг фикримча фикрлайдиган, оқил одамга мутлақ, кўр-кўrona эътиқод умуман керак эмас. Билим эътиқодга муҳтож эмас. Кўр-кўrona эътиқод – аҳмоқларни лақиллатишнинг ажойиб воситаси.

Бутун олам тортишиш қонуни сиз унга ишониш-ишонмаслигингиздан қатъи назар мавжуд. Сиз бу қонунни билишингиз ёки билмаслигингиз мумкин. Бироқ у ишлайди!

Кўр-кўrona эътиқод мутаассибликни туғдиради. Ўйлайманки диний мутаассиблик кўринишлари ҳаммангизга таниш. Бироқ мутаассиблар фақат динда мавжуд эмас. Улар фанда ҳам жуда кўп. Кейинги вақтда бизнесда ўзига хос тузилма – тармоқли маркетинг пайдо бўлдики унга ҳам ўз ишининг мутаасиблари жуда зарур.

Мутаассибни таниб олиш жуда осон. У ўзи дастурланган нуқтai назардан фарқ қиласидиган қарашни асло қабул қилмайди.

Бир пайтлар менинг олдимга тез-тез “тармоқчилар” келиб мисли күрилмаган даромад ваъда қилиб у ёки бу маркетинг тузилмасига киришга таклиф қилишарди.

– Сиз гомеопатия ва психология билан шуғулланар экансиз, дерди улар, бу тармоқли бизнесда муваффақиятли ишлаш учун айнан керак нарса.

Мен уларга менинг фаолиятим тузилиши бирор хил маҳсулот ёки қўшимчаларни тарқатишни тақозо қилмаслигини тушунтирудим. Бироқ улар тинчланмади. Шунда мен бошқача йўл тутдим. Бу одамларга бу препаратларни кўллаш ва уларнинг тармоқли тузилмада шахсан иштирок этиш қандай зарар келтириши мумкинлигини батафсил тушунтира бошладим.

– Биласизми, деди улар, бизга сизни эшиши мумкин эмас. Сиз айтиётган нарсалар бизнинг маҳсулот ва структурага бўлган ишончимизга путур етказади. Биз ишончсиз ишлай олмаймиз. Биз унда одамларни биздан у ёки бу товарни сотиб олиш ёки корпорацияга аъзо бўлиш кераклигига ишонтира олмаймиз.

Ўшандан бери улар мени тинч қўйишиди.

Хўш, кўмга ишониш керак ўзи?

Гестапо бошлиғи отахон Мюллер айтганидек: “Бу дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмайди, баъзан ҳатто ўзингга ҳам, менга эса ишонса бўлади! Ҳа-ҳа-ҳа”.

Бироқ жиддий гапирадиган бўлсак, эътиқод масаласи – ҳар бир кишининг ўз танлови. Биринчи навбатда билимдон, маърифатли инсон бўлишга интилиш керак. Маърифатли кишини мутаассибдан ажратиш жуда осон. Билим одами ҳеч қачон ҳеч кимни ҳеч нарсага зўр бериб ишонтиrmайди. У ўзи ва ташки олам билан уйғунликда яшайди. Ўзини қандайдир битта нуқтаи назар билан чекламайди. Бирор нарсанни инкор қилмайди. Оламни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб доим изланиш ва ривожланиш ҳолатида бўлади. Эътиқод ва билимни текшириш жуда оддий. У олма меваси олма дараҳтидан йироқ-

қа тушмайди деган мақолда ифодаланган. Икки минг йил олдин эса Исо Масих бу ҳақда шундай деган: Мевасига қараб баҳо беринг.

Масалан сиз окулист ҳузурига келдингиз, унинг ўзи кўзойнак тақиб ўтирибди. Ёки шифокор кардиологнинг юраги касал. Бу ҳолда қанақа соғлиқ ҳақида гап бўлиши мумкин? Сиз яна шунақа "мутахассис" кўлида даволанмоқчи бўлсангиз унда сиз шубҳасиз, касалсиз. Тузалмайдиган бефаҳмлик касаллигига чалингансиз.

*Бир сафар мён машхур экстрасенс ва шифокорни маъруза ўқиш ва тренинг ўтказишга таклиф қилган бир гуруҳда бўлган эдим. Чиқиш охирида гуруҳдан қимдир тўғри овқатланиш ҳақида сўради.*

— Фақат ўсимлиқдан тайёрланган овқатни ейиш керак, деди у, — яна одам ўзини никотин ва алкогол билан заҳарламаслиги керак.

*Маърузадан сўнг семинар ташкилотчилари шифокорни ресторанга таклиф қилишди. У ўзига, сезиб турганингиздек, сих кабоб ва қизил вино буюрди.*

Мана бошқа бир мисол: мамлакатни бошқа давлат фуқароси бўлган амалдор бошқаряпти. Шахсан менда дарров савол туғилади: нега у ўз Ватанига бориб ўша ерда тартиб ўрнатмайди?

Ишониш ёки ишонмаслик, билиш ёки билмаслик — йўл танлашdir. Ундан шахсан ўзингиз юрасиз. Шунинг учун бу йўл сизники ёки сизники эмаслигини ўзингиз ҳал қилинг, аниқланг. Нимани танласангиз ўша билан яшайсиз.

## АХБОРОТ ВА БИЛИМ

Рус тили луғатиний олиб "информация" сўзини топамиз. Информация – атроф олам ва унда содир бўлаётган жараёнлар

ҳақида инсон ёки маҳсус қурилмалар томонидан қабул қилинадиган маълумот.

Билим – борликни бевосита англаш. Билиш – одамнинг ўзи синовдан ўтказиши, бошидан кечириши демак.

“Билиш” сўзининг маъносини қадимги славян тилидаги “ведать” сўзи янада аниқроқ ифодалайди. Ведать – воқеаликни чукур англашни билдирувчи феъл.

“Информация” сўзи рус тилига инглиз тилидан кириб келган. Бу сўзни маъноли қисмларга бўлиб чиксак, куйидаги ҳолат келиб чиқади: in-form-a-tion. Яъни бу сўз айнан: “шаклда яши-ринган нарса” деган маънони англатади. Демак информация нарсанинг мазмуни эмас, шакли ҳақида маълумот беради,

“Билим” сўзи инглиз тилида ўз муқобилига эга. Бу бизга яхши таниш бўлган “интуиция” сўзи бўлиб инглизча “into” сўзидан ҳосил бўлган. Интуиция бирор нарсанинг қичига чукур кириб боришни англатади. Шунинг учун биз: “Менга интуициям айтди” деганимизда, сўз билан ифодалаш қийин бўлған чукур, ички билимни назарда тутамиз.

14 ёшда эканлигимда содир бўлган воқеани эслайман. Мен шаҳар бўйлаб кетаётган эдим. Бирдан ички овозим ёки интуициям овози (истаганингизча номлаш мумкин) менга: Ҳозир сен ўртоқларингни учратасан деди. Шу билан бирга айнан кимларни учратишими айтди. Мени ғалати саросималик ва қизиқиш туйғуси қамраб олди.

Юз метр юргач чинданам синфдошларимни учратдим ва айнан мен кўришни кутган болаларни кўрдим.

Мен бу вазиятни таҳлил қилиб кўрдим.

Мен уларни ҳеч ҳам кўра одмасдим. Бинобарин менинг онг остим уларнинг олдинда кетаётганини билган. Бироқ у буни қандай қилиб билган? Мана масала қаерда.

Кейин бўндей вазият кўп бўлди. Мен доим ички овозимга қулоқ солишга ҳаракат қиласдим.

Онг остимизда бу оламдаги барча бор, бўлган ва бўладиган нарсалар ҳақида билим бор. Ички ақлими – бизни ўраб турган олам ва ўзимиз ҳақимиздаги билимлар сақланадиган тубсиз хазина. Фақат уларга йўл топа олиш керак. Ўзингизга ишонишни ўрганишингиз керак.

Мана менга бир аёл мижозим нимани айтиб берди.

– *Бу мен билан тарих дарсида содир бўлган эди. Мен у пайтда еттинчи ёки саккизинчи синфда ўқирдим – ҳозир эслолмайман. Биз қўшимча адабиётдан фойдаланиб Дмитрий Донской ҳақида ҳикоя тайёрлашимиз керак эди. Мвн уйда ҳеч нарса ўқимадим, ўқитувчимиз эса (сезиб тургандай) айнан мени жавоб бериш учун чиқарди. Мен доскага чиқдим лекин нима ҳақида гапиришни билмайман. Шунда менда қандайдир ғалати нарса содир бўлди. Мен қандайдир транс ҳолатига тушиб ниманидир гапира бошлидим. Фақат ҳикоядаги айрим сўзлар, синфдаги жисмжистлик ва тарих ўқитувчимизнинг ҳайратдан катта очилган кўзларини эслаб қолганман.*

Сен буларни қаердан ўқидинг? – сўради ўқитувчи ҳикояни тугатганимдан сўнг. – Мен Дмитрий Донской ҳаёти тарихининг бундай талқинига биринчи бор дуч келяпман. Сен ҳикоя қилганингда менда шундай туйғу пайдо бўлдики ўзим ўша ерда бўлиб ҳаммасини ўз кўзим билан кўргандай бўлдим. Ўтири “аъло”.

Мен билан кейин яна бир неча марта шундай ҳолат содир бўлди деб ҳикоясини тугатди бу аёл.

Дарвоқе фолбин ва башоратгўйлар ҳам ўз фаолиятида айнан шу тамойилдан фойдаланади. Маросимий ҳаракатлар орқали улар одам онг остидаги ахборотни “ўқиб олади”. Бунинг ҳеч қандай ёмон ёки муқаррарлик жойи йўқ. Сиз ўз ҳаётингиз ва тақдирингизнинг хўжайнини бўлсангиз сизга ёқмайдиган нарсани ўзгартиришингиз мумкин.

*Мен юқорида Грецияда семинар ўтказганимда жуда ғаройиб бир аёлницида яшаганимни айтиб ўтган эдим. Ў профессионал фолбин, массажчи, Рейка устаси ва шунчаки жуда яхши одам.*

*Бир сафар унинг олдига бир ўғри фол очиришга келди.*

*- Сенинг омадинг келмайди деди унга Валентина.*

*- Ахир қандай қилиб, Валя хола, ҳаммаси пухта ўйланган ва юз марта ҳисоблаб чиқилган. Ишимиз ўнгидан келса мен сизга ўн фоизини бераман.*

*- Йўқ, сен менга ҳозир сеанс учун 10 минг драхма тўла. Мен шерик эмасман. Мен бор-ўғи фолбинман. Сен мендан ахборот беришмни сўрадинг – мен сенга уни бердим. У ёғига ўзинг ўила.*

*Сиз нима деб ўйлайсиз? Дўкон эгаси белгиланган санадан бир кун олдин барча буюмларини бошқа жойга ўтказиб кўйди. У ўзини тўнаб кетишларидан хабардор эмас эди. Шунчаки унинг ички кучи ўғриларнинг ниятидан устун чиқди.*

Ахборот ва Билим. Кўпчилик бу икки тушунчани адаштиради. Бу сўзларнинг маъносини тушунмайди.

Мисол учун математикани оламиз.

$$1+1=2.$$

Бу билимми ёки ахборотми?

Кўпчилик буни биламан деб ўйлайди. Лекин улар адашади!

Одамлар шунчаки  $1+1=2$  әканлигидан хабардор. Аслида  $1+1$  3 ҳам, 4 ҳам, 5 ҳам бўлиши мумкин. Кўшишни қайси системага амалга оширишга қараб. Масалан жонли табиатда бир урғочи билан бир эркакнинг қўшилишидан 12 та бола туғилиши мумкин. Демак  $1+1=14$  бўлиб чиқади.

Бошқа мисол оламиз. Сиз ресторонга келдингиз, сизга менюни ўқиб буюртма қилишни таклиф қилишади. Меню – билимми ёки ахборотми? Албатта ахборот-да. Акс ҳолда ҳамма стол атрофида ўтириб қоғозни чайнаб ўтиради. Бунда менюни ўқиётган ҳар бир кишида эски билимларга асосланган ўз ассоциатив образлари вужудга келади. Ҳақиқий билим сизга кел-

тирилган нарсани ёганингиздагина ҳосил бўлади. У сиз бунгача тасаввур қилган нарсадан фарқ қилиши мумкин.

Сиз нотаниш тилда ёзилган менюни ўқисангиз еб кўрмагу нингизча ўмуман ҳеч нарсани тасаввур қила олмайсиз.

Ўғлим туғилганида мен унинг юришни ўрганаётганини кузатишни яхши кўрардим. Кунларнинг бирида мен бирдан болага бу жараён ҳақида умуман ҳеч қанақа ахборот керак эмаслигини тушуниб етдим. Мен унга буни қандай қилиш кераклигини тушунтирумайман-ку. Унга ҳеч қандай эътиқод ҳам керак эмас, у бунинг нималигини билмайди ҳам. У шунчаки юришни қандай ўрганиш кераклигини БИЛАДИ. Билим унинг ичидаги жойлашган. У шунчаки бу ишни бажаради. Болалар хабардор эмас, улар билади.

Сизга велосипед ҳайдашни тушунтиришса сизнинг ҳайдай олишингиз гумон. Бунинг қандай қилинишини БИЛИШ керак. Айнан шунинг учун сиз қачонлардир велосипед ҳайдашни ёки сўзитини ўргангандан бўлсангиз бу билим сиз билан умрбод қолади.

Ахборот доим юзаки, билим эса – чуқур нарса. Бу оламни бошдан кечириш, чуқур ҳиссий идрок қилишдир.

Одам жуда кам нарса била туриб ўзини бошқариши ва ўз ҳаётининг хўжайини бўлиши мумкин. Ва аксинча. Кўп нарсадан хабардор, кўп нарса биладиган одамлар бор, нақ кўчма энциклопедия дейсиз. Бироқ масалан шахсий ҳаётини йўлга кўя олмайди. Уларнинг билими ўлик. Фақат ахборот бор. Туйғуларни ҳақиқий бошдан кечириш йўқ. Миясида фақат жонсиз сурат ва сўзлар бор ҳолос.

Ахборотни реалликка айлантириш зарур. Яъни БИЛИШ керак.

Биз сиз билан овқат ҳақида гаплашган эдик, келинг, буни яна бир бор такрорлаймиз. Турли ахборот манбаларида (эътибор беринг, билим манбаларида эмас, ахборот манбаларида чунки билим манбай – ҳаётнинг ўзи) зиддиятли маълумот-

ларни учратиш мумкин. Айримлар қайсиdir маҳсулотни зарапли деб таъкидлайди, бошқалари эса уни фойдали дейди. Бундан ташқари кўплаб овқатланиш системалари бор. Бироқ буларнинг ҳаммаси моҳиятдан, асосий нарсадан узоклаштиради. Нега энди одам ўз онг остига ишониб иш тутмаслиги керак? "Ақлли" китобларда айтилганларга эмас, ўз сезгиларига ишонмаслиги керак? Ахир айнан шугун менга айнан шу маҳсулотдаги айнан шундай моддалар етишмаётгандир.

"Мен ахборотга эгаман" деган жумла ўз-ўзидан беъмани жумла. Хабардор бўлиш ҳали эга бўлиш дегани эмас.

Яна бир кенг тарқалган ибора бор: "Асримиздаги энг қимматли нарса ахборотdir". Чинданам шундаймикан? Дейлик сен қаергадир хазина кўмилган деган ахборотни олдинг. Хўш, нима бўлти? Биринчидан уни қазиб олиш керак, иккинчидан эса ўз ҳаётингда фойдаланиш керак. Агар сен ичингдан бойликка тайёр бўлмасанг бу хазина сенга фақат муаммо орттиради, шунчаки сени вайрон қиласди.

Сиз қанча китоб ўқисангиз ҳам ҳали уларни ўқир экансиз, ҳеч қачон ҳақиқатни билолмайсиз. Китоб билим бермайди, у ахборот беради. У масалан дискета каби шунчаки қабул қилиш қулагай бўлган ахборот ташувчи восита. Сизни бирор ахборот қизиқтириб қолган бўлса уни ўз ҳаётингизда қўлланг. Шунда сиз уни биласиз:

Танишингиз сизга ёқсан ва фойдали кўринган китобни ўқиши истамаса ҳайрон бўлманг. Уни мажбур қилманг. Унинг асабларини аянг. Яхшиси китобдан олган билимларингизни ҳаётингизда қўлланг. Шунда уни ўзи бу китобни сиздан сўраб олади. Шахсий ўрнак доим юқумли бўлади.

Биринчи китобим "Дардингни сев"ни нашр қўлганимда менга одамларнинг муносабатини билиш қизиқ бўлган. Мён китобим сотилаётган дўкончадан сал нарироқда тўриб кузатардим. Одамларнинг хатти-харакати ва муносабати жуда турлича бўларди.

– “Дардингни сев” – бу қизиқ, дерди баъзилар ва китоб билан танишиш учун қўлига оларди.

– “Дардингни сев” – яна нима?! Менинг бошқа қиласиган ишим йўқми, дерди бошқалари.

Мен эса ўшанда китобим шундай қарама-қарши муносабатларни туғдиряптими демак унинг номи мудаффаиятли чикқан деб ўйлагандим. У кимга жуда керак бўлса айнан ўша кишининг қўлига тегади. Бошқа кишилар ўзига ружан яқинроқ бўлган бошқа китобларни ўқииди.

Китоб, умуман ҳар қандай ахборот нима учун керак?

Булар ҳаёт йўлимиздаги йўл кўрсатувчи белги. Йўл кўрсатувчи белгини ҳақиқат деб қабул қилисангиз бутун умр унинг олдида ўралашиб қоласиз. Демак ўз йўлингизни ташлаб қўясиз. Китоб ҳам шундай – у йўл эмас, йўлдаги белги, йўл-йўриқ.

Шундай стандарт бир ҳолатни тасавур қиласилек. Бир одами айни пайтдаги ҳаёти, ўзини намоён қилиш даражаси қаноатлантирмайди. У янги йўл ва имкониятларни излай бошлайди. Психологик гурухга боради, янги китоблар сотиб олади, клуб, черковга боради. Одатда бу босқичда одам оиласи, ҳаётини унтиб руҳий фəолиятга берилиб кетади. У ана шу нарсани Ҳақиқат деб ўйлади.

## АХБОРОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ СТРАТЕГИЯСИ

Тушунганингиздек, тайёрланмаган кишида ахборот мўлкўллигига дуч келганда стресс вужудга келади. Ҳозирги дунёда инсонга ахборотдан зўриқишидан сакланиш учун маҳсус стратегия ўта зарур.

Инсоннинг ахборот билан алоқасини овқат ҳазм қилиш жараёни билан қиёслаш мумкин (дарвоҷе, одам овқат билан ҳам атроф олам ҳақида муайян ахборот олади):

Овқатни ютиш

↓  
Овқатни қайта ишлаш

↓  
Овқатни ҳазм қилиш

↓  
Кераксиз нарсалардан ҳалос бўлиш

Ахборот билан ишлашда ҳам худди шу жараён содир бўлади:

Ахборотни ютиш

↓  
Ахборотни қайта ишлаш

↓  
Ахборотни ўзлаштириш

↓  
Кераксиз нарсалардан ҳалос бўлиш

Ютиш жараёнидан бошлаймиз. Тасаввур қилинг, сиз ичи-  
нгизга ҳамма нарсани кетма-кет ва кўп микдорда тикиштира  
бошласангиз сизга нима бўлади? Ошқозонингиз шунчаки буни  
ҳазм қилолмайди ва ундан ҳалос бўлишни истайди. Шунинг  
учун биринчи навбатда қилинадиган иш – келаётган ахборот-  
нинг киришини чегаралаш.

Ҳамма нарсани танламай ютавермасдан янги дунёқарашиб мон-  
дели филтридан ўтказиш керак. Ҳатто ҳайвонлар ҳам ейишдан  
олдин ҳидлаб кўради.

Бироқ “янги дунёқарашиб модели филтридан ўтказиш” нима  
дегани? Мисол орқали тушунтиришга ҳаракат қиласман.

Менинг шахримда китоб ярмаркаси ишлайди, мен унга доимий  
равишда бориб тураман. Мени дўконлардаги китоблар-  
нинг кўплиги кувонтиради. Мен янги китоб олиш учун макула-

тура йиғиб топшириш керак бўлган вақтларни эслайман. Ҳозир эса марҳамат, хоҳлаганингни танла. Бироқ биласизки ҳамма китобни ўқиб бўлмайди. Бунинг ҳожати ҳам йўқ чунки чинданам аҳамиятли китоб жуда кам. Қандай қилиб шундай мўл-кўл китоблар ичидан айнан сенга ўзингни ва атроф оламни яхшироқ тушунишга ёрдам берадиган китобни топиш мумкин?

Шахсан мен шундай йўл тутаман.

Ўзимни қизиқтирган китобни олиб сўз боиси, биринчи ва охирги бетини ўқийман. Масалан, қуидаги сўзларга дуч кела-ман. “Бу китоб сизга энергоинформацион паразитлардан ўзи-нгизни ҳимоя қилишни ўргатади”.

Кейин мен мулоҳаза қиласман: бу жумла қайси моделга тегишли? Албатта эски “Курбон – Золим” моделига.

Унда бир пайтнинг ўзида эски моделга мансуб иккита сўз бор.

Биринчиси – “ҳимоя” (замирида хужум деган маъно ётади).

Иккинчиси – салбий маънодаги “паразитлар” сўзи (бизга энергоинформацион паразитлар хужум қиляпти, келинг улар билан курашамиз).

Бу мурожаатнинг маъноси – атроф олам билан кураш.

Менга бу тўғри келмайди ва мен китобни қайтиб жойига кўяман.

Бундай тактика менга келаётган ахборотни чегаралашга ёрдам беради. Янги дунёқарашибор модели филтри ҳимояда туриб ахборот ахлатини саралаб олиб қолади. Ўзингни ифлослантиришнинг нима кераги бор?!

Ахборот оқими билан самарали алоқа қилишнинг иккинчи тамоили ахборотнинг ортиши билан баравар уни амалга ошириш воситаларини кўпайтиришдир. Бошқача айтганда катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш, ундан фақатгина ҳозирги пайтда фойдали бўлган қисминигина ўзлаштириш ва ортиқча ахборотдан осон халос бўлишни ўрганиш керак.

Бироқ ахборотни ўзлаштириш дегани нимани англатади?

Бу уни ўз ҳаётингизда қўллаш яъни аниқ билимга эга бўлиш демакдир.

Хозирги замон кишисининг энергетик имкониятлари ошди бироқ у уларни рўёбга чиқаролмаяпти. Нима учун? Бу ҳам ўша сабабга кўра – дунёқараш модели, шунга мувофиқ ёски вўсита ва стратегиялар ҳам аввалгича қолган.

Кўп одам ҳаётининг мақсади ва мазмунини англамайди, Коинот қонунларини билмайди. Аксарият одамнинг иродаси қарам қилинганди.

Бундай ҳолатда ўз имкониятлари, жумладан энергетик имкониятларини фикрлаш моделини ўзгартирмай туриб ривожлантириш – боши берк кўча.

Бор тезлиги билан мақсад ва йўналишсиз ҳаракат қилаётган замонавий қудратли машинани ва уни ҳеч қачон рулда ўтирмаған одам бошқараётганини тасаввур қилинг.

Дунё борган сари серҳаракатроқ, фаолроқ, жўшқинроқ, тезкорроқ бўлиб боряпти. Ёш ўтиши билан эса аксарият одамда идрок қилиш қобилийти пасаяди чунки улар ўзига кераксиз ахборотни юклаб ташлайди.

Демак инсон ҳам ҳаракатчанроқ ва тезкорроқ бўлиши лозим. Ҳаётий вазиятларга ижобий жавоб қайтарибгина қолмай ўз ҳаётидаги воқеаларни ўзи юзага келтира олиши керак. Бунинг учун эса одам доимий равишда ўз устида ишлаши, ўз-ўзини такомиллаштириб бориши лозим. Бироқ эҳтиёткор ва синчков бўлинг. Бу "ўз-ўзини такомиллаштириш" деган узун сўзниг тузоғига тушиб қолманг. Тўғри иш қиляпсизми ёки йўқми, ҳаётнинг ўзи айтиб туради. Сизнинг оламингиз яхшироқ, яшаётган жойингиздаги ҳаво ва сув тозароқ бўлган бўлса демак сиз тўғри йўлдасиз. Бўлмаса янги ахборот, энергетик имкониятлар нима учун керак?

Биз космосга интиляпмиз, янги энергияларни ўзлаштиряпмиз. Бироқ бу бизга нима беради? Американинг очилиши дун-

ёга нима берди? Американинг ўзига, унинг тубжой аҳолисига-чи?

Қаёққадир интилишдан олдин аввал ўзимизни англашимиз керакдир. Қалбимиизда, ҳаётимизда тартиб ўрнатишимииз, фикрларимизни тозароқ қилишимиз, тажовуз, манманликдан халос бўлишимиз керакдир. Шунда космоснинг ўзи бизга очилади. Бўлмаса ерни расво қилиб бошқа оламларга интиляпмиз. Нима учун? У ерни расво қилиш учунми?! Айтинг-чи, бизни ўёқда шу феълимиз билан кутишяптими? Балки айнан шунинг учун ўзга сайёраликлар биз билан алоқага киришмаётгандир. Улар шунчаки биздан қўрқади. Уларга Америка ҳиндуларининг фожеали қисмати таниш бўлса керак.

Бинобарин, бу мушкул аҳволдан чиқиш йўли фақат битта – ўз фикрлаш моделимизни ўзгартириш. Курбон ва истеъмолчи бўлишни бас қилиб ўз оламимиз ва ҳаётимизни ўзгартириш.

## ЎЗИНГИЗ ВА АТРОФИНГИЗДАГИЛАРГА ОРТИҚЧА АХБОРОТ ЮКЛАБ ТАШЛАМАНГ

– Доктор, дейди менга доимий бошоғриғи бўлган аёл мижсизм, биласизми менинг қуним қандай ўтади? Ҳозир сизга айтиб бераман. Эрталаб турман – радиони қўяман. Ишдан уйга қайтаман – телевизорни қўяман. Овқатланишга ўтирсан – китоб ўқиши. Ухлашга ётаман – китоб. Ҳамма жойда шу иш. Ҳар куни кун бўйи олинган ахборотни миямда айлантираман. Ўзим учун умуман вақт қолмайди. Миям говлаб кетган.

Ҳозирги давр кишиси доимий хавотир туйғуси билан яшайди ёки кун кўриш учун безовта бўлиб юради. Бу ажабланарли эмас. Чунки унга ҳар куни, ҳар дақиқа улкан ахборот оқими, биринчи навбатда табиий офат, террорчилик актлари ва экологик фалокатлар ҳақидаги ахборот ёғилади. Кейин одам бу ахбо-

ротни доимий равища онг ости даражасида миясида айлантириб юради. Қачон у ёргуғ ва түзал нарсалар ҳақида ўйлайди? Бунга шунчаки унинг вақти йўқ.

Мен бир сафар бир қариндошимдан сўрадим:

- Сен нима учун ҳар куни янгиликларни кўрасан?
- Нима учун бўларди, жавоб берди у, мен дунёда нима содир бўлаётганини билишим керак-ку. Шунинг учун ҳам уларни “янгилик” дейдилар.
- Хўп, сен кечакана янгиликни билиб олдинг?
- Мен шуни билиб олдимки Америкада космик кема портлабди. Истроилда яна бир террорчилик акти амалга оширилибди. Карнат тогларида табиий офат юз берибди.
- Буларнинг нимаси янгилик экан? – сўрадим мен. – Нима, бунгача космик кемалар портламаганми, терактлар содир этилмаганми, табиий офат бўлмаганми?
- Содир бўлган албатта. Табиий офатлар ҳам бўлган. Бироқ булар кечакана бўлгандар. Бугун эса бошқа воқеалар.
- Бироқ бу воқеаларнинг можияти ўшандайлигича қолади. Фикримга қўшиласанми?
- Қўшиламан.
- Яъни сен телевизор экранидан ва газеталар саҳифасидан бирор янгилик олмайсан. Шунчаки мияларни ювшиш ва ифлослантириши кетяпти. Бу оммавий ахборот воситалари томонидан бекорга қилинмаяпти.
- Хўш, нима учун қилиняпти?
- Сенинг фикринг ва иродангни асоратга солиш учун, сен ўз ҳаётинг учун доимий қўрқув ва безовталикда яшашинг учун қилиняпти. Шунда сени бошқариш осон бўлади.

### Машқ

Куйида мен ўз кунингизни режалаштиришга доир машикли тавсия қиласман. Бироқ бу одатдаги режалаштириш эмас. Бу

одатий кун тартиби ва одатий қолипларни ўзгартириш бўлиб сизга биоробот ҳолатидан ўз ҳаётингизнинг хўжайини ҳолатига ўтишингизга ёрдам беради.

### Эрталаб

Ўйғотгич соат жиринглашидан беш дақиқа олдин уйғонинг (қўнғироқ овози секин жиринглаши керак). Бунинг учун ухлаш олдидан онг остингизга қўрсатма беринг. Тахминан қуида-гича: "Ҳозир мен чукур уйқуга кетаман. Уйқу вақтида танам дам олади. Танамнинг барча аъзо ва тизимлари пухта ва бир тартибда ишлайди. Ҳар бир хўжайрам қувват билан тўлади. Иродам кучи мустаҳкамланади. Мен уйғотгич жиринглашидан беш дақиқа олдин қучга тўлиб аъло кайфиятда уйғонаман".

Уйғонгач туришга шошилманг. Танангизнинг барча қисми, барча хўжайрангизни фикран назардан ўтказинг. Бу танангизни уйғотиб тайёрлик ҳолатига келтиради.

Шундан сўнг шу кунга дастур белгиланг. Ичингизда (тўшакда ётиб қилиш мумкин) ўз ниятларингизни айтинг. Улар ижобий бўлиши керак.

Масалан: "Бугун мен солиқ инспекциясига ўз вақтида ҳисобот топшириш учун зарур ва мақбул ишларни қиласман. Коинотнинг барча кучлари бу ишда менга ёрдам беради". Ёки "Бугун мен эримни хушёр ва соғлом кўриш ниятимни амалга ошираман".

Ниятларингизни амалга ошириш образини яратинг. Олдинда турган кунингизни тўшакдан туриб яна тўшакка ётар вақтингизгача тасаввур қилинг. Бутун кун фикрий нигоҳингиз олдидан ўтсин. Бирданига кўп ишни режалаштиришга ҳаракат қилиманг. Уларни зинҳор блокнотга ёзманг. Осон эслаб қоладиган ишларнигина бажаришга ҳаракат қилинг. Ўзингизни иш билан кўмиб ташлаш керак эмас.

"Шундан сўнг" енгил туришингиз мумкин. Яқинларингиз ва Коинотга салом беринг. Уларга табассум улашинг.

Албатта бадантарбия қилинг. Ўзингизга кўпроқ ёқадиган машқлар комплексини ўйлаб топинг. Ўнга чўзилишга доир машқлар, нафас олиш гимнастикаси кирса янада яхши. Бадантарбия ўзига хос динамик, созвовчи медитациядир. Машқларни ювиниш, чўмилиш билан тугалланг.

Шундан кейин шошмасдан кундалик ишларга киришишингиз мумкин. Ҳамма ишни хотиржам, ҳовлиқмасдан ва шошмасдан, ҳаммасига ўз вақтида улгурман дёган фикр билан қилишга ҳаракат қилинг.

### **Ишга бориш ва уйга қайтиш**

Зинҳор узоклашаётган автобуснинг ортидан югурманг. Бу шунчаки сизнинг автобусингиз эмас. Сиз эртароқ чиқдингиз. СИЗНИНГ транспортингиз ҳадемай келиши керак.

Транспортда бўшашиб, нафас олиш, кўз учун бир нечта машқ бажариш, шахсий ўтмишингизни қайта кўриб чиқиш учун бўш вақт бор.

Рекламага камроқ эътибор беришга ҳаракат қилинг. Бу энергиянгизни тарқатиб юборади ва фикрингизни чалғитади.

Ёнингизда кимдир майший даражада жанжаллашиб ва сўкинишни бошласа жанжалга аралашманг (экстремал вазиятлар бундан мустасно). Бироқ зийрак бўлинг! Атрофингизда бўлаётган воқеа ва сўзларни белги, йўл-йўриқ деб қабул қилинг.

### **Кечқурун**

Иш кунидан сўнг албатта душ қабул қилинг. Нафас олинг. Дам олинг. Бўшашибга мўлжалланган бир неча машқ бажаринг. Психологик тренинглардан бирини тингланг (меникини тинглашингиз мумкин). Телевизорни кўрмасликка ҳаракат қилинг. Ўзингизга зарур барча ахборотни бошқа усувлар билан олишингиз мумкин.

Яқинларингиз билан таасуротларингиз, олинган билимларингизни ўртоқлашинг. Кун давомидá юз берган воқеаларни

тахлил қилинг. Мұваффақиятларни қайд қилинг. Нохуш воқеалар өз берган бўлса Психоэнергетик Айкидони қўлланг ва онг остингизни ижобий вазиятларга қайта программалаштиринг. Бу доира стол атрофида, оила даврасида амалга ошса янада яхши. Суҳбатни чой (ёки исталган бошқа) маросими билан тугалланг. Биргалиқдаги сайд ҳам яхши фойда беради. Уйингизда тотувлик ва тинчлик хукм сурсин. Ухлаш олдидан оиласиз аъзоларига хайрли тун тиланг.

Тўшақда ётиб қўзингизни юмгач бутун ўтказилган кунни уйғонган вақтингиздан бошлаб эсланг. У ички нигоҳингиз олдидан ўтсин. Онг остингиз, она-табиат, яқинларингиз ва ҳаётингизда учратган барча кишига миннатдорчилик билдиринг. Сўнг фикран ўзингизни кейинги кунга, кўзингизни очиб ният тузажетган пайтингизга ўтказинг. Энди хотиржам ҳолда Морфей салтанатига йўл олишингиз мумкин.

Хайрли тун!

## Сўнгсўз

Мана азиз ўқувчим, инсон руҳиятининг чексиз кенгликлари бўйлаб яна бир саёҳатимиз ниҳоясига етди. Ишонаманки у сиз учун қизиқарли бўлди ва сиз ундан ҳаётингизда ёрдам берадиган янги билимлар билан қайтдингиз.

Олдингизда – сизнинг йўлингиз, сизнинг Ҳаётингиз. Ихтиёрингизда эса номаълум нарса билан учрашганингизда фойдаланадиган янги стратегия ва воситалар бор. Энди, у ёки бу вазиятга дуч келганингизда сиз ўзингиз ва атроф оламни вайрон қилиб эскича муносабат билдиришингиз ёки янгича, ижобий тарзда ҳаракат қилишингиз, ўзингизни ўз ҳаётингизнинг хўжайини деб ҳис қилишингиз ва яратишни бошлишингиз мумкин.

Танлаш сизнинг ихтиёрингизда. Йўлингизда омад тилайман! Кейинги учрашувларгача хайр!

## Мундарижа

Китобхонларим мактубидан .....	5
Сўзбоши ўрнида .....	8
Биз ўйнамасак бизни ўйнатадилар .....	11
Эски ва янги дунёқараш модели .....	15
Стресс нима? .....	24
Катталарнинг асосий хатоси .....	26
Психоэнергетик Айкидо .....	30
Стрессдан эмланиш .....	89
Коинот аломатлари .....	90
Эмланиш алгоритми .....	105
Доктор Синелниковдан ҳаққоний ҳикоялар .....	106
Менинг биринчи совғам .....	106
Тепакал эркақ .....	108
Ҳамён .....	114
Ғолиб Георгий .....	116
Солиқ инспекциясидан совға .....	119
Самарали мuloқot қилиш санъати ёки қандай қилиб мuloқotchan бўлиш мумкин .....	122
Уланиш ва ишонч .....	125
Оlamни тасвирлашнинг етакчи системаси .....	128
Тана ҳолати ва имо-ишора .....	132
Нафас олиш .....	135
Овоз тони, тембри ва оҳангি .....	136
Одамларнинг ўзига хос сўзлари .....	136
Ахборот излаш ҳақида хабар берувчи кўз сигналлари .....	137
Эргаштириш .....	142
Мулодаги тескари алоқа .....	143
Мулодаги тўрт асосий қоидаси .....	146
Мулодаги суратига бир неча чизги .....	152

Атроф сләм бизнинг истакларимизга мувофиқ келади.....	152
Ҳеч қачон одамлар ҳақида ўзингизча ҳукм чиқарманг .....	158
Одамларни эшишишни ўрганинг .....	160
Одамни қандай бўлса шундайлигича қабул қилинг.....	162
Бошқаларни баҳтли бўлишга мажбур қилиш керак эмас .....	163
Сендан ёрдам сўрасалар.....	165
Йўқ дейишни ўрганинг .....	166
Ҳимоя.....	169
Баҳснинг аҳмоқоналиги ва фойдасизлиғи ҳақида.....	170
Оқ фотиҳа .....	172
<b>Ахборот ва билим .....</b>	<b>174</b>
Ахборот тўфони.....	174
Кимга ишониш керак? .....	175
Ахборот ва билим.....	180
Ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш стратегияси.....	186
Ўзингиз ва атрофингиздагиларга ортиқча ахборот юклаб ташламанг .....	190
<b>Сўнгсўз.....</b>	<b>195</b>

*29.000 с.*

**Синельников, Валерий.**

Стрессдан эмланиш. Психологик қўлланма/тарж. Ф. Сафаров,  
З. Сафарова – Т.: “Наврӯз” нашриёти, 2018. –201 б. ISBN 9789943381834

**УЎК 612(21+14)**

**КВК 87. (5Ўзб)4**

**C77**

Китоб „Синельников. В. В. Прививка от стресса. Как стать хозяином своей жизни“ (М.: ЗАО Центполиграф, 2008) нашридан таржима қилинди.

**Муҳаррир:** Фахриддин Ибрагимов

**Мусаҳҳих:** Фируз Сафаров

**Техник муҳаррир:** Оғамурод Сафаров

**Саҳифаловчи:** Гулшод Бекназарова

Нашриёт лицензияси AI № 170 23.12. 2009. Оригинал

макетдан боснишга руҳсат этилди. 29. 10. 2018.

Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. "Cambria" гарн.

Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Нашриёт табори 12,5.

Шартли бөвема табори 11,05, Адади 1000 нусха. Вуюртма № 16

“НАВРӽЗ” нашриёти: Тошкент шахри, Амир Темур кўчаси, 19-й.

Баҳоси келишилган нархда.

**“SHAHZOD PRINT” босмахонасида чоп этилди.**

**Бухоро шахри, А. Жомий кўчаси, 17 -уй.**